

УЗИНГ  
УЗИНГТА  
ТРЕНЕР

Ф.А.Керимов

**КУРАШ  
ТУШАМАН**




CH0000007960

УЗИНГГА  
УЗИНГ  
ТРЕНЕР

ФА.Керимов  
**КУРАШ**  
**ТУШАМАН**

Тошкент  
Ибн Сино номидаги нашриёт  
1990

Тақризчи: А. А. Истомин



896215

### КЕРИМОВ Ф. А.

К 38 Кураш тушаман.— Т.: Медицина, 1990.— 1746.—  
(Ўзинга ўзинг тренер).

Тавсия этиладиган адабиётлар: с. 171—173.

Керимов Ф. А. Тренировка юного борца.

СССР спорт мастери, педагогика фанлари номзоди Ф. А. Керимов-  
нинг ушбу китобида ёш полвонларни қандай тайёрлаш түгрисида  
ҳикоя қилинади. Китобда ёш полвонларни ўқитиш ва уларга таълим-  
тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Китоб ёш спортчилар билан ишловчий тренерларга ҳамда ўзига-  
ўзи тренерлик қилмоқчи бўлган ёш полвонларга мўлжалланган.

ББК 75.715

4204000000—054  
К  $\frac{M 354 (04).90}{64-90}$

ISBN 5-638-00246-4

© Ф. А. Керимов, 1990.

**М. ЭРЦЕГАН, ФИЛА президенти**

**ЖАҲОНДАГИ БАРЧА МАМЛАҚАТЛАРНИНГ  
ТРЕНЕРЛАРИГА ОЧИҚ ХАТ**

Бугунги алоҳида фурсатдан фойдаланиб, жамиятга фойда келтиришга қодир бўлган, ҳар томонлама ривожланган шахсни янада камол топтириш мақсадида спортчилар тарбиялаш ва тайёрлаш борасидаги юксак натижаларингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, шогирдларингиз кўрсатган спорт натижаларидан хурсанд эканимни ҳам айтиб қўймоқчи-ман. Аввало мен ёш авлоднинг жисмоний тайёrlиги ва санитария нормаларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган педагог ва эксперталар сифатида Сизлар бажарган ишларни юксак даражада баҳолаб, келгусида ҳам бу соҳада сизга муваффақият тилайман.

Ҳозирги пайтда спортнинг ҳар хил турлари, жумладан кураш соҳасида ҳам тайёргарликнинг анъанавий йўллари ва махсус усусларидан фойдаланиб, янада юксак натижаларга интилоқдасиз. Ҳар бирингиз ўз даражангизда чемпионлар тайёрлагансиз. Юксакларни кўзлаш ва эришилган натижалардан ўзинга интилиш, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Спорт клуби, шаҳар, район, мамлакат, қитъа, жаҳон миқёсида чемпион ёки Олимпия чемпиони — тренер ва курашчининг биргаликдаги меҳнатининг самарасидир!

Тренернинг билимлари қанчалик чуқур бўлса, унинг шогирди бўлмиш ёш полвонлар ҳам шунчалик кучли бўлади. Айнан шунинг учун сиз илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган назарий ва амалий ишларнинг махсус методикаси борасида ўз билимларингизни бойитиб, доимо ўқиб-ўрганиб боришингиз лозим.

Коида асосида иш олиб борган полвонлар маҳорат чўққисига эришиш учун курашадилар. Курашни ҳамиша навқирон ва тўлақонли спорт турига айлантиришда ФИЛАНинг илм-фанга асосланган фаолияти таҳсинга лойиқдир. Ҳозирги вақтда динамизм, космос борасида-

**ГИ ТАДҚИҚОТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИЙ, ТЕЛЕВИДЕНИЕ БИЛАН ХАРАКТЕРЛИ БҮЛИБ, УЛАР ТУФАЙЛИ СПОРТНИНГ КУРАШ ТУРИ ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРИШИ МУМКИН.** Үтмишда кураш қай ақволда эди-ю, энди қандай эканини күриб турибмиз. Келгусида ғоят истиқболли спорт тури бұлған курашнинг бугунги ақволига бефарқ қараб бўлмайди.

**Давр руҳига жавоб бўладиган ушбу очиқ хатни сизга йўллар эканман, унда тренировкадан мақсад — замонавий кураш моделини яратиш эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.**

**Маълумки, курашнинг мазмуни ва унинг ташки кўриниши спортчини ҳаракат қилишга чорловчи ва гиламда муваффақиятни белгиловчи қоидага, регламент нормаларига, беллашувдан келиб чиқадиган шартларга боғлиқ бўлади.**

**Агар қоида кураш мазмунига ижобий таъсир этса ва мусобақа спорт маҳорати соҳасида эришилган муваффақиятни намойиш қиласа, унда шубҳасиз тренировка жараёни шу спорт турини ривожлантириш учун зарур база саналади.**

**Ўтган асрдан буён эски қоидалар амалда ишлатиб келинган, ана шу давр мобайнида спорт кураши тараққиётини кузатиб, бу соҳада кейинги ўн йил ичидан жуда катта революцион ўзгаришлар содир бўлди, деб таъкидлаш мумкин. Бир қолипдаги кураш ўрнини воқеа ва ҳодисаларга, ҳис-туйғуларга бой бўлған динамик ва томошабинни ғоят қизиқтирадиган спорт тури эгаллади. Булар бари кенг миқёсдаги универсал кураш талабини бажариш натижасидир. Таваккал қилиш ҳам яхши фазилат. Ҳар бир беллашувда уни муҳим элемент сифатида қўллаш керак. Айнан таваккал қилиш ғалабанинг асосий элементи эканлиги ва кутилмаганда вазиятнинг ўзгариши гиламда рўй бераётган воқеага ҳис-ҳаяжон киритганлиги кўриниб турибди.**

**Кураш бўйича қоиданинг узил-кесил таҳрири 1982 йилда Эдмонтонда бўлған Конгрессда киритилган ва тасдиқланган ўзгаришлардан кейин қабул қилинді. Шундан келиб чиқиб, ушбу Қоида ҳозирги замон кураш талабларини амалга оширишда қўл келади, унга ҳар хил тузатишлар киритилмайди.**

**Янги Қоиданинг самарадорлиги тўғрисидаги ижобий жавоблар кишини қувонтиради. Айни пайтда баъзи тренерлар ва спортчилар ушбу Қоидага етарли миқ-**

дорда мослашмаганлигини ифодаловчи АЙРИМ НОРОЗИЛКЛАР ҲАМ ҚАЙД ҚИЛИНМОҚДА.

Пассивликка қарши кураш ФИЛАНИНГ бош мақсадларидан бири саналади. У ҳозирги замон кураш турига томошабин эътиборини тортадиган элементлар киритилишига эришиши керак, шундагина бошқа турлар билан рақобат қилиши мумкин. Спортчилар универсал, актив курашни ўрганишлари, таваккал қилиш элементлари бўлмаган пассив кураш учун очко олиш одатидан воз кечишлари лозим.

Қоида талабларини бажаришга келсак, ФИЛА бу масалада доимо оғишмай изчил йўл тутади. Қоидада жумладан: «...ФИЛАНИНГ гоясига эътиroz билдирган ва унинг талабларини бажармайдиган полвон мусобақадан четлаштирилиши мумкин»,— дейилган.

Бу гап хоҳ саралаш, хоҳ финал беллашуви бўлсин барibir, курашчи ҳар қанлай ҳолатда ҳам мусобақадан четлаштирилиши мумкин, деган маънони англатади. Айрим кишилар мазкур қоида хусусида баҳслашмоқдалар, аммо бошқа спорт турларида мавжуд бўлган қоидани ҳам унутмаслик керак. Мисол учун югурувчи 100 м масофада икки марта қаторасига стартда хатога йўл қўйса, у хатто жаҳон чемпиони бўлса ҳам мусобақадан четлаштирилади. Турган гапки, қаттиқ талаблар обрўли, юқори ташкилотдан келиб чиқиши лозим. Биз бу қоидаларни оғишмай бажарилишини талаб қилаётганиligimizni спортчилар билишлари даркор.

Мен, ҳозирги замон кураш моделини шундай тушунман: икки-уч минут беллашув жараёнида полвонлар юқори суръат билан курашиб, динамик сермаҳсул ҳаракатлар қилиши ва яхши натижага эга бўлиши керак. Ҳар хил усуллар қўлланиб, юксак техникавий услубларга алоҳида эътибор берилади. Беллашув томошабин дикқатини тортадиган бўлиши керак: тактика — дадилликка ва таваккал қилишга асосланади, ғалаба мураккаб усулларни моҳирлик билан бажариш натижаси бўлиши даркор, курашчи-полвон рақиб курагини гиламга теккизисиб ғалабага эришишга интилиши лозим. Айрим мамлакатларда полвонлар намойиш этаётган ғалаба «нокат» усулининг оқибати бўлиб, бу беллашувга бўлган кизиқишининг пасайишига олиб келади.

Пайт пойлаш — яхши тактика дейишади. Бу бошқачароқ қилиб айтганда, «чекиниш тактикаси» саналади. Биз бунлай ёлғон назарияга каршимиз. Ҳозирги пайтда илмий методлар актив курашчининг қўшимча ҳара-

кат ҳажмини белгилаш имконини беради, шунинг учун ҳам пассивлик тактикасига йўл қўйиб бўлмайди. Маълумки, куч-қувватни оширишни тақозо этувчи қатор усуллар функционал имкониятларни тиклаш зарурати туфайли спортчи натижасининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу фаза тренировка жараёнида адаптациядан ўтиб, пассивлик ва гиламдан четга чиқиш кўринишида намоён бўлмаслиги лозим. Яхши машқ қилган полвон самарали қўлланган усулдан кейин интенсивликни камайтириш йўли билан 30 с мобайнида кучни қайта тиклаши мумкин. Агар кучни қайта тиклаш фазасигача спортчи талаб қилинган натижага эришса, унга ҳеч қандай огоҳлантириш бермаслик керак. Статистика маълумотлари ҳам бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Пассив кураш тренер обрўсини тўқади, деб биламиз. Бу очиқ курашга шайланган рақибиغا қарши спортчининг ғирромлик қилишидан бошқа нарса эмас. Ҳатто «тактика» деб аталувчи юксак ном билан аталган тақдирда ҳам пассив ҳаракатга йўл қўйиб бўлмайди. Бу тактика эмас, балки спортчи ва тренер судьянинг шафкат килишидан умидвор бўлиб, курашни атайн чўзиш йўлидир. Бу ёлғон курашдир! Пассив спортчини рақиби кучли бўлганлиги учун ютқазиб қўйган полвон билан адаштирмаслик керак. Судья ва унинг атрофидаги ҳакамлар спортчининг интилишига қарамай, беллашувни бой берган полвонни ўз ихтисосидан маҳрум қилиб, кўпол хатога йўл қўймоқдалар.

Пассив кураш муаммосини ҳар хил нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин. Бунда педагогик ва тарбиявий ишлар соҳасидаги камчиликлар, шунингдек кураш усулларини ўрганиш жараёнидаги нотўғри методология хусусида гап бориши мумкин. Мен пассив курашчи этика нуқтаи назаридан ҳам яхши натижа бермайди, деб биламан.

Пассив кураш сабаби полвоннинг ўз рақибиغا қарши яхши кураша олиш имконининг йўқлигидадир. Улар ўз натижаларидан қаноатланишган. Бундай ҳолат ҳам педагогик муаммолар билан ҳам, тренировка жараёнининг етарлича тўғри ташкил қилинмаслиги билан ҳам изоҳланиши равшандир. Шунингдек, обрўни сақлаш, хусусан гап ўтмишда юксак натижалар кўрсатған спортчилар ҳақида борадиган бўлса, обрўни саклаш иштиёқини ҳам назардан қочирмаслик керак. Курашчилар ва тренерларнинг спорт натижалари учун масъулият ҳисси кат-

та аҳамиятга эга. Бунга яна миллий ғуур өз спорчиларнинг ўз натижалари учун масъулияти ҳамда социал-иқтисодий омиллар ҳам қўшилишини унутмаслик даркор.

Кўрилган чора-тадбирлар аввало спорчиларни шафқатсиз курашга, таваккалчиликка ўргатаётган тренерларга тааллуқли бўлиб, улар ёшлиарни замонавий барча кураш турлари руҳида тарбиялаш масъулиятини ўз зиммаларига олишган.

Агар актив кураш учун ҳаракат кўзланган натижани бермаса, у ҳолда пассивлик учун спорчини беллашувдан четлаштириш, якуний натижасига қараб ўрин олиш ҳуқуқини йўқотиш ва бошқа чораларни кўзда тутган ФИЛА қоидасини қўллаш лозим.

Аниқлик учун шуни айтиш керакки, тренировка жараёнидан мақсад курашчи — мусобақа қатнашчисининг замонавий шаклини яратишдир. Бу усулни яратиш программасини шакллантириш борасида мен баъзи бир энг муҳим тузилиш элементларини баён қилмоқчиман:

1. Юқори суръатда, динамик тарзда ўтадиган самарали беллашув спорчидан 5 минут давомида бардошли бўлишни талаб қиласди. Бу кескин курашнинг дастлабки шартларидан биридир.

2. Баллар миқдори билан ифодаланувчи юқсак сермаҳсулликка эришиш учун курашчи ранг-баранг усулларни қўллаши лозим. Спорчининг техникаси тик турганда ҳам, тирсак ва тиззада туришда ҳам, ҳужумда ва қарши ҳужумда ҳам бой бўлиши даркор. Мазкур талабни кураш техникасини ўрганиш ва ўзлаштириш принципи ёрдамида реализация қилиш зарур. Универсаллик ва ранг-барангликка алоҳида эътибор берилади. «Накат» ҳолати учун баллар берилмаслиги керак.

3. Тадқиқотлар натижаси бўйича, белгиланган беллашув вақти қатнашчидан тезкорликни талаб қиласди. Ушбу элементларнинг 1-моддасидан кўриниб турибидики, полвонлар 5 минут вақт мобайнида юқори натижага кўрсатиш имконини берувчи тезкорлик ва бардошлиликка эга бўлишлари **керак**.

4. Юқсак спорт мувваффакияти жасоратдир. Ҳатто кундалик ҳаётда ҳам хар қандай жасорат таваккалчиллик факторисиз бўлмайди.

5. Спорт курашидан доимо куч-ғайрат сарфлаб туришни тақозо этади. Спорчни кучли шахс бўлиши, курашга янгиликлар киритиши керак. У бутун диққатини бир жойга мужассамлаштиришга қодир, қатъият-

ли шахс бўлиши лозим. Бу гапни ирода ва маънавий кучни англатувчи бир қоида, деб талқин қилсан ҳам бўлади.

6. Санаб ўтилган беш фазилат полвонларга рақиби ни босиб олишда фаза, беллашув ёки бутун мусобақа давомида ўз тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу — чекиниш эмас, балки ҳужум тактикаси, суръат, маром ва ҳар хил усулларни танлаш, хусусан, рақибини довдиратиб, уни мурâккаб аҳволда қолдирувчи усулларни танлаш, беллашув услубини ўзгаришишdir. Тактика курашчи эга бўлган барча хислатлардан онгли равишда фойдаланишни кўзда тутади. У техник, жисмоний ва руҳий ўзига хослик билан узвий алоқада бўлиши лозим.

Санаб ўтилган қоидалардан келиб чиқиб, тренер тайёргарлик планини ишлаб чиқиши ва бунда курашчи мусобақа қатнашчисининг талаб қилинган моделга эришишини мақсад қилиши лозим.

Спортчи юқорида айтилган олти талаб бўйича барқарор мувозанат топа олмагунча сезиларли натижа кўрсата олмайди.

Турган гапки, бу белгилар морфологик кўриниш, уйғунликни ҳис этиш, асаб системаси структураси, жисмоний куч, тезкорлик, бардошлилик ва бошқа шу каби шахсий хислатлар билан боғлиқ.

Бундай хислатлар асосида тарбияланган замонавий полвон мусобақа қатнашчиси моделини тадбиқ қила. Тренер машғулот жараёнида ва беллашув даврида спортчини кузатиб бориши, унинг маълум хислатларини такомиллаштириши, хатоларини тузатиши, юксак спорт натижаларини мақсад қилиб, камчиликларини бартараф қилиши даркор.

Фила, Лозанна.

## МУАЛЛИФДАН

Спортнинг кураш тури ўсмирлар ўртасида оммалашиб кетди. Бу мамлакатимизда спорт ва физкультура машғулотлари учун құлай шароитлар яратылғани туфайли ривожланиш имконига эга бўлди. Бунда ўсмирларининг соғлом, чаққон, кучли ва энг яхши совет полвонлари — СССР, Европа, жаҳон чемпионларига ўхшашга интилишлари муҳим роль ўйнайди.

Иттифоқимиз полвонлари жаҳонда энг кучли эканликлари бизнинг терма командаларимиз учун ўз вақтида яхши ўринбосарлар тайёрланганларидан далолат беради. Кураш билан кичик ёшдан шуғулланиш лозим, чунки айни шу даврдан келгусида спорт маҳоратининг юксалиши учун пойдевор бўлувчи чаққонлик, тезкорлик, эпчиллик ва кучлилик каби фазилатлар самарали ривожланади ва такомиллашади. Бундан ташқари, ўсмирлар кўпроқ тақлид қилиш хусусиятига эга бўлиб, мурракаб техник ҳаракатларни катталарга нисбатан осонроқ ўзлаштирадилар.

Ўсмирларни курашга қизиқтириш учун спорт техникаси бўйича халқаро қоидага яқин бўлган миллий кураш турларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Грузия, Арманистон ва бошқа қардош республикаларда спортнинг кураш турини ривожлантиришга катта эътибор бериладётгани туфайли айни мана шу жойларда жаҳон миқёсида таниқли полвонлар етишиб чиқмоқда.

Аммо ўсмирлар билан кураш машғулотини ўtkазаётган тренерлар бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу қийинчиликлар аввало маҳсус йўл-йўриқ берувчи адабиётлар йўқлиги туфайли туғилмоқда. Ёш полвонлар билан машғулотлар худди катталар дарајасидаги каби ўтказилмоқда. Тўғри ташкил қилинган педагогик жараён ўсмирларнинг бу спорт турига муҳаббати

батини оширади, уларни юксак спорт маҳоратига тайёрлайди. Педагогик жараён нотўғри ташкил қилинган ҳолларда эса ўсмирлик ёшида кураш билан шуғуллана бошлаган кўпчилик ёшлар машғулотларни тұхтатиб, спортнинг бошқа нисбатан енгилроқ, хусусан, ўйин турларига ўтиб кетадилар. Натижада биз кўпинча ўсмирлик ёшидаёқ иқтидорли ёш полвонларни йўқотамиз ва спорт резервларимиз етарлича мустаҳкам бўлмай қолади.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда 150 мингдан зиёд киши, шу жумладан, 90 минг бола курашнинг ҳар хил турлари (эркин кураш, классик кураш, самбо, дзюдо) билан шуғулланмоқда.

Спортнинг кураш тури бўйича ўринбосарлар тайёрлап жараёнидаги йўқотишлар бизни ушбу қўлланмани ёзишга ундинди. Бунда биз замонавий юқори малакали полвонлар тайёрлаш қоидаларидан фойдаландик. Фикримизча, қўлланмана ёш полвонлар тайёрлаш ишини янада яхшироқ, максадга мувофиқ павиша олиб боришида тренер ва ўқитувчиларга яхши ёрдам беради.

## ЎСМИРЛИК ЁШИДА КУРАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИНГ УЗИГА ХОСЛИГИ

### ЎСМИРЛАРНИНГ ЁШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёш курашчиларни тайёрлаш тажрибаси кўпчилик мамлакатларда спортнинг кураш турига эрта ихтисослашувидан далолат беради. Жумладан, Японияда болалар 6—7 ёнда дзюдо билан шуғуллана бошлайдилар. 10—11 ёнда эса доимий тренировкага киришадилар. ГДР ва Францияда болалар кураш билан 6—7 ёнда шуғуллана бошлайди ва 10 ёндан бошлаб эса расмий мусобақаларда қатнашади.

Болгарияда ўсмирлар ўртасида курашни ривожлантиришга катта эътибор берилиб, у мактаб программасига киритилган. Таникли болгариялик мутахассис Райко Петров жаҳонда кучли курашчилар тайёрланы тажрибаси чи умумлаштириб ва врачлар ҳамла физиологларнинг тадқикотларига таяниб, иложи борича эрта кураш билан шуғулланишни тавсия этади.

Мұғалистонда ҳам болалар 7—8 ёндан бошлаб кураш билан шуғулланади. Кураш 5, 6, 7 ва 8-синф болалари учун мактаб программасига киритилган. Тахсилга асос қилиб миллий кураш техникаси олинган.

АҚШда курашни ривожлантиришга алоҳида эъти-

бор берилмоқда. **Машғулотларда ҳозирги замон кишиси** учун зарур хислатлар тарбияланади, курашнинг амалий аҳамиятини тан олиб, уни ҳам жисмоний тарбия бўйича мактаб программасига киритилган.

Мамлакатимизда спортнинг кураш тури билан расман 10—12 ёшдан бошлаб шуғулланишга рухсат берилган. Аммо кейинги йилларда кураш тушишга ўргатиш билан анча барвақт шуғулланилмоқда. 1975 йилдан бошлаб бу спорт тури ўрта мактабларнинг жисмоний тарбия программасига киритилган.

Кураш билан шуғулланиш мумкин бўлган ёшни·белгилашда бир хил бўлмаган физиологик жараёнларни, болаларнинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Баъзан ўсмирлар бир хил ёш группасининг ўзида ҳар хил жисмоний ривожланишга, турли харакет ва вазнга эга бўладилар. Кўпинча турли ёшдаги ўсмирлардан тузилган бундай ҳол группани комплектлаштириш ишини қийинлаштиради.

Мамлакатимизда ўсмирлар билан ишлаш тажрибаси уларнинг ёшини ва айрим шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, қуйидаги группаларга бўлиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

1. Бошланғич тайёргарлик группаси: 1-таҳсил йили — 10—12 ёшли болалар, 2-йил — 11—13 ёш.

2. Ўқув-тренировка группалари: 1-таҳсил йили — 12—14 ёш, 2-йил 13—15 ёш, 3-йил — 14—16 ёш, 4-йил — 15—17 ёш.

3. Спортда такомиллашув группалари: 1-таҳсил йили — ўсмирлар 16 ёшдан, 2-йил — 17 ёшдан, 3-йил — 18 ёшдан.

4. Олий спорт маҳорати группалари: 1-таҳсил йили — 19—21 ёш, 2-таҳсил йили — 20—22 ёш, ОСММ (Олий спорт маҳорати мактаби).

Бундай бўлиниш педагогик ҳужжатларда мустаҳкамланган: 1977 йилги БЎСМ (Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби) ва ОРИБЎМ (Олимпия резервнинг ихтисослашган болалар ва ўсмирлар мактаби) учун программалар шундай тузилган.

12—18 ёш жинсий етилиш даврига тўғри келади. Бу жараён билан боғлиқ ўзгаришлар бутун организмга таъсир этади: фақат сон жиҳатдан эмас, балки сифат ўзгаришлари ҳам рўй беради.

Ўсмирлар руҳиятида катта ўзгаришлар бўлади. 12—15 ёшда улар катталарга ўхшашни истайдилар, мустақил бўлишга, мардлик кўрсатишга интиладилар.

Уларда мантиқий фикрлаш ривожланади, ўз ҳаракатлари ва хулқ-атворларини таҳлил қилиш юксалади. Айнан шу даврда ўсмирлар машғулотлар учун маълум спорт турини танлайдилар ва уни бошқаларидан устун кўрадилар. Кўпинча бу даврда ўсмирлар каттадарга тақлид қилиб, чека бошлайдилар, бу эса уларнинг жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиларнинг вазифаси ўсмирлар ҳарактеридаги ижобий хислатларни ривожлантиришга ёрдам бериш, уларни керакли йўналишга қаратиш ва салбий хислатлар (аччиқланиш, одобсизлик, қўполлик) пайдо бўлишига йўл қўймасликдан иборат.

Баъзи бир қизиққон ўсмирлар ўз кучларини ортиқча баҳолайдилар ва кўпинча жисмоний ривожланишларига мос келмайдиган машқларни бажаришга киришадилар. Улар мусобақаларда кўпроқ қатнашишга, тегишли тайёргарликнинг маълум этапини ўтамасдан мураккаб усулларни бажаришга, оғирроқ юкни кўтаришга ва шу кабиларга интиладилар. Шунинг учун ҳам бу даврда янада қатъий педагогик назорат зарур.

Ўсмирлар мушак системасининг функционал имконияти катталарнидан пастdir. Шу муносабат билан куч ва бардошлилик талаб қилинадиган машқлар қатъий меъёrlаштирилиши керак ва фақат уни тўла ўрганиб олинганидан кейингина бажаришга рухсат берилиши мумкин.

Физиолог профессор В. С. Фарфель тадқиқотлари 13—15 ёшга келиб ҳаракат меъёри шаклланиб бўлишини кўрсатди. Бу факат 15 ёшдан кучни мақсадга мувофиқ равишда ривожлантириб бориш имконини беради. 12—15 ёшда ўсмирлар бўйи тез ўсади, у гипофиз ва қалқонсимон безлар функцияси ошиши даврига тўғри келади. Ўсмирларнинг бўйи чўзилиши асосан суякларнинг йўғонлашуви билан алоқадор бўлиб, бир йилда 9—10 см ни ташкил этиши мумкин. Аммо умуртқа, кўкрак қафаси, тос суякларининг қотиши ҳали тугамайди. Уларда пайчалардан иборат боғловчи аппарат каттадарга нисбатан кўпроқ букилувчан бўлади. Шунинг учун ҳам куч ва эгилувчанликни ривожлантириш машқларини бажаришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Боғланиш аъзоларининг, айниқса ўсмирларининг қорин мускуллари ҳали нисбатан юмшоқ бўлиши кўпроқ кучаниш билан боғлиқ бўлган машқларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бажаришни тақозо этади. Чунки акс

холда бундай кучаниб бажариладиган машқлар ўсмирнинг ички аъзоларига салбий таъсир қилиши, уларни ўрнидан қўзғатиб қўйиши мумкин, ошқозон пайларини лат ейишига ҳамда чаноқ суягига ёпишган мускулларнинг чўзилиб кенгайишига сабаб бўлади. Ўсмирлар билан ўтказиладиган машғулотлар методикаси ишлаб чиқилаётган вақтда, шунингдек уларнинг юрак-томир системаларидағи ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмоги керак. Хусусан, бу ёшда ўсмирнинг умумий ривожланиши билан унинг юрак ўсиши таққосланган пайтда артерия қон томирлари нисбатан секироқ кенгайиб бораётганлигини, шунингдек нерв системаси томонидан юрак-томир системаси фаолиятини мувофиқлаштириб борйши ҳам учалик такомиллашмаганлигини кузатиш мумкин.

Машғулотлар ҳаддан ташқари зўриқишини талаб қиласидиган машқлар билан ўтказиладиган вақтда ўсмирларда ҳам қон **босими** қўтарилиб кетиши мумкин.

Жуда катта чидамлилик талаб қилинадиган машқлар бажарилган вақтда бундай машқлар юракнинг нормал иш қобилиятини оширмасдан туриб, юрак гипертрофиясига тезда дучор қилиши мумкин. Юракнинг бундай ҳаддан ташқари зўриқишини олдини олиш учун қўшимча ҳаракатни аста-секин ошириб бориш керак.

Ўсмирлар 17—18 ёшга етганида уларда юрак фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи нерв системасининг иши анча такомиллашган ҳолга келиб қолади. Томир уриши ўзгариб секинлашади, юракнинг зарб ҳажми эса катталарнинг юрак уриш ҳажмига яқинлашиб қолади. Ўсмир организми ҳали узоқ муддат мобайнида иш қобилиятининг юксак даражасини сақлаб туралоиш имкониятига эга бўлмайди. Ўсмир жуда тез чарчаб қолади, лекин унинг куч-қуввати жуда тез тикланади. Бунда куч-қувватнинг (модда алмашинувининг юқори даражада бўлиши ҳисобига) тез тикланиши ўсмирларнинг камроқ ва ўртача оғирликдаги ортиқча юк билан ишлаган тақдиридагина содир бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан ўсмирларнинг иш қобилиятини бутун машғулот давомида сақланиб қолишига эришиш учун дам олишга ажратиладиган танаффусларни тез-тез ташкил этиб туриш керак. Имконият чегарасидан чиқиш нафас олишни мувофиқлаштириш системаси такомиллаштирилмаганлиги туфайли нафас олиш ритмининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳодиса ўсмирнинг гавдаси — бўйи ўсишига нисбатан қўкрак қа-

фасининг анча секинроқ ривожланиши туфайли содир бўлади. Кислород истеъмол қилишнинг ўсминаларда узоқ муддат мобайнида максимал даражасининг сақланиб туриши катталар томонидан кислород истеъмол қилишнинг ана шундай максимал даражасидан анча пастроқ бўлади. Бу ҳол кучаниб бажариладиган ва чидамлиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган машқларни бажаришга аста-секин киришиш лозимлигини тақозо этади. 12—15 ёшга тўлган ўсминаларда қўзғалиш жараёнлари тормозланиш жараёнларига қараганда кўпроқ бўлади. Бунинг натижасида улар интизомни бузадилар. Уларнинг кайфияти катталарнинг кайфиятига қараганди тезроқ ўзгариб туради ҳамда ўсминаларнинг асаблари чарчashi ҳам катталарга қараганда олдинроқ бошланади. Устоз ўсминалардаги ана шу хусусиятни ҳисобга олиб, машғулотни мумкин қадар қувноқ, эмоционал тарзда ўтказмоғи, ўйин фаолиятига оид элементларни машғулот мазмунига тез-тез киритиб туриши керак.

16—18 ёшга тўлган ўсминаларда нерв системасининг олий қисмларида функционал ривожланиш давом этётган бўлади, ўсминалар анча оғир-вазмин, мулойим үулиб борадилар, уларда ўртоқлик туйғуси уйғониб бир-бирларига ёрдам бера бошлайдилар, уларда онглийлик даражаси ҳам ортади. Бу ўқув-тарбия ишларини хийла енгиллаштиради, бу ёшдаги ўсминалар ўзларининг ривожланиш даражасига кўра катта ёшли кишиларга яқин бўладилар ва шунинг учун ҳам ўқитувчининг ёнг яқин ёрдамчилари бўлишлари мумкин.

Ўсминаларнинг бу хилдаги ёшлик хислатларини ҳисобга олиш тренерга курашчи полвоилар тайёрлаш уларда спортнинг бу турига меҳр уйғотибина қолмай, балки турли жароҳатларни, организмдаги патологик ўзаришлар содир бўлишини олдини олиш имконини беради.

## СПОРТ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ПРОБЛЕМАЛАРИ

### СПОРТ ҲАРАКАТЛАРИГА ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Иттифоқимизда жисмоний тарбия таълимнинг методологик асоси маркесча-ленинча билиш назарияси ҳисобланади. Қуйидаги ленинча фикр бу таълимотнинг асосий элементини ташкил этади: «Жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан практикага — ҳақиқатни

билишнинг, объектив реалликни билишнинг диалектик йўли ана шундайдир»<sup>1</sup>. Бу формула спорт ҳаракатларини онгли тарзда идрок этиш ва кейинчалик синчиклаб ўрганиш зарур эканини таъкидлайди. Бундай билим амалий машқлар бажариш йўли билан мустаҳкамланиб борилади. Ҳаракатларни эгаллаб олиш бўйича амалий фаолият бундай машқларни ўрганиши шакллантириб боришнинг физиологик қонуниятларига таянади. Бу қонуниятлар негизида И. П. Павлов таълимоти ётади. Ушбу таълимотга мувофиқ, ҳаракат кўникмасининг негизида шартли кўникма ётади. Ҳаракат реакцияси, шартли қўзғалиш кўп марта такрорланиб келган вақтда буни зарур реакцияси сифатида ҳаракатни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади. Ҳаракат машқларини такрор-такрор бажариш натижасида бош миянинг катта ярим шарлари ҳаракат зонасида динамик тормоз шаклланади<sup>2</sup>. Янги ҳаракат кўникмаларини муттасил шакллантириб борищдек мураккаб жараён: генерализация, тормозлаш-қўзғалиш жараёнларининг концентрацияси; ҳаракат кўникмаларини автоматлаштириш ва муқимлаштириш, деб аталадиган уч қисмга бўлинади.

Совет олими И. П. Павловнинг издоши Н. А. Бернштейн ҳаракатларнинг тузилиши ва бошқариш принципларини изоҳлаб берар экан, уларнинг шаклланиш механизми қўйидагича амалга оширилишини кўрсатиб беради.

Биринчи босқич ҳаракатнинг унчалик катта тезликда бўлмаслиги билан характерлидир. Бу босқичда «ортиқча ҳаракатлар пайдо бўлиши билан бир қаторда ноаниқликлар ҳам учраб туради, ва асосий иштирок қилмайдиган антогонистлар мускулида зўриқиши содир бўлади.

Иккинчи босқич қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг оптимал ҳолга келгунича бўлган ўлчовларнинг концентрация қилиниши билан, зўриқишининг астасекин йўқолиб бориши, мускулларни координация қилиш аниқ-пухта бўла бориши билан, ҳаракат актларининг тезлик ва аниқлик даражаси ортиб бориши билан ажralиб туради.

Учинчи босқичда мия пўстлоғида қўзғалиш ва тор-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-том, 159-бет.

<sup>2</sup> И. П. Павлов. Избранные произведения. Госполитиздат, 1949, с. 264.

мозланиш ўчоқлари мутаносиб тарзда меъёрлашиб, бирбири билан ўзаро алмашиниб туради. Бунда ҳаракатларни бажариш вақтида куч сарғйнинг тежалишини таъминлайдиган «истеъдод кучлари» (оғирлик ҳолати марказдан қочирма куч ва реактив кучлар)дан фойдаланиш имкониятини ошириш ҳисобига мушак-мускуларнинг актив ҳаракат қилиш манбай сусайиб боради.

### ҲАРАКАТ ҚЎНИКМАЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ

И. П. Павловнинг таълимотига кўра, спорт машқларида ҳаракат малакасини шакллантириш асосий қонуниятларга бўйсунади.

Барча ҳаракат тажрибалари эркин ҳаракатлардан ташкил топади (марказий нерв системаси орқали бошқариладиган бундай ҳаракатлар негизида вақтга доир алоқалар механизми ётади). И. П. Павлов ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтилганидек «мия пўстлоғидаги муайян кутилмаган тезлик ҳужайраларнинг қўзғалишига палапартиш ҳаракатлар сабаб бўлади. Шунингдек, аксинча баъзида ҳаракатларнинг бўшанг тарзда қайтадан тақрорланиши ўз навбатида ўша кутилмаган тезлик пўстлоқ ҳужайраларига импульс юборади. Уларнинг қўзғалиши эса мана шу ҳаракатнинг актив амалга оширилишига сабабчи бўлади... Шу нарса аллақачон маълум бўлган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган. Модомики, сиз муайян ҳаракат тўғрисида ўйлаётган экансиз (яъни у ҳақда кинестезик тасаввурга эга экансиз), ўзингиз билмаган ҳолда беихтиёр ўша ҳаракатни амалга оширасиз» (И. П. Павлов, 1949).

Шу муносабат билан ҳаракат қўникмасини шакллантириш вақтида ҳаракат тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш мухим шартлардан бири ҳисобланади. Бундай тасаввурни сўз орқали изоҳлаб тушунтириш йўли билан (ҳаракатнинг номини айтиб, унинг формасини, йўналишини, тезлигини, бошқа ҳаракатлар билан қай хилда бирлашиб келишини ва ҳоказоларни тушунтириш йўли билан) ёки машғулотлар ёрдамида ҳаракатни кўрсатиб бериш, намойиш қилиш йўли билан, яъни иккинчи ва биринчи сигнал системалари орқали тушунтириш мумкин.

Бундай ҳол сўз орқали тушунтириб бериш методи билан таълим бериш ва машқ-тренировка вақтидаги намойиш қилиб кўрсатиш методи бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда фойдаланилиши зарурлигини, ҳа-

ракат техникасини онгли равишда эгаллаб олишга күмаклашиш учун ҳам шундай қилиш зарурлигини күрсатади.

Билишнинг бундай дастлабки босқичида, ҳис-туйғу организмнинг иши билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги замон фанининг маълумотлари бўйича объектив ҳаётни, воқееликни инсон томонидан ҳиссий идрок этилишида унинг фақат ташқи ҳис-туйғу органларигина иштирок этиб қолмай, шу билан бирга одамнинг ички органларидан келиб чиқадиган томир-мускуллардаги (кинестетик ёки праприоцептив) сезги органлари ҳам қатнашади.

И. М. Сеченов ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтганидек, предметлар ўртасидаги фазовий муносабатларни идрок этишда ҳамда қисқа-қисқа вақт бирликларидағи вазиятни баҳолай олиш маҳоратини кўрсатишда мускуллар-ҳаракат органларидағи сезиш аъзолари катта роль ўйнайди. Мускул орқали сезиш — ҳис қилиш фаза билан вақтнинг ўлчови ёки кичик анализатори ҳисобланади.

Барча ҳаракат кўникмалари — булар мураккаб комплекс тарздаги, занжирли ва шартли рефлекслар бўлиб, улар мураккаб спорт ҳаракатлари вақтида бир-бири билан алмашиниб турадиган бир қатор ижобий ва салбий шартли кўникмалардан иборат бўлади.

Ҳаракат деталлари (аниқлик, йўналиш, шакл, кучгайрат сарфланиши) билан танишиб, уларни эгаллаб олиш бош мия пўстлоғида ҳосил бўладиган динамик стеротип асосига қурилади. Бош мия пўстлоғида мураккаб функционал қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари вужудга келади. Бунинг натижасида у ёки бу ҳаракат структурасини таъмин этувчи асаб бўғинларининг ишлаш системаси ҳосил бўлади.

Шундан кейин ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши ўзининг маромли босқичига ўтади. Мураккаб ҳаракатларнинг шартли кўникмалари бош мия пўстлоғида мустаҳкам ўрнашиб қолиши билан характерланади. Бунла бош мия ярим шарлари томонидан ўша мураккаб ҳаракатлар кинестезик ёки бошқа хилдаги сезги органлари (кўриш, эшитиш, сезиш) орқали назорат қилиб турилади. Катта ярим шарлар пўстлоғи И. П. Павлов томонидан «пластиклиқ» деб ном берилган алоҳида хусусиятга эга бўлади. Ана шу хусусият туфайли чексиз миқдорда ҳаракат кўникмалари ва уларнинг қайта тузилган шаклларини вужудга

келтириш имконияти туғилади. Шу асосда спортчи машқ қилаётган пайтда устозининг кўрсатмаларига амал қилиши, катта ярим шар пўстлоғида содир бўлаётган жараёнларга онгли равишда муносабатда бўлиши билан йўл қўйган хатоларини тузатиб бориш имкониятини беради, ўқув-машғулотлари чоғида қўлга киритилган ҳаракат кўнікмаларидан янги-янги шакллар ва комбинациялар ҳосил қилиш имконияти туғилади. Ҳаракат кўнікмаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш босқичида, ўша ҳаракатларнинг тўғрилигини текшириб, маъқуллаб турадиган педагог ёрдами муҳим аҳамиятга эгадир. Шу тариқа муваффақият билан бажарилган ҳаракатлар такрорланади, мустаҳкамланади. Нотўғри бажарилган услублар салбий баҳо олади ҳамда тормозланади ва уларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди.

Бош мия пўстлоғида қўзғалиш ва тормозланиш жарайёнларига хос бўлган муайян бир изчиллик ҳосил қилинган динамик стеротип шакллантирилган босқичда «ички жараёнларнинг мураккаб мувозанатли системаси» ҳосил қилинади (И. П. Павлов, 1949).

Нихоят, ҳаракатларни бажариш усулларини маромлаштиришнинг навбатдаги босқичи бошланади: иккинчи сигнал системаси томонидан уни назорат қилиш даражаси пасаяди, беихтиёр равишда эътиборни, асосан, ҳаракатнинг мақсадига ҳамда уни бажариш шартларига қаратиб, бир нуқтага мужассамлаштирилади.

## СПОРТ ҲАРАКАТЛАРИГА ЎРГАТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Спорт ҳаракатларига ўргатиши «Дидактик принциплар» деган ном билан машҳур бўлган дидактика қонунларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Ҳозирги замон совет педагогикасида бундай принциплар тўққизта: таълимотнинг илмийлиги, таълиминг тушунарли бўлиши, таълимнинг изчиллиги, таълим олувчининг онглилиги ва активлиги, таълимнинг кўргазмалилиги, ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилиши, коллектив билан бирга таълим олаётган кишига индивидуал тарзда ёндошишнинг бирлиги, таълиминг амалиёт билан алоқаси, ўқитувчининг етакчи роли<sup>1</sup>.

Таълиминг илмийлиги ўқитиши ишида етакчилик

<sup>1</sup> Ўқитишининг ҳозирги замон совет системаси, «Советская педагогика» журнали саҳифаларида 1950—1951 йилларда баён этилган.

ролинй бажарадиган ўқитувчининг жисмоний тарбия назарияси, спорт машқларига ҳаракат техникаси ҳамда машқ ҳаракатлари таълими назариясининг илмий асосларини билишини назарда тутади.

Ўқитиш жараёни тарбия ишидан ажралмаган ҳолда олиб борилиши зарур. Бу фикрни В. И. Ленин комсомолнинг III съездидаги нутқида қўйидагича баён этган эди: «Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш ва ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси, уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин»<sup>1</sup>.

Юқорида баён этилган фикрларга биноан илмийлик принципи қўйидаги шартларга риоя қилинишини тақоизо этади:

— ўрганиладиган машқ ҳаракатлари чинакам (соҳталаشتрилмаган) бўлмоғи керак;

— ўқитилаётган киши ўрганилаётган ҳаракатларнинг муҳим белгиларини ва хусусиятларини ҳамда ма-на шу ҳаракатларнинг бошқа ҳаракатлар билан алоқасини ўзлаштириб олмоғи зарур;

— машқ ҳаракатлари яна ҳам ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим;

— ўқувчиларни ижодий изланиш имкониятлари ҳамда улар қўлидан келадиган илмий тадқиқот методлари билан таништириб бориш керак;

— ўқитиши фақат фан асосида, тасдиқланган ишончли фактлар ёрдамида олиб бориш зарур;

— таълим жараёнида фақат фанда қабул қилинган терминларнинг ишлатиш ҳамда жаргон терминлар ва атамалар билан кифояланмаслик;

— таълим жараёнида ўқитилаётган киши шахсини шакллантириб бориш зарур.

Таълим бериш вақтида ўрганилаётган услубларнинг барча элементларини кўрсатиб бериш, изоҳлар, ўрганилаётгани материал, ортиқча топшириқ ва бошқалар ўқувчига тушунарли бўлмоғи керак. Бундай пайтда машқларни танлаш ва планлаштириш орқали, шуғулланувчи кишининг ёшини, жинсини ва индивидуал хусусиятларини ҳамда уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш орқали эришилади. Машқлар ҳаддан ташқари қийин ёки жуда ҳам осон бўлмаслиги керак. Ўрганиладиган усуллар шундай танланиши керакки, шуғул-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 344-бет.

ланувчи киши ўқитувчи ёрдамида эгаллаб олиш учун муайян куч-ғайрат сарфлашга мажбур бўлсин.

Жуда енгил топшириқ осонлик билан бажарилади-ю, лекин унинг самараси кам бўлади, бажарган кишини қизиқтирмайди ва унда машққа нисбатан фақат салбий муносабат уйғонади. Ҳаддан ташқари қийин усул эса ўзлаштиришда қийинчилик туғдиради. Баъзан эса жароҳат олишига сабабчи бўлиши мумкин.

Барча машқларни мураккаблик даражасига қараб гуруҳларга ажратиб чиқиш керак. Таълим жараёнида баъзан битта машқнинг ўзини бир қанча элементларга ёки турларга ажратиб чиқилади ёхуд шунга яқин бўлган енгилроқ машқлардан **фойдаланилади**.

Тушунарлилик, яъни машқни бажара олишлик қондаларнинг амалга оширилиши, шуғулланувчилардан уларнинг бу машққа олдиндан тайёргарлик кўриб борганликларини ҳисобга олишни тақозо этади. Биргаликда шуғулланаётган кишилар группасига шуғулланувчиларнинг бир хилда тайёргарлик кўрганликларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Жуфт-жуфт бўлиб машқлар бажариш вақтида бундай жуфтликка бўйи, вазни бир хил бўлган илгариги кураш натижалари бўйича бир хил болалар тацлаб олинади.

Тушунарлилик, машқни эплай олиш принципи:

— ўқув программаларига ва классификация талабларига амал қилинишини;

— ўқувчиларнинг ёшлари ва йндивидуал хусусиятларини ўрганиш ва ҳисобга олишни;

— изчилликка риоя қилиш: оддийдан мураккабга қараб, маълумдан номаълумга қараб осон машқларни бажаришдан анча қийинроқ машқларни бажаришга ўтиб боришга риоя қилинишини тақозо этади.

Таълимнинг системалилиги принципи, машғулот жараёнида жисмоний тарбия воситалари ва методларини қўлланиш ҳамда техник ҳаракатларни ўзлаштириш чоғида рационал изчилликка риоя қилинишидан иборат бўлади. Аста-секин мураккаблик даражаси ортиб борадиган машқларни бажариш, жисмоний ва техник ҳаракатларни ўрганишда муайян системага риоя қилиниши, ушбу принципнинг асосий шарти ҳисобланади. Машғулотларни планлаштириш вақтида машқларни ва техник ҳаракатларни шундай тақсимлаш керакки, бунда янги топшириқлар илгари ўрганилган ва актив ўзлаштириб олинган услуб асосида бажариладиган бўлсин. Агар янги машқда аввал машқ қилинган элемент-

лар бўлмаса, у ҳолда шунга яқинроқ бўлган машқлар қўлланилади ёки ўрганилаётган асосий ҳаракатни элементларга ажратиб ўрганилади. Бу элементларнинг ҳар бири асосий ҳаракатни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мураккаблик даражасининг ортиб бориши ҳаддан ташқари секинлаштириб қўйилмаслиги керак. Ўзлаштирилган услубнинг узоқ муддат тақорланиши унга бўлган қизиқиши сўндириб қўяди. Спорт ҳаракатларини ўрганишдаги маълум машқларни мунтазам, кўп марта ҳамда рационал тарзда ташкил этилиши тақорлаш деган маънони англатади. Тақорлашни рационал тарзда ташкил этиш эса машғулотларни оптимал частоталар билан бажариб туришни ҳамда улар орасида дам олишни етарли тартибда давомли бўлишини талаб қиласиди. Қўшимча машғулотлар ҳажми билан уларнинг иштесивлиги ўртасидаги нисбатларни шундай ташкил этиш керакки, улар машғулотларни уюштириш методикасининг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган бўлсин. Бунинг учун эса:

— Машқларнинг изчиллигини барвақт аниқлаб, ишларни олдиндан режалаштириб қўйиш;

— Ўқув тренировка ишларининг натижаларини ҳисобга олиш;

— Узоқ танаффуслар қилмасдан машғулотларни уз-луксиз равишда ўтказиб туриш;

— Машқларни вақт жиҳатдан тұғри тақсимлаб чиқиш;

— Машқларни тақорланаётган вақтда уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган, кўрсатув машқлари воситаларнинг бажарилиш шартларини хилма-хил килиб бории мақсадга мувофиқдир.

Кураш сирларини ўрганаётган кишининг онгли актив фаолиятисиз ўргатишини тақомиллаштириб бориши мумкин бўлмайли. Бундай тақомиллаштириш ишини машғулотлар жараёнида етакчи роль ўйнайдиган ўқитувчи йўлга солиб, бошқариб туради. Машғулотларга онгли муносабатда бўлиш, ҳаракатлар техникасини актив ўрганиши, уларнинг амалий аҳамиятини тушуниш шүевулланаётган кишиларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайиб боришига, ўзлаштириш жараёни муваффакиятли кечишига ёрдам беради.

Аниқ ҳаракатларни ўрганишга киришишни спорт фанида, ўша ҳаракатнинг моҳиятини, совет жисмоний тарбия системасида унинг ўрни ва аҳамиятини ҳамда

жисмоний тарбия воситаси сифатида унинг қанчалик қимматли эканлигини тушунтириб беришдан, предметни ўрганишга тўғри ёндашиш учун нималар қилиш кераклигини, спортнинг аниқ бир турида маҳоратини эгаллаб олиш учун, соғлом, ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялаш учун нималар қилиш лозимлигини тушунтириб бериш зарур.

Педагог (ўқитувчи, тренер) ўзи таълим берадиган кишиларда зарур фаоллик ва онглиликни намоён этишини рағбатлантириб бориши, уларда ўрганилаётган материални мустақил равишда таҳлил эта олиш қобилиятини ривожлантира бориб спортчининг ўз маҳоратини шахсан такомиллаштириб бориши учун ўзида талабчанлик хусусиятларини тарбиялаш бориши, ўзининг foявий-сиёсий савиясини ўстириб, синчковлик сифатларини эгаллаб боришида уларни рағбатлантириб, кўллаб-күватлаб туриши керак. Бундай онглилик ва фаоллик шартлари асосида тарбияланган спортчи ўз машқларини тўғри уюстира олиши, ўз олдида турган вазифаларни мустақил равишда ҳал қила олиши, ўзи танлаган спорт турининг техникаси ва тактикасини тақомиллаштириб бориши керак.

Ўрганиш, ўрганилаётган соҳага нисбатан онгли муносабатда бўлиш билан маҳкам боғлиқdir. Ўқитувчи (тренер) бирор ҳаракат элементини ёки яхлит бир ҳаракатни намойиш қилиб кўрсатиб берар экан, у мазкӯр ҳаракатнинг маҳиятини, ўша спорт туридаги умумий услублар воситалари системасида ушбу ҳаракатнинг тутган ўрни ҳамда унинг бошқа шу хилдаги ҳаракат ва ҳолатлар билан алоқасини тушунтириб бермоғи лозим. Ҳаракат сирларини ўргатиш уни тактик жиҳатдан асослаб бориши билан, кўлланадиган энг қулай пайт танлайдолиши билан боғлик бўлали.

Ҳар бир спортчи ўз ютуклари ва камчиликларини таҳлил кила олиш маҳоратига эга бўлиши, спорт ҳаракатининг техникаси ва тактикасини, машқларнинг воситалари ва методларини фаоллик билан ўзлаштириб олиши ҳар бир шуғулланувчига юкори даражадаги спорт маҳоратини эгаллаб олишида жуда катта имкониятлар яратиб беради.

Қузатиш оркали ҳатто жониворларни ҳам мвайян ҳаракатларни бажаришга ўргатиш мумкин эканлиги кўпчиликка маълум. Лекин одамга кўргазмалилик оркали таълим бериладиган вақтда бу жараён сўзлар оркали изоҳлаб, тушунтириб (шарҳлаб) берилади. Ўргатиш

жараёни уюшқоқлик билан ўтказилади ҳамда асосий диққат-эътиборни ўрганилаётган ҳаракатнинг муҳим белгиларига қаратилади. Ҳар қандай билиш — ўқув фаолияти предметларини, ҳаракатларни, кутилмаган усулларни ёхуд уларнинг бизнинг ҳис-туйғу органлари мизда ҳосил бўлган тасвирини актив равишда идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Бир неча бор тажрибадан ўтказиб кўриш, бир-бири билан ўзаро келишиб, бир-бирига мувофиқ тарзда фаолият кўрсатган вақтда таълим олаётган шахс ўқув методикасини анча-аниқ ва пухта идрок этиб ўзлаштиради.

Кўргазмалилик — бу ўқитиш жараёнини ташкил этишининг асосий шартидир. Бундан мақсад ўқув материалини идрок қилишда иложи борича кўпроқ сезги органлариңига иштирок этишига эришишдир... Кўргазмали қуроллар билан спорт ҳаракатларини эгаллашга ўргатишнинг турли хил формалари ўша ҳаракат ва машқлар тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Машқларни ва ҳаракатларни амалда бажариб кўрсатиб бериш, кўргазмали қуроллар (кинопрограммалар, плакатлар, кинофильмлар, видеоёзувлар ва бошқалар), спорт мастерларининг машқлари ва мусобақаларини кузатиш — булар бари кўргазмали таълимнинг асосий шакллариdir.

Машқларни амалда бажариб кўрсатиш спорт ҳаракатларига кўргазмали тарзда ўргатишнинг, айниқса бошловчилар билан янги ҳаракатларни ўрганиш машғулотларида спорт ҳаракатларига ўргатишнинг асосий шаклларидан биридир. Кўп ҳолларда ҳаракатлар ғоят мураккаб бўлиб, уларнинг барча деталларини изоҳлаб тушунириб турилмаса бир марта кўрсатиб бериш билан эсда қолавермайди. Машқларни қайта-қайта кўрсатиб бериш, тушунириб, изоҳлаб бериш методи ҳаракат ва машқларни онгли равишида идрок этиш чуқур узлаштириб олишга ёрдам беради.

Спорт ҳаракатларига ўргатиш чогида ўқув-методик плакатлар, кинограммалар, турли хил расмлар ва материалларни кўргазмали қурол сифатида қўллаш мумкин. Улардан спортнинг турларини ўрганиш вақтида мураккаб ҳаракат деталларини (гавданинг айрим ҳолларида кўринишини, унинг машқ бажаришга киришилаётган вақтдаги ҳамда машқни тугалланаётган пайтдаги ҳолатини) тасвирлаш учун фойдаланилади.

Спорт турларининг тарихи, спорт ҳаракатларининг усулларини сифатлаш ва тартиблаштириш тұғрисидаги сұхбатлар вақтида ҳам күргазмали қоролларни намойиш қилиб күрсатиш керак.

Фото, кинограммалар ва кинокольцовкалар ҳаракатнинг айрим фазаларини бир неча бор тақрорлаш ҳамла мана шу фазаларда гавданинг қандай ҳолатта бұлиши тұғрисида тұғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, ұрганилаётған ҳаракат техникасини таҳлил қилишіга күмаклашади. Ұқитишини күргазмали ташкил этиш вактида спорт мастерлари иштирокида үтказилаётған мусобақалар ва машқларни томоша қилиш катта аҳамиятта әгадир. Юқори малакали спортчиларнинг ҳаракатини күзатып туриш ёш спортчига үз ҳаракат ва ҳолатини белгилаб олишда ёрдам беради ҳамда үйнінг услуга ва тактик жиҳатдан үсиши учун асос бұлади. Ұқитувчи (тренер)нинг вазифаси мана шундай мусобақалардан олинган таассуротларни тұғри таҳлил қилишіда ёрдам берішдан иборатдир.

Спорт ҳаракатларини әгаллаб олиш вақтидаги билем ва малакаларнинг мустаҳкам бұлиши узоқ муддат давомида иш қобилятини сақлаб қолиши мүмкінни беради. Бунда малаканинг «пластиклигі» сақланиб колиши керак. Бунинг маъноси шуки, шарт-шароитларнинг ұзғаришига қараб ҳамда бошқа янги ҳаракатларни ұрганилиши муносабати билан ұрганилган күникма ва малакаларни ишга солиши ҳамда уларни яна ҳам тәкомиллаштириб бориши мүмкінни сақлаб колиши керак. Шунинг учун ҳам барча машқларни ва техник ҳаракатларни әмес, балки уларнинг фақат «ұзғармас аесөси» пигина мустаҳкам ұзлаштириб олиш керак. Құпгина ҳаракатлар фақат ёрдамчи ҳаракат хисобланади. Шундай қилиб, билем ва күникмаларнинг мустаҳкамлиги принципи тартибийлік шарты билап махкам алоқада келади. Машқларни мүнтазам тақрорлаб туриши, шунинг учун заруркі, бунда илгари ұрганилған машқлар анча мустаҳкамланади ҳамда шароитнинг ұзғаришига қараб уни яна ҳам тәкомиллаштириб борилади. Ұзлаштириб олишған машқлар ҳосил килинған малакаларнинг мустаҳкамлиги фақат ұқитиши методларынанға боялған бұлмасдан шу билан биргә у ұрганилаётған ҳаракатларнинг ұзига хос хесеке сиятларынан ҳам боелик бұллати. Барыңи бир хил күникмаларнинг аҳамияти тезда түшиб кетади, бошқа бир хил күникмаларнинг (масалан, сузиш, чанғи учни,

велосипедда юриш машқларининг) аҳамияти эса анча вақтгача сақланиб қолади.

Одатда кишининг қаттиқ чарчashi ва унга ташқи шароитларниң ўрганилаётган машқнинг спортчиға таниш бўлмаслиги, заминнинг нотекислиги, майдоннинг яхши ёритилмаганлиги ва бошқалар таъсир қилиши натижасида кўпинчка кўникманинг мустаҳкамлигига зарар етади (машқлар бузиб бажарилади, ҳаракатлар ноаник чиқади). Билишликниң мустаҳкамлигини сақлаб қолиш учун чидамлиликни ошириш, бунинг учун эса машқларни қайта-қайта тақрорлаш лозим.

Ўргатиш жараёнида қўйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

— Янги ҳаракат кўникмалари үрганишга ўтиш учун шошилмаслик;

— Машгулотларда жуда кўп усулларни ўрганиш топширигини бёриб, шуғулланувчиларни қийнаб қўймаслик;

— Янги ўрганилаётган ҳаракатларни илгари ўрганилган ва мустаҳкамланган ҳаракатлар билан боғлаб олиб борин;

— Машқларни бажариш узлуксиз ва давомийлигини ошириб бориш;

— Машқларни янги-янги шароитларда, мураккаб элементларини кўшиб, ҳосил қилинган кўникмалар асосида бажаришга ўрганиш керак.

Кўпчилик ҳолда ўрганиш билан бирга алоҳида ўргатишни умумлаштириб борган мақсадга мувофиқдир.

Совет таълим-тарбия соҳасида методик бир бутунлик асосига қурилган, яъни ўкув юртлари қайси-жойда жойлашган бўлишига карамасдан хамма ерда уларниң дастурлари бир хил бўлали. Бундай бир-хиллик талаби таълимнинг барча босқичларида сақланиб қолади. Спорт ташкилотларида, олий ўкув юртларида, техникумларда, идораларниң кўпчилик спорт жамиятларида; физкультура колективларида барча ишлар ҳар бир спорт тури учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган ягона лавлат ластури асосида олиб борилали. Бу дастур физкультура ва спорт бўйича юқори бошкарув комитети томонидан тасдиқланади ҳамда таълимнинг умумлашган формасини белтилаб беради.

Одатда ўқитувчи (педагог, тренер) битта группага бирлашган (ва бир хил материални ўрганадиган) бир нечта ўкувчи билан иш олиб боради. Группада хамкорликда таълим олинган вақтда якка тартибда ўқитил-

ған вақтдагига қараганда унча мураккаб бұлмаган ҳаракатлар яхшироқ ўзлаштириб олинади. Мураккаб машқларнинг ҳаракатларини ўрганиш натижалари дастлабки даврда унчалик яхши бўлмайди. Томошибинлар (бошқа ўқувчилар) иштирокида мураккаб ҳаракатларни бажариш шуғулланувчиларга уларнинг алоҳида хусусияти ва қобилиятларига қараб (тайёргарлик даражаларига, шунга ўхшаш ҳаракатларни бажариш тажрибасига ҳамда қанчалик ҳаяжонланганигига қараб) тегишли таъсир кўрсатади.

Коллективнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда кишилар олдида битта умумий мақсад бўлади ва одамлар ана шу мақсадга эришиш учун биргаликда фаолият кўрсатадилар. Коллективнинг яна бир хусусияти унинг бошқариб турилиши ҳамда унда ўз-ўзини бошқариш органининг мавжуд эканлигидир<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ўқитишининг колективлиги ўқитилаётган ҳар бир кишининг бутун коллектив ютуқлари учун масъул бўлини руҳида тарбиялаш орқали ҳамда машғулотларда ўртоқларча бир-бирига мадад бериш, ёрдамлашиш ва хайриҳоҳлик кўрсатиш вазиятини вужудга келтириш орқали таъминланади. Коллективда мана шундай муҳитни вужудга келтириш педагог-тарбиячининг роят муҳим вазифаси ҳисобланади.

Коллектив таълим бериш вақтида ўқитувчи материалнинг қанчалик тушуңарли бўлишини, ўқувчининг активлигини, ўз ҳаракатларини координация қила олишини, тажрибасини, унинг машғулотларга онгли муносабатда бўлишини ҳисобга олмоғи керак. Таълим олаётган кишиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этилаётган вақтда ҳар бир ўқувчининг алоҳида сифатларини ҳисобга олиш лозим. Ўқувчиларнинг бирлигини ҳамда коллектив таълимнинг оосироқ кўчишини таъминлаш учун якка тартибдаги хусусиятлари бир-бирига яқин бўлган ҳамда жисмоний ҳаракатли машқлар бўйича тайёргарлик даражаси бир-бирига яқин бўлган ўқувчилар группаларини бирлаштириб машғулот ўтказиш керак. Ҳаракатли машқларни ўрганиш даражасига қараб ўқувчиларни уч группага ажратиш мумкин.

Биринчи группага: жисмоний жиҳатдан яхши ривожланган, умумлашган ҳаракатларини, оддий ва му-

<sup>1</sup> Макаренко А. С. Проблемы пикольного советского воспитания. Собр. соч. т. 5, АПН, РСФСР, 1958.

раккаб машқларни тез ҳамда аъло даражада бажара-  
диган ўқувчилар киритилади.

Иккинчи группа: ҳаракатли машқларни яхши ва  
аъло даражада, лекин секинроқ бажарадиган ўқувчи-  
лардан иборат бўлади. Одатда бу группадаги ўқувчи-  
ларнинг жисмоний ривожланиши ва координацион қо-  
билиятлари ҳам ўртacha бўлади. Улар турли машқларни  
кўпинча яхши, камдан-кам ҳолларда ўрта баҳода ўз-  
лаштирадилар.

Учинчи группага: ҳаракатларни ўртacha ва бўш ўз-  
лаштирадиган ўқувчилар киритилади. Уларнинг коор-  
динацион ҳаракатлари бўш, жисмоний ривожланиш-  
лари ҳам паст даражада бўлиб, саломатликларида  
ҳам бироз заиф томонлар бўлади.

Группаларни жисмоний тайёрлик белгиларига қа-  
раб шакллантириш чоғида шу нарсани ҳисобга олиш  
керакки, куч-қувват кўпроқ талаб қилинадиган машқ-  
ларни бажаришга ожизлик қиласидиган ўқувчи тезлик  
ёки чидамлилик талаб қилинадиган машқларни бажа-  
ришда аъло натижалар кўрсатиши мумкин. Бир группага  
киритилган шуғулланувчиларнинг барчаси муай-  
ян ҳаракат кўникмасини ҳосил килиш учун зарур  
бўлган ривожланишда бир хил даражага эга бўлмоғи  
керак.

Спортчицинг ҳаракатларни бажариш соҳасидаги  
алоҳида тайёргарлик даражаси унинг ҳаракат машқ-  
лари соҳасидаги тажрибаси ҳамда шу соҳадаги куч-  
райрати кай даражада эканлиги билан белгиланади.  
Ҳаракатли машқларни бажариш соҳасида бой тажри-  
бага эга бўлган шуғулланувчилар янги, ҳатто мурак-  
каб ҳаракатларни кўрсатиб ёки тушунтириб берилиган  
захоти пархол ўрганиб олишга колири бўлади. Тажри-  
баси унча кўп бўлмаган ўқувчилар бундай ҳаракатли  
машқларни кисмларга бўлиб ўрганадилар.

Шундай қилиб, колектив таълим беришни шуғул-  
ланувчиларга алоҳида тарзла ёндошиш билан маҳкам  
алокасини саклаб колиш учун:

— Шуғулланувчиларнинг жисмоний жихатдан ҳам-  
да ҳаракатли машқларни бажаришга тайёргарлик да-  
ражасига хос алоҳида хусусиятлари бир-бидига ўхаш  
бўлишига караб группани шакллантириш:

— Шуғулланувчиларнинг характеристидаги алоҳида  
томонларини ҳисобга олиш:

— Ҳар бир шуғулланувчи билан шахсан алоқа ўр-  
натиш;

— Коллективлик шароитида якка тартибда ўқитиш учун режалаштирилган таълим усулини қўллаш;

— Ҳаракатли машқлар деталларини ўрганиш чоргида қўйиладиган талабларни аниқ бир мақсадга йўналтириш;

— Шуғуланаётган кишининг ўзига хос томонлалигига кўпроқ даражада мувофиқ келадиган ҳаракатлар ва спорт турларини танлай билиш керак.

Иттифоқимизда таълим системаси, таълим ва тарбия тўғрисидаги маркечча-ленинча фаннинг асосий қоидаларини амалга оширади. Партия ва ҳукуматимиз таълимни коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал қилиш билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини таъкидлайди. Мактабда ўқитиладиган фанлар амалий ишлар билан қўшиб олиб борилиши, ўқитишни ташкил қилиш ва ўқитиш услублари ҳаёт билан, коммунистик қурилиш амалиёти билан мустаҳкам алоқада бўлмоғи керак. Социалистик давлат шароитида ўқитишининг амалиёт билан алоқаси давлат аҳамиятига эга бўлган иш деб қаралади. Жисмоний тарбия соҳасида ўқувчиларни ҳаракат сирларига ўргатиш уларда билим ва кўникмалар маҳоратини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бундай кўникмалар уларга кундалик турмушида, меҳнатда, спортда ва ҳарбий иш соҳасида жуда зарур бўлади.

Ўқишини амалиёт билан қўшиб олиб борилишини таъминлаш учун:

— Болаларни айрим ҳаракатли машқларни бажариш масаласини ҳал этиш усулларига ўргатиш билан чекланиб қолмай, балки уларни бундай муаммоларининг ва тактик ҳаракат фаолиятининг бутун бир гуруҳини ҳал этиш усулларига ҳамда уларни амалга оширишининг кенг миқёса умумлаштирилган кўникмаларига ўргатиш зарур;

— Ўқитишини амалий фаолият учун зарур бўлган ҳаракатлар билан таништиришдан бошлаш;

— Ҳаракатли машқларни маълум мақсадга йўналтирилган, умумлаштирилган фаолият соҳасидаги амалий патижаларига эришишга қаратилган мазмунини бузмасдан ўрганиш;

— Ҳаракатли машқларни бажариб ўрганилган фаолиятни такомиллаштириб бориш лозим. Агар, ҳаракат мусобака тавзидаги машқлардан иборат бўлса, у ҳолда бундай машқларни мусобақа шароитида такомиллаштирган маъқул;

— Ўзлаштириб олинган ҳаракатли машқларга шу машқлар ёрдамида амалга ошириладиган фаолиятнинг сифатига қараб баҳо бериш керак.

Үргатишнинг шартли тартиби умуман бутун таълимни тартибга солиб туради, ўқитувчининг роли эса таълимнинг барча принципларйни амалга ошириш чоғида намоён бўлади.

Ўқитувчи дарс пайтида жисмоний тарбиянинг илмий жиҳатдан асосланган назариясига, спорт ҳаракатлари техникасининг назариясига, ҳаракатли машқларга ўргатиш назариясига таянган ҳолда ўзининг етакчилик ролини бажарган тақдирдагина таълимнинг илмий асосда ташкил этилиши тўлақонли бўлиши мумкин. Ўқитувчи таълим психологиясининг асосларини эгаллаб олган бўлиши, организмнинг нагрузкаларга мослаша олиш соҳасидаги физиологик қонуниятларни, қўшимча куч сарфлашга кишиларнинг ёшини ва ўқитиш жараёнидаги бу хусусиятлардан фойдаланиш йўлларини билиши керак.

Ўқитувчи томонидан етакчилик қилиш фақат ўзида мавжуд бўлган иш тажрибаси асосида ё бўлмаса ўз обрўсига ишонган ҳолда бўлиши янгиликларга беътиборлиги, ундаги ижодий қобилиятни сўниб қолишига ва унинг етакчилик роли йўқолишига олиб келади.

Таълимни ташкил этища ўқитувчининг етакчилик роли каттадир. У дастур материалини таълим олаётган кишилар группасининг хусусиятларига ҳамда улардаги ҳар бир кишининг индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда қайта ишлаб чиқини ҳамда таълимнинг формалари, воситалари ва методларини қидириб топиши лозим. Ўқитувчи машғулотни ўз билим даражасига қараб ҳамда шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этмоғи, ҳаракатли машқлар материалини қай даражада ўзлаштирилганлигига берилган баҳоларни, шунингдек шуғулланувчи кишиларни онглилиги ва активлигини ҳисобга олган ҳолда машғулот топшириқларини шаройтга мослаштириб бориши керак. Таълимнинг мақсади ўқувчи томонидан анча осонлик билан англаб олинади, лекин хусусий вазифаларнинг англаб этилиши ҳийла мураккаб бўлиб, бу вазифани ўқитувчининг доимий раҳбарлиги остида амалга оширилади. Ўқитувчи, ўқувчининг машқни ўрганишга бўлган зарур эҳтиёжлари қондирилишини рағбатлантириб, умумий мақсадга эришишга ҳалал беряётган эҳтиёжларини сўндириб бориши лозим.

Материални ўзлаштириш негизида ўқитувчининг сўзлаб бериши ҳамда ҳаракатли машқларнинг энг яхши намуналарини, ҳаракат техникасини намойиш этиб кўрсатиб бериши ётади. Башарти, ўқитувчи асосий ҳаракат элементларига зътиборни қаратадиган бўлса, кўргазмали равишда ўқитишининг самарадорлиги яна ҳам ортади. Ўтилганларни эслаб қолиш соҳасида ўқувчиларда шакллантирилган қоидалар ҳаракатларни пишиқ-пухта ўзлаштириб олинишига ёрдам беради. Урганиб олинган ҳаракатлар ўқувчининг фақат эсида қолиши кифоя қилмайди. У бундай ҳаракатларни шударажада мустаҳкам эгаллаб олган ва хотирада шу қадар пухта ҳамда ишончли тарзда эслаб қолган бўлиши керакки, токи уни издан чиқарадиган, машқни бажаришда унга ҳалал етказадиган омилларга нисбатан етарли даражада барқарорликка эга бўлмоғи керак.

Ўқитувчи турли омиллар ҳалал бериб турган вақтда ҳаракатлар қандай бажарилишини кўрсатиб бериши керак. Бу яккама-якка ўрганиш олишувлари чоғида, айниқса муҳимдир. Коллектив тарзда таълим бериш вақтида шуғулланувчиларнинг муҳит томонларини ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг хулқ-авторига, унинг активлигига таъсир кўрсатиш фоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълимнинг амалий фаолият сари йўналтирилганлиги қанчалик аниқ бўлса, ўқувчиларнинг ўқишига бўлган қизиқиши, уларнинг тайёргарлик машқларига нисбатан активлиги шунчалик юқори бўлади. Ҳаракатларга ўргатиш назариясини амалий фаолият билан бирга қўшиб олиб бориш — ўқитувчининг асосий вазифаси. Таълимни амалиёт билан алоқада бўлиш шарти мунтазамлилик шарти билан бир бутун ҳолда келади, ушбу ҳар иккала шарт эса ўқитувчининг етакчилик роли орқалигина амалга оширилади.

Таълимнинг барча шартлари бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлади. Онглилик шуғулланувчиларнинг фаолигини тақозо этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши учун унинг кўргазмалилиги ва мунтазамлилигига эришиш зарур. Ўқув материалининг изчиллиги уни пухта ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Башарти, барча ўрганишининг шартли тартибига риоя қилган ҳолда уларни бир-бири билан янгишмай қўшиб олиб борилса ҳамда ҳаракат малакаларини шакллантиришга ёрдам берадиган муайян тартибга

солинса ва бу ишларнинг ҳаммасида ўқитувчи етакчи роль ўйнайдиган бўлсагина таълим соҳасида муваффақиятга эришиш мумкин.

## СПОРТ ҲАРАКАТЛАРИГА ЎРГАТИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Ҳаракат техникасига ўргатиш — бу спорт ҳаракатларига ўргатиш соҳасидаги асосий омилдир. Тажрибаларга назар ташлайдиган бўлсак, спортчининг ҳаракатли фаолиятида айни мана шу ҳаракат техникасида спортчининг жисмоний, тактик, психологик ва назарий тайёргарлик даражасининг натижалари намоён бўлади.

Ҳаракат техникасининг спортдаги аҳамияти фоят каттадир. Спорт техникаси бўйича мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги йирик олимлардан бири профессор В. М. Дьячков (1967) спортчининг техника соҳасидаги маҳоратини бутун спорт соҳасидаги тайёргарлик ишларига олиб кирадиган «катта дарвозадир» деб таъриф берган эди. Спортчининг ҳаракат фаолияти соҳасидаги самарадорлиги ана шу ҳаракат техникаси туфайли юксалади. Спортнинг ҳар бир турида ҳаракат техникаси таълим мазмунини маҳсус жисмоний тайёргарликнинг восита ва методларини белгилаб беради. Шу билан бирга барча спорт турлари учун умумий ҳисобланган ўқитиш қонуниятлари ҳам мавжуддир.

Спортчиларнинг олий даражадаги техник маҳорати техник ҳаракатларни узоқ муддат мобайнида вужудга келтириш жараёнининг, уни узлуксиз равишда такомиллаштириб боришининг натижасидир. Ҳозирги вақтда спортнинг ҳар қандай турида ҳам ҳаракат техникаси «айни бир вақтнинг ўзида бажариладиган (спортчи танасига таъсир кўрсатадиган) ички ва ташқи кучларниң ўзаро бир-бирига кўрсатадиган, таъсирини рационал тарзда ташкил этишга қаратилган, иложи борича кўпроқ, яна ҳам юксак спорт натижаларига эришиш учун улардан тағин ҳам тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш мақсадида бажариладиган изчил ҳаракатларнинг ихтинослаштирилган системасидан» иборатдир (В. М. Дьячков, 1967).

Н. А. Бернштейн (1947) «Спортчилар уларга табиат инъом этган кучлардан (ўз гавдасининг ҳаракатидаги инерция кучидан ёки рақибнинг гавдасидан, қобилиятидан ва бошқалардан) қанчалик кўпроқ фойдаланса,

унинг спорт ҳаракатлари шунчалик юқори булади», деб ҳисоблаган эди. У ҳаракатларниң аниқлигига эътиборни қаратиб ҳаракатнинг қандай элементларидага ва хусусиятларида энг кўп даражада аниқликка риоя қилиниши ва бу аниқликни қандай амалга ошириш кераклигини кўрсатиб берган эди. Муаллиф ҳар қандай ҳолда ҳам муайян мақсадга қаратилган, ҳаракат вазифасини муваффақиятли ҳал қилиниши билан бессосита боғлиқ бўлган ҳаракатни ажратиб кўрсатиш лозим, деб ҳисоблади. Бундай муайян мақсадга қаратилган аниқлик баъзи бир ҳолларда ҳаракатнинг бошида ҳужум қилиш учун мўлжалланган вақт дақиқасини белгилаётганида зарур бўлса, бошқа бир ҳолларда бундай аниқлик бутун ҳаракат мобайнида ёки уининг финал қисмида зарур бўлади. Автор спортчиларниң ҳаракатларига иисбатан қўлланадиган аниқлик мезони, яъни ҳаракат ҳолатининг пасайишига йўл қўймаслик томонига йўналтирилган мақсадни қўзлашдан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблади.

Спортниң ҳар хил турларидаги спорт техникаси барча техник усуллар ва фазонинг қаршиликларини сигиши усуллари йиғиндисини, самарали бажариладиган машқларни, шериклар ва рақиблар билан муносабатларни ўз ичига олади. Шу муносабат билан ушбу шартлардан келиб чиқсан ҳолда, спорт турларига мувофиқ равишда спорт техникасини бир неча қисмга ажратиб, уларни бир-биридан фарқ қилинади.

1. Спортниң тезлик — куч талаб қилинадиган турлари (сакраб-сакраб усулидаги югуриш, улоқтириш, сакраш, тош кўтариш) характерли хусусиятга эга бўлиб, қисқа муддат давом этади ҳамда спортчидан ўртача куч-ғайрат сарфлашни талаб қиласди. Бунда спорт техникаси ҳаракатнинг асосий фазасида қувватни ошириб ва уни зарур томонга қараб давом эттириб, энергия кучидан ҳамда гавдага таъсир қилаётган ташки кучлардан фойдаланишга қаратилган бўлади.

2. Узоқ масофаларга югуриш спортниң чанғида юриш, конъки учиш, велосипед пойгаси сингари турлари спортчидан ғоят зўр чидамлиликни кўпроқ намойиш этишини талаб қиласди. Бундаги спорт техникаси жисмоний куч-қувватни тежаб сарфлашга ҳамда куч-ғайратнинг самараадорлигини оширишга қаратилган бўлади.

3. Гимнастика, фигурали учиш, сувга сакраш, бадий гимнастика — булар бари мусобақа натижаларига

Машқларнинг аниқ бажарилиши ҳамда берилган дастурга мувофиқ ҳаракатларнинг қанчалик ифодали бажарилганинг қараб баҳо бериладиган спорт турлари ҳисобланади. Бунда ҳаракат техникаси машқларга баҳо беришнинг бевосита предмети ҳисобланиб, жисмоний ва психик тайёргарлик кўмакчи роль ўйнайди.

4. Бокс, кураш, футбол, баскетбол ва спортнинг бошқа шу сингари турлари учун яккама-якка олишув ҳамда спортчиларнинг ўзаро бир-бирлари билан алоқада бўлиши характеридир. Бунда ҳаракат техникиси муттасил ўзгариб турадиган шароитда хилма-хил мураккаб вазифаларни ҳал қилишга ҳамда ҳар хил ҳалал берувчи омиллар мавжуд бўлган шароитда турли ҳаракатли кўникмаларни қўлланишга қаратилган бўлади.

Спорт ҳаракатларининг техникаси хийла мураккаб бўлиб, уларни ўрганиш чоғида турли хил ёндашишини тақозо этади. Лекин амалда икки хил асосий услуб мавжуд бўлиб, улардан бири машқни яхлит ҳолда ўрганиш ва иккинчиси берилган машқни қисмларга бўлиб ўрганиш услубидир. Умуман олганда, ҳар бир машқ оддий ҳаракатларни ўрганишдан бошланади. Улар ҳаракат йўналишини ва куч-ғайратни ўзgartирмасдан бажариладиган бир зарб билан амалга бishiриладиган машқлардан иборат бўлиб, бу машқлар гавданинг мураккаб ҳолатга кириб, фужанак бўлишини бошқа ҳаракатларга қўшиб бажарилишини талаб қилмайди.

Машқни қисмларга ёки фазаларга бўлиб ўрганиш ижро техникаси хийла қийин бўлган ҳаракатларни ўрганилётган вақтда, амалга оширилади. Бундай машқлар узлуксиз рәвишда турли йўналишларда бажариладиган бир қатор ҳаракатлар (мураккаб ҳаракатлар)-дан иборат бўлади.

Бундай ҳаракатни дастлаб алоҳида-алоҳида, кейин эса бир-бирига қўшиб (улар орасида узилиш қилмасдан) ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда ҳаракат техникасини ўрганиш ва такомиллаштириш чоғида спортчиларга фақат тўғри техник ҳаракатларни бажаришга ёрдам берадиган ҳар хил техник воситалар қўллана бошлади.

Ватанимизда ва чет элларда чиқарилаётган маҳсус адабиётларда ҳаракатларга ўргатишнинг қисмларга ажратилган усул, деб аталадиган асосий машққа яқин бўлган машқларини бажариш услуби, яхлит ва туркум усуллар хусусида муфассал маълумотлар берилди.

Қисмларга ажратиб ўрганиш усули ўрганилаётган ҳаракат йиғмасини анча соддалаштиради, тушуниш жараёнини енгиллаشتариради, спортчига ҳар бир элементни ва ҳаракатнинг ҳар бир фазаси тузилиши нимадан иборат эканини, мураккаб ҳаракатни яхлит ҳолда марказлаштириш нима эканлигини тушуниб олишда ёрдам беради.

Машқни қисмларга бўлиб ўрганиш усулини қўйидаги ҳолларда қўлланиш тавсия этилади. Агар:

— айрим ҳаракатлар мураккаб бўлиб, алоҳида ва пухга ўрганишини тақозо этса;

— ҳаракат ниҳоятда мураккаб бўлиб, уни яхлит ҳолда ўрганишнинг иложи бўлмаса;

— ҳаракат тезкорлик билан бажариладиган бўлиб, уни яхлит ҳолда ўрганилганда машқнинг айрим қисмларини илғаб олиш ва ўзлаштиришинг иложи бўлмаса, юқорида баён этилган метод қўлланилади.

Ҳаракат техникасини тўғри әгаллаб олиш учун кўргазмали ва маҳсус машқлар қўлланилади. Үқитишининг дастлабки босқичларида ҳамда уни тақомиллаштириш жараёнида, техник усулларни аниқ бажаришга ўрганилаётган вақтда кўргазмали машқлар катта аҳамиятга эга бўлади. Улар ҳаракат шаклини ва йўналишини ўзлаштиришга, гавда ҳолатини ҳаракатнинг турли фазаларида қандай эканини аниқ билиб олишга ҳамда яхлит ҳаракатларнинг элементлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушуниб олишга ёрдам беради. Бу машқларнинг самарадорлиги ўқитувчи билан ўқувчи ҳаракат техникасининг барча икир-чикирларини фазалар бўйича нақадар аниқ билишига, ҳар бир машқнинг мақсадини қай даражада аниқ тасаввур қилишига ҳамда яхлит марказлашнинг техникаси ва динамикаси ҳар бир элементи аниқ бажарилиши қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини англаб этишига боғлиқ бўлади. Акс ҳолда кўргазмали машқлар хато ҳисобланган ҳаракатлар техникасини беҳуда ўрганилишига сабаб бўлади.

Ҳаракат техникасини ўрганишга яхлит марказлаштиришининг анча ихтисослашган қисми ҳисобланадиган маҳсус машқлар яхши ёрдам беради. Улар кўргазмали машқлардан фарқли ўлароқ, яхлит машқнинг таркибидағи тезлик ва йўналишга мувофиқ ниҳоятда тез бажарилади.

Маҳсус машқларни ўрганиш вазифасининг таркиби га ҳаракат йўналишини ва унинг шаклини тўғри әгал-

лаб олиш, зарур тезликни, куч-ғайратни ҳаракат мәропмини ҳамда мураккаб машқларни бошқа ҳаракатларга құшиб бажариш йүлларини ўрганиб олиш киради.

Асосий машқа яқын машқлар күргазмали ва маҳсус машқлардан иборат бўлиб, улар тобора кўпайиб борадиган қиинилек даражасига мувофиқ равишда маҳсус тартиб бўйича қўлланилади. Бу машқлар мураккаб техник ҳаракатларни ўзлаштириши енгиллаштиради, бунда асосий эъгиборни бир ҳаракатни бажариб бўлиб, иккинчи ҳаракатни бошланиш пайтига ҳамда ҳаракатнинг йўналиши қандай ўзгараётганлигига қаратилади.

Яхлит усул бир бутун ҳаракатли машқларни беллашув шароитида перв-мускул фаолиятининг аҳволига мувофиқ равишда шакллантириб боришга кўмаклашади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги услублар қўлланилади:

— Енгил шароит яратилган (яхлит ҳаракат таркибини соддалаштириш, ҳаракат тезлигини камайтириш, мускуллар зўриқишини пасайтиришга олиб келадиган шароитларни енгиллаштириш. Ҳаракатлар амплитудасини қисқартириш, педагог томонидан ёрдам бериб турилиши, ҳаракат йўналишини танлашдаги чекланишлар вақтида яхлит ҳаракатларни бажариш);

— Яхлит машқларни, унинг шартларини аста-секин мураккаблаштириб бориш йўли билан бажариш (ҳаракат таркибини аста-секин тўлиқ ҳаракат ҳосил бўлгунича ошириб бориш; ҳаракат тезлигини аста-секин ошириб бориш. Чарçoқ бошланганда ҳаракат давомийлигини ошириб кўриш, куч орқали қаршилик кўрсатишни ошира бориш, чалғитувчи ва ҳалал берувчи омиллар мавжуд бўлган бир шароитда ҳамда тез-тез ўзгариб турадиган вазиятда — умуман машқни одатдан ташқари шароитларда бажариб кўриш);

— Мусобақалар вақтида (ана шу мусобақаларда бажариладиган машқларга яқин бўлган машқларни мусобақа тарзида бажариб, аста-секин уларнинг қиинилек даражасини ошириб бориш йўли билан) асабийлашув кучайиб кетган бир вазиятда техник маҳоратни такомиллаштириш. Ушбу кўрсатма финдларни, техник маҳоратни такомиллаштириш қандай бораётганлигини назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Яхлит услугуб қисмларга ажратилган ва яхлит методларни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Дастрлаб алоҳида бир звено-яхлит ҳаракатнинг бир фазаси ўр-

ганилади, кейин унга наубатдаги фаза (янги ҳаракат-га ўтиш моменти) келиб қўшилади. Яхлит ижро этиш техникаси шундан кейинги спорт ҳаракатларини бажариш вақтида (башарти қисмларга ажратиб бажариладиган ёрдамчи машқлар ҳаракатни яхлит ҳолда бажариш методи билан қўшиб олиб борилса) кейинчалик яна ҳам такомиллаштириб борилади.

**Аralash таъсир кўrsatiш методи** ҳаракат сифатлари ва малакалари жараёнларининг ўзаро бир-бири билан таркибий тарзда бирини келишига ҳамда бундай аралаш таъсир кўrsatiш ҳаракатини онгли равишда мувофиқлашиб туришига асосланади. Бунда жисмоний тайёргарлик билан техник тайёргарликни бир-бирига мувофиқлигини муттасил равишда ошириб бориш зарурати вужудга келади. Бунинг учун ҳаракат сифатларининг ривожланиб бориши яна ҳам тўлароқ ҳолда на-моён бўлиши ҳамда асосий ҳаракат (ҳаракат малакаси) техникаси талабаларига кўпроқ даражада мувофиқ келмоғи керак. Техник маҳоратни такомиллаштириш учун маҳсус машқлар муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай машқлар муайян мускул группаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир спорт турида ҳаракат фаолиятининг анатомик-физиологик ҳамда биодинамик хусусиятларига кўпроқ даражада мувофиқ келадиган бўлиши керак. Машқлар фақат спорт ҳаракатида асосий иштирок этадиган мускуллар таркибига мувофиқ келибгина қолмай, шу билан бирга турли ҳаракат фазалари чоғида вужудга келадиган куч-ғайратнинг каттallигига ва режимига ҳам мувофиқ келмоғи керак.

Яхлит ва аралаш таъсир кўrsatiш методлари малакали спортчилар ҳаракат техникасини такомиллаштиришнинг асосий методлариидир. Ҳаракатларни элементлар бўйича қисмларга ажратиб ҳамда фазалар бўйича бажарилиши мутлақо ёрдамчи-кўмакчи, қўшимча юкни бажариб, ўрганилган ҳаракат техникасини аниқроқ бажаришга ҳамда яхлит ҳаракатнинг бирор звеносида динамикасини кучайтиришга ёрдам беради. Спорчни маҳоратини такомиллаштиришнинг мана шу босқичида ҳаракатларнинг бажарилиши устидан ўзини-ўзи назорат қила олиш маҳорати ҳамда машқни бажариш олдидан қандай ҳаракатлар қилинишини пухта ўйлаб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Ҳаракат техникасини ўрганиш ва такомиллаштириш вақтида ҳаракатларнинг олдиндан ўйлаб олиниши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир: у ҳаракат тўғрисидаги та-

саввурни фақат яхшилабгина қолмай, шу билан бирга унинг анча кўпроқ даражада такомиллашган образини ҳам яратади. Спортчи, спорт ҳаракатларини бажарни ҷоғида мана шу образга қараб мўлжал олади. Бош мия пўстлогининг муайян қисмида пайдо бўладиган нерв қўзғалишлари аниқ ҳаракатлар тўғрисида ўйлаб кўрилаётган пайтда фармойиш берувчи марказлардан ижро этувчи марказлар томон йўл очиб боради. Психологияда бу ҳодисанинг номини идеомотор реакцияси деб аталади. А. Ц. Пуни (1947) олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, идеомотор реакцияси машқлантирувчи аҳамиятга ҳам эга бўлади. Спортчи ҳаракатлар тўғрисида ўйлар экан, амалда у ўша ҳаракатларнинг айрим элементларини бажаради. Спорт тайёргарлигининг ҳозирги замон кўрсатмасида ҳаракатларни ўйлаб кўриш идеомотор машқи деган ном билан машҳурдир.

Спорт тайёргарлиги тажрибасида ҳаракатларни ўрганиш ва такомиллаштиришнинг баён этилган барча кўрсатмалари, приёмлари ва усул-услублари таълимнинг асосий дидактик шартларига ҳамда ҳаракат кўникмаларини шакллантиришнинг физиологик қонуниятларига бўйсунади.

## СПОРТ КУРАШИДА ТАЪЛИМ ВА МАҲОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

### Эркин кураш мисолида спорт кураши ҷоғидаги ҳаракатларни таҳлил қилиш

Ҳозирги замон эркин кураш техникаси бу ғалабани қўлга киритишга қаратилган ҳаракатларнинг муайяни тузилишидир. Кураш тажрибаси жараёнида техник ҳаракатларнинг энг самарали қурилиши ишлаб чиқилган. Улар ҳужумга ўтиш, ҳимоя қилиш ва қарши ҳужумга ўтиш деган ҳаракат турларига бўлинади.

Техник маҳорат соҳасида ҳужумга ўтиш ҳаракатлари энг муҳим ҳаракат тури ҳисобланади. Ҳозирги замон эркин курашида ҳужумга ўтиш ҳаракатлари (кураш усуллари)нинг катта ҳажми ва хилма-хил турлари мавжудdir. Курашнинг асосий мақсади — рақибнинг курагини ерга теккизишdir. Бироқ кураш тик турган ҳолатдан бошланиши туфайли ҳужумнинг дастлабки қисми рақибни кўтариб йиқитишдан, яъни уни вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга келтиришдан ҳамда унинг

гавдасини букиб, курагини пастга қаратиб йиқитиш усулларидан иборат бўлади.

Рақиб гавдасини муайян йўналишда айланишини таъмин этувчи механизм мана шу барча ҳаракатлар негизини ташкил этади. Ҳужум қилаётган курашиб ҳаракатларининг шакли, механизми ва куч-ғайратлари нинг мукаммаллиги рақиб гавдасининг айланиш вақтидаги ҳаракат йўналишига боғлиқ бўлади. Агар рақиб гавдасини тик турган ҳолатдан гиламга эгиб, уни ёнбош билан йиқитишга ҳаракат қилинса, у ҳолда гавда ўзи нинг кўндаланг ўқи атрофида айланади. Унинг кураги ерга теккунча гавдаси тахминан  $90^{\circ}$  бурчак ҳосил қилиб бурилади. Бу рақиб кураги ерга теккизиб йиқитилгунча ўтиладиган энг қисқа йўлдир. Кураш тажрибасида рақибни орқа курагига йиқитиш мақсадида уни ўз устидан айлантириб отишнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган: энгашиб туриб қаршилик кўрсатиш ва кўтариб ташлаш, оёқдан кўтариб йиқитиш, чалиб йиқитиш, оёқни-оёққа бураб йиқитиш ва оёқ билан бопка хил ҳаракатларни бажариб рақибни орқаси билан гиламга йиқитиш ана шундай усуллардандир. Бирок, ракиб ўзини орқаси билан йиқитилишига зўр бериб қаршилик кўрсатади: олдинга энгашиб олади, оёғини орқага суриб, унга таяниб, сира букиб бўлмас барқарор бурчак ҳосил қилиб туради. Бундай ҳолларда ҳужум қилаётган полвон рақибини ён томондан кўтариб ағдариш ва олдинга томон тортуб кўтариш ҳамда орқа кураги билан ерга йиқитиш имкониятига эга бўлали. Ён томондан ошириб отилган вактда ракиб гавдаси  $90^{\circ}$  бурчак ҳосил килиб, фақат ёни билан йиқилиши мумкин. Уни орқа кураги билан гиламга йиқитиш учун ҳужум қилаётган полвон рақиб гавласини аста-секин кўндаланг (олд-орқа) ўқи атрофида  $90^{\circ}$ га буриб айлантириши ҳамла тикка турган ҳолатлари узунасига тасаввур қилинган ўқи атрофида ҳам  $90^{\circ}$ га айлантириб туриб йиқитиши керак. Шунинглек, орка-ён аралаш йўналиш бўйлаб ўтвичи ўқ атофифа айлантириб йиқитиш усулини қўллаш ҳам мумкин. Бу йўналишдаги бурилиш бурчагининг умумий йиғинлиси  $90^{\circ}$  га яқинлашиб қолиши туфайли у энг қулай йўналиш хисобланади.

Кийшиқ йўналишдаги ўқ атрофида айлантириб бураш хозирги замон эркин курашида қўйидаги усуллар группаси ёрдамида амалга оширилади: ён томондан силтаб тортилади, гавдани сиқиққа олиб, бураб кайирилади ҳамда рақибни худди тегирмон тошидек айлантириб

(елкадан ошириб) ағдарилади. Рақибни олд томондаги йұналиш бүйлаб  $90^{\circ}$  ли бурчак ҳосил қилиб йиқитишиңда гавдаси гиламга юзтубан (қорни билан) тушади. Құракні пастға қаратиб белидан құлни үтка-зид құчоқлаб ушланади да рақибни ердан силтаб күта-риш, шұнғигандек пастға әғилиб чүққайиб үтирганча амалға оширилады.

Рақибни олдинга қаратиб күтарылади; кураги билан ерга ағдариш учун унинг гавдасини қарийб  $270^{\circ}$  га қадар әгилтириш лозим. Буни бажариш эса жуда ҳам қиин. Шу мақсадда олдинги йұналишда ҳаракат қилиб рақибнің курагини ерга теккизиш учун бир неча усуллар группасы құлланади: орқадан рақибни ошириб йиқитиши, рақибни әнгашиб туриб йиқитиши, рақибни олд томондан силтаб тортиб, олд томондан қалиб ҳамда олдинга силтаб тортиш йұлы билан ағдариш ана шундай усуллар группасында киради. Рақиб гавдасини олдинга — ән томонға әгри үқ атрофика айлантириб туриб, бураб йиқитиши анча құлай усуллардан ҳисобланади. Бұндай ҳолларда бурилиш дастлаб олдинга қараган йұналишда амалға оширилади ва мана шу бурилиш жараённанда рақиб гавдаси яна узунасын тасаввур қилинган үқ атрофика ҳам айлантириб олинади. Шундай қилинган вақт да жами бурилиш даражаси  $180^{\circ}$  гача камаяди.

Шундай қилиб, амалда рақибнің гавдасини айлантириб буриш, ағдариш ва уни икки кураги билан гиламга йиқитиши жараённин саккыз йұналишда амалға ошириш мүмкіндер.

Хозирги замон әркін курашида ҳужум қилишнің күпгина хилма-хил усуллары ва вариантында ишлаб чиқылған. Ана шу усулларнің асосий әнфасынан киравчы услублардан 11 таси классификацияда күрсатыб үтилген. Рақибни даст күтарыб айлантириш, әнгашиб «шұнғиши» ҳолатига үтиб туриб ташланиш, үзи айланиб туриб рақибни ҳам айлантириб ағдариш ҳамда чүққайиб үтирган ҳолатдан рақибга ташланиш, рақибни үз курагига олиб туриб олдинга ағдариш, рақибга әнгашиб туриб ташланиш, рақибни силтаб туриб йиқитиши, унинг құлларини бураб қайриш йұлы билан йиқитиши ва елкадан ошириб ағдариш ана шундай усуллардан ҳисобланади.

Рақиб гавдасини барча зарур йұналишлар бүйича айлантириш учун «жуфт күчлар» ҳосил құлувчи маңсус

ҳаракатлар билан амалга оширилди. «Жуфт кучлар» иккита ҳаракат қилувчи күч ёрдамида ҳосил қилинади. Бу кучлар турли томонларга, яъни рақиб гавдасининг оғирлик марказидан юқори ва пастки томонларга йўналтирилган кучлардан иборат бўлади. Агар бу кучлар кўтариб айлантирилаётган рақиб гавдаси ушлаб кўтарилиган жойда ёйсимон шаклда ҳаракатга келтирилса, бу яна ҳам мақсадга мувофиқроқ иш бўлади. Айрим ҳолларда (силтаниб чиқиш, бураш ва қайириш усулларида) жуфт кучлар ҳужум қилаётган кишини кучи ҳамда гиламга таяниш ва ишқаланиш кучларининг реакцияси орқали ҳосил қилинади (Н.М.Галковский, 1953).

Ҳужум қилиш ҳаракатларини бажариш учун бир полвон ўз рақибини барқарор турган ҳолатдан чиқариб, уни гиламга ағдаришга интилса, иккинчи полвон барқарорликни сақлаб қолишга ва ўз ракибини мувозанат ҳолатидан чиқаришга уринади. Таяниб турилган вақтдаги барқарорлик даражаси ўша барқарорликни ҳосил қилиб турган бурчакка боғлиқ бўлади. Бу бурчакнинг катта-кичиклиги эса полвон гавдаси қандай ҳолатда турганлигига боғлиқ бўләди (гавда оғирлик марказининг таянч нуқтаси қандай баландликда жойлашганлигига, таянч майдонининг катталигига ҳамда мана шу майдондаги оғирлик марказидан кучнинг йўналиш чизиги қандай ҳолатда эканлигига, шунингдек, гавданинг мана шундай ҳолатини сақлаб турган мушак-мускулларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлади). Барқарорликнинг геометрик бурчаги деганда гавданинг оғирлик марказидаги таянч нуқтасидан чиқувчи чизик билан мана шу таянч майдонидаги гавданинг оғирлик маркази таянч нуқтасининг мазкур майдон чеккасини бирлаштирувчи чизик орасидаги бурчак тасаввур килинади. Бурчак қанчалик катта бўлса, мана шу йўналишдаги барқарорлик ҳам шунчалик юқори бўлади (Н.М.Галковский, 1971).

Шундай қилиб, таянч майдони канча катта бўлса ва полвоннинг гавдасидаги оғирлик марказининг таянч нуқтаси қанчалик пастроқ жойлашган бўлса, барқарорлик даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Полвоннинг гавдасидаги оғирлик марказининг таянч нуқтасидан чиккан чизик таянч майдонининг чеккасига якинлашиб борган ва ундан ҳам ташқарига чиқиб кетган вактда мувозанат бузилади. Ҳаракат қилиш вақтида, яъни кураш жараёнида ҳар иккала полвон ҳам узлуксиз равишда ўз мувозанатларини йўқотиб ва яна тиклаб турадилар. Амалда

ҳужум вақтида ҳужум қилаётган полвон ўз мувозанатини йўқотиш ҳисобига бирор усулни бажаради. Бунда ҳужум қилаётган киши ўз ракиби томонидан мувозанатнинг йўқотилиши ва сақлаб қолинишини, албатта, ҳисобга олади. Рақибни ағдариб йиқитиши ёки ҳамла қилиб унга ташланиш йўналиши қай тариқа ташланиши рақибнинг барқарорлигини таъминлаб турган барқарорлик бурчагига боғлиқ бўлади, яъни усулни рақиб барқарорлик бурчаги кичикроқ бўлган томонга қараб бажарилади. Бу усулни ўша йўналишда рақиб мувозанати йўқолган вақтда бажарилса, яна ҳам яхшироқ натижа беради. «Гавда ҳолатини тез ўзгартира олиш маҳорати барқарорлик даражасини ошириб бориш ва таянч майдонини ўртасидан бошлаб, оғирлик марказини мумкин қадар камроқ оғиш бурчаги томон суриб бориш, рақибнинг ҳаракатларига актив қаршилик кўрсатиш — булар бари курашда мувозанатни сақлаб қолиш негизи ҳисобланади, рақибнинг мувозанати йўқолган пайтдан ҳамда ўз мувозанатларини йўқотишдан ҳам моҳирлик билан фойдаланиб, ундан ҳужум қилувчи ҳаракатларни кучайтириш мақсадида фойдаланиш курашда юксак даражадаги техник ҳаракатлар қилишнинг асоси ҳисобланади» (Н. М. Галковский, 1971).

Агар рақибни у тик турган ҳолатдан икки курагига йиқитишининг иложи бўлмай, уни кўкраги билан гиламга ағдарилса, у ҳолда кейинги ҳаракатлар уни партер ҳолатида туриб (ағдариб) кураш билан йиқитишига қаратилган бўлади. Рақибни кўкраги билан ерда чўккалаб ётган ҳолатдан-партер ҳолатидан курагини ерга қилиб ётқизиш ҳаракатлари узунасига, ёnlamasига ҳамда эгри чизиқ бўйлаб йўналтирилган ўқ атрофида, кўп ҳолларда ён томонга ва олдинга-ёнга йўналтирилган ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Рақибни партер ҳолатидан айлантириб йиқитиши чоғида энг мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган беш хил йўналиш маълум. Бунинг учун (оёқ томонга буриш учун) мўлжалланган уч йўналишини амалда бажариб бўлмайди.

Рақибни тирсак ва тиззада турган ҳолатидан тўнтириш учун унинг гавдаси барча йўналишларда курагини паст томонга қилиб, тахминан  $180^{\circ}$  гача бурилади. Бунда ҳам тик туриш ҳолатидаги сингари ағдариш йўналишини барқарорлик бурчаги ҳаммадан кўра кичикроқ томонга қараб йўналтирилиши керак (бу бурчак гавда узунасига тасаввур килинган ўқ атрофида айлантирилган вақтда ҳаммадан кўра кичикроқ бўлади).

Шунингдек, партерда рақиб гавдасини тўнтириш жуфт кучларни ҳаракатга келтириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бу тахминан шундай намоён бўлади: биринчи куч — бу ҳужум қилувчининг (ўзига тортувчи ёки ўзидан итарувчи) кучидир, иккинчи куч эса кўп ҳолларда таянч нуқтасининг реакцияси шаклида, гилемга ишқаланиш кучи тарзида ёхуд ҳужум қилувчи гавдасининг бирор қисмига қаршилик кўрсатиш тарзида намоён бўлади.

Шунингдек тирсак ва тиззада туриш ҳолатида узунасига ва эгрй йўналишда тасаввур қилинган ўқ атрофида рақиб гавдасини айлантириш уни қўндаланг ўқ атрофида айлантиришга қараганда анча фойдалироқ эканлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ташланиш чоғида жуфт кучлар ҳудди тик туриб ташланиш чоғидаги сингари усуслар билан ҳосил қилинади. Ҳозирги замон эркин курашида партер ҳолатида курашишнинг қўйидаги асосий усуслари мавжуд: рақиб гавдасини бураб қайириш йўли билан айлантириш, югуриб туриб рақибга ташланиш, рақибнинг орқа томонига ўтиб ҳужум қилиш, ўнболов ошиб ва гавдани букиб туриб ҳужум қилиш, узунасига ва қўндалангига тасаввур қилинган ўқ атрофида ўмболов ошиш йўли билан амалга ошириладиган кураш усуслари ана шулар жумласидандир.

Юқорида келтириб ўтилган таҳлил (рақиб гавдасининг эҳтимол тутилган ҳолатларидан келиб чиқиб) шартли равишдаги таҳлил бўлиб, бунда рақибнинг барқарорлик ва қаршилик кўрсата олиш даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда таҳлил этилган, бундай мақсад даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда таҳлил этилган. Бундан мақсад ҳужум қилиш ҳаракатларининг эҳтимол тутилган формалари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилишdir. Олишув чоғида рақиб гавдасининг турли йўналишларидаги барқарорлик бурчаги қандай катталикда эканлигини ҳисобга олишга ҳамда ҳужум йўналишини энг кам барқарорлик мавжуд бўлган томондан танлашга тўғри келади.

## ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИК

### СПОРТ КУРАШИДА ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРГА ҮРГАТИШ ҚҰЛЛАНМАСИ

Курашда тренировка жараёни самарадорлигининг яна ҳам оширилиши күп жиҳатдан техник-тактик ҳаракатларга үргатиш құлланмасининг такомиллаштириб боришлиши билан bogлиқdir. Бироқ, үқитишининг амалда құлланыладиган турли хил құлланмаларини танлаш ва уларнинг самарадорлигини оширишининг күпгина масалаларидан ягона бир фикрніңг ішкелгі, ушбу масала ҳали етарли даражада үрганиб чиқылмаганидан далолат беради.

Техник ҳаракатларни үтказиш тактикасига үргатиш юзасидан ҳар доим ҳам аниқ мақсадни күзлаб олиб борилған табдирлар үтказилмайды. Афтидан, бунга сабаб, бир томондан таълим құлланмаси етарли даражада ишлаб чиқылмаганлығы бұлса, иккінчи томондан, спортчилар билан тренерларнинг аниқ мақсадға йұналтирилған тактикаға үргатишининг күч-құдратига ишонмаслиқдир (А. П. Купцов, 1978).

Спорт кураши бүйіча бир қатор мутахассисларнинг фикриға қараганда, полвонларнинг техник-тактик жиҳатдан тайёргарлиги ҳамон муаммоли масала бўлиб қолмоқда. Чунки техник-тактик воситаларнинг кенг диапазонига эга бўлган курашчилар одатда барча қоидалардан мустасно ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, өшларни үқитиши чоғида мураккаб элементларни машғулотларга ҳаддан ташқари эхтиёткорлик билан киритилиди ва үқиши жараёни күп йилларга чўзилиб кетади.

Үқитиши қоидаларини түғри ташкил этиш учун дидактикастың умумий қонунларини билиш керак. Таълим — бу билим, маҳорат ва малакаларни үргатиш ҳамда уларни әгаллаб олиш жараёнидир. Таълим жараёни асосан тўрт қисмга бўлинади.

1. Үзлаштирилиши керак бўлган материални идрок этиши.
2. Материални англаш, тушунча ҳосил қилиш.
3. Билимларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш, маҳорат ва малакалар ҳосил қилиш.
4. Ҳосил қилинган билим, маҳорат ва малакаларни амалий ишга жорий этиш.

Үқитиши жараёнининг ҳаққоний қонунлари, асосий қоидалари — үқитиши жараёни қонуниятларини объек-

тив равиша акс эттирадиган ҳамда ўқитиш қоидаларини таърифлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган дидактика шартларида ўзининг аниқ ифодасини топгандир.

Жисмоний тарбия бўйича олинадиган маълумот — инсон томонидан ўз ҳаракатларини бошқариш соҳасидаги рационал усулларни тартибли равиша ўзлаштириб олиниши ҳаётда зарур бўлган ҳаракатли машқлар маҳоратини, малакасини ҳамда улар билан боелиқ бўлган билимларни эгаллаб олиниши, ҳаракатларга ўргатишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Спорт курашининг ҳозирги замон техникаси бу рақиб устидан ғалаба қозонишига қаратилган полвон ҳаракатларининг муайян тартибидир. Кўп йиллик кураш тажрибаси ҳужум қилувчи, ҳимояланувчи ва қарши ҳужумга ўтувчи спортчи ҳаракатларининг энг самарали тузилишини ишлаб чиқиши имконини беради. Полвонни техник жиҳатдан тайёрлашда ҳужумга ўтиш ҳаракатлари етакчи роль ўйнайди. Кураш қоидалари ҳужумга ўтиш ҳаракатларини қўллаган полвонларни рафбатлантиради (А. А. Новиков, 1966).

Ҳар бир асосий спорт машқи оддий машқ бўлиши ҳам, ёки бир қатор оддий ҳаракатлардан иборат мураккаб машқ бўлиши ҳам мумкин (Д. Д. Донской, 1968). Эркин кураш соҳасидаги мусобақа фаолиятини таҳлил килиш ҳужумнинг икки хил турини аниқлаб берди. Биринчиси, асосий усулдан келиб чиқиб, дарҳол бошланиб кетадиган ҳужумда ү ташкил топган оддий усул, иккинчиси эса курашаётган киши икки ёки уч хил ҳаракатлардан фойдаланадиган мураккаб ҳужум усулилар (шундан биринчиси бундан буёнги ҳаракатлар учун ҳужум килишига қулай динамик вазиятни вўйжудга келтиради). Шуларнинг ҳаммаси ҳудди яхлит бир ҳаракат сингари узлуксиз бажариб борилади (Н. М. Галковский, 1971).

Ҳужумда ишлатиладиган мураккаб ҳаракатларни икки турга ажратиб, уларни бир-биридан фарқ қилинади:

— ўзида қулай динамик вазиятни тайёрлашга хизмат қиладиган маҳсус усулни ҳамда (у билан маҳкам алоқада бўлган) ҳал қилувчи усулни олган ҳужум ҳаракатлари.

— мантиқан бир бутун ҳолга келтирилган бир неча усуллардан ташкил топган ҳужум комбинацияларидан иборат усул. Бу сифат жиҳатдан янги усул бўлиб, бир үслубнинг бошланғич ҳаракатини ўз ичига олиб қулай

динамик вазиятни вужудга келтиради ҳамда иккинчи усулнинг якунловчи қисмини ҳам ўз ичига олиб ўша вужудга келтирилган вазиятдан фойдаланилади.

Н. М. Галковскийнинг фикрига қараганда (1972), эркин курашда кўпинча оддий ҳужум ҳаракатлари эмас, пишиқ-пухта мураккаб ҳужум ҳаракатлари муваффақиятга олиб келади. Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасида шу нарса исбот қилинганки, усул кўринишини дарҳол татбиқ этиб, тўғридан-тўғри ҳужумга ўтилган кезларда мақсадга эришиш қийин бўлади. Одатда шундай ҳужум ҳаракатлари қўлланганда муваффақиятга эришиладики, қулай динамик вазиятни вужудга келтириш усуллари ҳамда ҳужум усулларининг туэйлиши ягона бир ҳаракатга айланиб, ҳаракаг йиғмаси деб аталадиган усулни вужудга келтиради.

Усулни амалда қўллаш учун тактик тайёргарлик кўриш усулларини группалаб классификация қилишнинг бирийчи маротаба А.Н. Ленц (1967) ишлаб чиқди. У тузган таърифга биноан техник ҳаракатларни ўтказиш учун қулай бўлган вазият ҳосил қилинадиган воситалар учта бўлимга бўлинади:

— Полвон ўзи учун қулай бўлган усулни танлаб, рақибининг ҳимоя воситасини вужудга келтирадиган воситалар (қўрқув, сиқиб қўйиш, мувозанат ҳолатидан чиқариб юбориш);

— Рақиб томонидан актив таъсир қиласидиган ва полвон учун қулай бўлган вазиятни вужудга келтирадиган воситалар (даъват).

— Рақиб эътибор бермайдиган ёхуд жуда кам эътибор бериб, эътиборсизлик билан ўзини бўш қўядиган ҳолатни вужудга келтириш мақсадида полвон томонидан қўлланиладиган усуллар (такрорий ҳужум, тескари даъват, икки бор кетма-кет алдаш ҳаракатлари ва бошқалар).

Техник ҳаракатларни ўтказишга тактик тайёргарлик кўришнинг барча усулларидан мустақил равишда фойдаланибгина қолмай, шу билан бирга уларни бир-бира га қўшиб фойдаланиш ҳам мумкин. Бундай вақтларда бир хил кўринишдаги қулай вазиятлар битта усулни қўллаш йўли билан эмас, балки бир неча усуллардан қўлланиб вужудга келтирилади ҳамда бу усуллар бир-бирини тўлдириб келади.

Қулай динамик вазиятни мураккаб ҳужумнинг комбинация деб аталувчи биринчи қисми (биринчи приёми)

ёрдамида яратиш мумкин. Тактик тайёргарлик усуллари группаларининг таърифига кўра, қуйидаги комбинацион ҳаракатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— Ҳужум қилувчи биринчи приём ёрдамида рақибда ҳимоя реакциясини қўзгатиб, бу реакция ёрдамида кейинги ҳужум ҳаракатини (приёмни) бажаради. Масалан, ҳужум қилувчи елкадан ошириб отмоқчи бўлади, рақиб ҳимоя сифатида, гавдасини тўғрилайди, бу эса кейинги приёмни ўтказишга қўлдан тутиб ва чап оёқ билан рақибнинг чап оёғини (ёки ўнг билан ўнгни) оёқлар орасидан илиб, туртиб йиқитишга ёрдам беради;

— Биринчи усул рақибниш актив ҳимоя реакциясини қўзгатиш учун ўтказилади, яъни рақиб қарши финд ўтказади, шундан сўнг ҳужум қилувчи иккинчи усул ўтказади. Масалац, ҳужум қилувчи оёқдан ушлаб тортиб йиқитиш приёмини қўллайди, рақиб эса узокроқ турган оёқниш сон қисмидан ушлаб уни тўнкариб афдариш услубини амалга оширмоқчи бўлади. Мана шувазиятдан фойдаланиб ҳужум қилувчи рақибнинг қўлидан ушлаб елкадан ошириб отади;

— Биринчи усулнинг амалга оширилиши натижасида ҳужум қилаётган киши рақибини шундай ҳолатга келтириб қўядики, рақибнинг ҳимоя реакцияси ё бўшроқ бўлиб қолади ёки у умуман ҳимояланмай қўяди. Икки усулни бир-бирига улаб кетма-кет бажариш ушбу комбинацияларнинг ҳарактерли хусусиятидир. Масалан, қўлдан ушлаб силтаб тортиш билан олд томондан оёқни оёққа уриб йиқитиш қўшиб бажарилади, ўнг оёқ билан чап оёқни (ёки чап билан ўнгни) ён томондан илиб қўл ва гавдадан ушлаб итариб йиқитиш усули билан қўл ва гавдадан ушлаб орқага эгилиб қўкракдан ошириб отиш приёмини кетма-кет улаб бажариш мумкин.

Одатда, курашда айрим усуллардан фойдаланиш ҳар доим ҳам яхши самара беравермайди, бунинг сабаби ташланган усулни бажариш учун зарур бўлган вақт ичida рақиб ҳам унга тегишли тарзда қаршилик кўрсатиш имконига эга бўлади. Мураккаб ҳужум ҳаракатлари билан амалга оширилган ҳамланинг муваффақияти шунга асосланадики, бунда рақиб олдиндан лойиҳалаштириб қўйилган мураккаб ҳужум ҳаракатлари йўналишининг ўзгариб туришига 2—3 марта қаршилик кўрсатишга мажбур бўлади, у ҳар сафар ҳужум қилувчи ҳаракатларнинг ҳарактери ва йўналишини илғаб олиш учун вақт сарфлайди. Натижада рақиб ҳужум

құлувчыға қаршилик күрсатиш чөғіда вақтдан ютқазади, чунки у қаршилик күрсатаётган вақтда иккі ва уч хил яшириң давр пайдо бұлади. Биринчи — яшириң давр бұлиб, бу мураккаб ҳужумнинг дастлабки ҳаракатыга жавоб тарзида намоён бұлади, иккінчи (яшириң) давр эса — бу ҳаракатлантирувчи давр ва мураккаб ҳужумнинг янги йұналиштарини илғаш мақсадида қаршилик күрсатиши тұхтатишидір, ва сұнг иккінчи ҳаракатлантирувчи давр (күпинча, кечикиб) келади. Мураккаб ҳужумнинг сұнгги (хал құлувчы) ҳаракати рақибнинг ҳужумкорлық ҳаракатининг биринчи қисміга жавобан қаршилик күрсатишининг ҳаракатлантирувчи даврига ёки (мураккаб ҳужумнинг иккінчи қисміні кечроқ баражиленген қолларда) хал құлувчи ҳаракатта қаршилик күрсатишининг яшириң даврига тұғри келади (Н. М. Галковский, 1972).

Хозирги замон курашидаги ранг-баранг мураккаб ҳаракатларни баъзи бир манбаларда мураккаб техник-тактик ҳаракатлар деб атамақдалар. Спорт курашида техника билан тактика бирлигини ташкил этади. Айрим техник ҳаракатлар (приёмлар) тактик ҳаракат бұлиши ҳам мүмкін. Ҳужум қилиш, қарши ҳужум ҳамда ҳимояланиш маңа шундай ҳаракатлардан дір. Баъзи бир тактик ҳаракатлар эса ўз навбатида мүайян техник ҳаракатлар, деб ҳисобланишин ҳам мүмкін (Итариш, силтаб тортиш).

Юқори тажрибали полвонларнинг мусобақа фаолиятini таҳліл этиш ёшларни аниқ мақсадға қаратылған мураккаб ҳужум ҳаракатларига үргатиб бориш зарур эканлигини таъкидлайды. Қарааш маҳоратининг үсіб бориши техник-тактик маҳоратни ривожлантириң умумий томонларининг аниқ белгилаб олинишига, мусобақаларда анча мұваффақият билан құлланиб келаётган ҳужум қилиш ҳаракатларининг үрганишига боғлиқ бұлади. Юқори малакали полвонлар шу жиҳатдан ажралиб турады, улар мураккаб техник-тактик ҳаракатларни олишувлар чөғіда комбинацион услуг, деб аталадын тарзда құллайдылар. Спорт кураши бүйічә олиб борилған дастлабки илмий-тадқиқот ишларидан бири техник ҳаракатлар ва уларни үргатиш жараёнини ишлаб чиқышни таҳлил этишга бағищланған. В. Я. Шумилин (1954) орқага ошириб отиш техникаси ҳамда ана шу усулларни үргатиш қолларини таҳлил қиласы. У ҳар иккапа томондан орқага ошириб отишга үрганишни үқитиши дастлабки пайтларидан бошлаш лозим деб

хисоблайди. Мазкур ошириб отишни қайси томондан бажариш курашдаги вазиятга боғлиқ.

А. А. Новиковнинг фикрича (1956), елкадан ошириб отиш чоғидаги бурилишнинг икки усулини баравар бир машгулотда ўрганиш усуллар миқдорининг кўпайишига ва курашнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Муаллиф ҳимоя ва қарши ҳужумга ўтиш усулларини учинчи машгулотда, ҳужум сифатидаги қаршилик ҳаракати (приёми) тузилишини ўзлаштириб олинганидан кейин ўргана бошлашни тавсия этади.

Классик курашда бъязи бир тайёргарлик ҳаракатларига ўрганиш методикасини биринчи марта ишлаб чиққан В. А. Боголепов (1958) усулларни қўллашга тайёргарлик усулларини ўрганишини услубларининг кўришишини ўзлаштириб олинганидан кейин амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди.

Рақиб мувозанатини йўқотиб қўйишга асосланган техник-тактик ҳаракатларни шакллантириш қонуниятларини очиб беришга ҳаракат қилиб кўрган олимлар ҳам бор (А. П. Купцов, 1968). Бироқ муаллиф техник ҳаракатларни яхлит ҳолда ўрганишини усулларни ўрганиб олинганидан кейингина бошлаш керак, рақибнинг муайян тарздаги ҳимояси эса тайёргарлик жараёнининг сифатини кўрсатувчи бир мезон бўлади, деб ҳисоблайди.

Н. М. Галковский (1971) ҳужум учун динамик вазиятларнинг қўйидаги беш группасидан фойдаланишини тавсия этади:

— Рақиб гавдаси «барқарорлик бурчагини енгиб» уни агдарининг иисбати қулай томон билан туриб қолганида;

— Ҳаракат натижасида рақибининг оғирлик маркази гаячин майдонининг четига келиб агдариш, барқарорлик бурчаги кичрайган пайтда;

— Рақибнинг оғирлик маркази тезлик билан юқорига қўча боцлаганида;

— Рақиб таянчини осонлик билан йўқотиш мумкин бўлганида;

— Рақиб «муаллақ нуқта» да туриб қолганида (рақиб, реакциясининг латент даврида) ҳужумга ўтиш мумкин.

Шунингдек, полвон ўзининг ҳаракатлари билан турили хил қулай динамик вазиятларни тайёрлай олишни билиши керак.

Рақиб ҳолати юз берган вазиятни кўрсатувчи мавжуд аломатларни идрок этиш ва баҳолашни ўрганиб,

тактик-техник ҳаракатларни такомиллаштириш маҳоратини эгаллаб олиш жараёнини анча тезлаштиради (В. Д. Миронов, 1975).

А. Н. Ленц (1972) услубини қўллаш тактикасини ўзлаштириб олишнинг қуйидаги тартибини келтиради:

— усулни бажаришнинг тактик имкониятлари билан танишиб чиқиш;

— усулни қулай вазият юз бергаңда бажариш;

— қулай шароит яратиш сирларини ўзлаштириш;

— амалга ошириладиган техник ҳаракатларнинг энг яхши вариантини танлаш ва уни бажариш томонларини аниқ вазиятга мувофиқ баъзи бир ўзгартишлар киритиш керак.

Қулай шароит яратиш ҳолларини ўрганиш вақтида полвоннинг рақиби қўлланилган ҳийлага жавобан олдиндан тегишли ҳимоя чорасини кўриши керак.

Асосий ғалабага эришишда тайёргарлик ҳаракатлари анча катта роль ўйнайди. Шунинг учун уларни бирбири билан ўзаро маҳкам боғлиқ ҳолда такомиллаштириб бориш лозим. Такомиллаштириб боришда асосий қийинчилик бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиш фазаси ҳисобланади (А. А. Новиков, 1966) маҳорат дарражаси қанча юқори бўлса қийинчилик шунча камроқ бўлади (А. В. Родионов, 1971).

В. Я. Шумилин (1959) курашда қўлланиладиган усуллар тузилишини ўзлаштириб олинганидан кейингина комбинацияларни ўргана бошлаш зарур, деб ҳисоблайди. Кураш техникасини такомиллаштириш учун шуғулланувчилар усулларга тайёргарлик кўришнинг тактик элементларини ўзлаштириб олишлари керак. Шундан кейинги тактик тайёргарлиги мазкур усул билан бошланадиган комбинацияларга тактик тайёргарлик вазифасини ҳам ўтайди.

И. И. Алихонов ва Г. А. Шоҳмурадов (1982) фақат шундай комбинацияларни такомиллаштириши тавсия этадиларки, бу комбинациялар чоғида биринчи усулдан ҳимояланиш иккинчи услугуб учун қулай вазият яратади. Бироқ, юқорида ҳам таъкидлаб ўтилганидек, бу фақат комбинацион ҳаракатларнинг бир туридир, холос.

Барча тоифадаги полвонлар амалга оширадиган усулларнинг «парадоксал эфект» феномени, яъни ракиб унчалик яхши ҳимоялана олмаётган вақтда усул самарадорлигининг ортишини С. В. Суряхин (1974) аниқлаган. Муаллиф қўлланадиган усулларни ўргатишни

Ва такомиллаштиришни рақиб унчалик қаттىқ қаршилик қилмай турган вақтда бошлашни тавсия этади.

В. П. Сердюк ва О. П. Юшковларнинг (1976) фикрича, у ёки бу усульнинг түғри тузилишини ўрганиш ва ўзлаштириш учун уни 375—450 марта такрорлаш керак, мусобақа шароитида худди шу усульнинг ўзини бажариш учун эса ўни камида 1600—1800 марта такрорлаш керак. Лекин муаллифлар шуғулланувчиларнинг ўз хусусиятларини ҳамда усулларга нисбатан улардаги турли тайёргарлик ҳаракатлари мавжуд эканлигини ҳисобга олмайдилар. Техник ҳаракатлар ҳар иккала томонга бажарилиши учун В. Е. Рублёвский, Ю. Д. Кузьменко, А. И. Аҳмедовлар (1979) ўрганилган, туриш ҳолатида ошириб отишга ўргатиш машқини бир марта бажариши, ўрганилмаган ноқулай ҳолатда туриб эса, ошириб отиш машқини уч марта бажаришни таклиф қиласидилар.

Полвон ўрганадиган техник ҳаракатларнинг фикран идрок этишни машқ қилиш шартли рефлектор боғланышларининг анча тезроқ вужудга келиши ва мустаҳкамланишига ҳамда түғри мустаҳкам ҳаракат ўзагини вужудга келишига ёрдам беради (А. М. Астахов, 1976).

В. Д. Миронов (1975), А. А. Новиков, А. О. Акопян, В. Д. Миронов, Р. Х. Тоиров (1977), Б. М. Рибалко, Г. В. Николаенко (1977) ва бошқа муаллифлар техник-тактик ҳаракатлар бажарилган вақтдаги самарадорлик спортчининг тактик маҳорати, тезкорлиги ҳамда тактик фикрларининг терандиги билан белгиланади, деб ҳисоблайдилар. Бу эса ўз навбатида, вужудга келадиган вазият муаммоларини кенг миқёсда кўра билиш ҳамда уни тезда англаб олиш маҳорати билан белгиланади.

Олишув давомида вужудга келадиган қулай вазиятларнинг аҳамияти ҳамда ана шу шароитларга тўлароқ жавоб берадиган техник ҳаракатларнинг турли кўринишларда ўз вақтида амалга оширилиши — бу полвонлар тактик саводхонлигининг бир жиҳати, холос. Иккинчи жиҳати шундан иборатки, бунда полвон ўзи учун қулай бўлган вазиятни тайёрлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак, акс ҳолда полвон бундай вазиятни кутиб, кўп жиҳатдан рақибнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлган тобе аҳволга тушиб қолади.

Илмий қўлланма адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда спорт кураши соҳасида техник ҳаракатларга ўргатиш қўлланмасини танлашга турлича ёндашувлар мавжуддир. Шунга қарамай, техник-тактик ҳаракатларни бажариш хусусиятларини тадқиқ этишга

ҳамда уларни ўқитишининг мукаммал қойдасиний ишлаб чиқиш масалаларига оид илмий адабиётлар ниҳоятда кам.

## ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК

Ўсмирларнинг тактик тайёргарлиги узлуксиз олиб борилиши керак.

Муайян усул ёрдамида ҳужум ҳаракатларига тактик тайёргарлик мураккаб услубнинг бир қисми бўлмоғи керак. Бунда у узлуксиз ҳужум орқали бажарилади. Бунда асосий эътиборни алдаш ҳаракатидан (аслида ҳужумни бажарадиган тактик тайёргарликдан) ҳал қи́лувчи якуний ҳаракатга ўтиш моментига — мураккаб ҳужум ҳаракати ( $MXX$ )га қаратиш лозим. Турли ҳужум усуллари учун тактик тайёргарликнинг мақсадга мувофиқ келадиган усулларини танлаб олиш керак. Шу мақсадда  $MXX$  усуллари билан танишиб чиқилгандан кейин муайян бир усул учун тактик тайёргарликни мустақил равишда танлаш ҳамда уларни  $MXX$  ҳужумкорлик ҳоллари билан бирлаштириш (янги  $MXX$  ихтиро қилиш) тўғрисида топшириқ оладилар.

Мураккаб ҳужум ҳаракатларини такомиллаштириб бориши вақтида педагогик жараён янги кўникма ҳосил қилишга йўналтирилган бўлади. Янги  $MXX$  ни мувваф фақиятли ўзлаштириб олиш фақат илгари ўрганиб чиқилган усуллар асосидагина ҳамга оширилиши мумкинdir.  $MXX$  ни ўрганиш жараёнида  $MXX$  ни шакллантириш чоғида юз берадиган қийинчиликларни изчиллик билан енгib бориши зарурлиги тўғрисидаги талабларга риоя қилиш даркор. Бундан аввалги машқларни ўрганиб  $MXX$  талабларини бажарилгандан кейин ҳамда тайёргарлик ҳаракатидан  $MXX$  нинг якуний ҳаракатига ўтиш чоғида, энг юқори аниқликка эришилганидан сўнг бажарилажак машқлар мобайнида ана шу ўзлаштирилган усулларни яна беш марта такрорлаш керак. Башарти, бундай такрорий машқлар давомида аниқлик дараҷаси яхши бўлса (ҳосил қилинган кўникма етарли даражада мустаҳкам бўлиб борса), у ҳолда шундан кейинги  $MXX$  ни ўрганишга ўтиш мумкин.  $MXX$  ни ўрганилаётган дастлабки пайтларда аниқлик даражаси. одатда, энг кичик ҳолатда бўлиб, кейинчалик ўсиб боради.

Ҳужум ҳаракатларига (ҳужум приёмларига) ўргатиш ва уларни қўллаш учун тактик тайёргарликнинг тўрли хил усулларини танлаб, уларни ҳам услугуб ҳара-

кати йўналиши томонга, ҳам унинг тескари томонига ишлатиш мумкин бўладиган тарзда танлаш керак. Бундада рақибнинг қимир этмай қолиши (унинг ҳаракатсиз ҳолати ҳамда қандайдир қисқа бир муддат ичидагимоя ҳаракатларини бажаришга қодир бўлмаслиги) ҳолатини вужудга келтирилади. Шу мусобабат билан эркин курашда оёқдан ушлаб бажариладиган усуллар кўпроқ қўлланиши туфайли ўсмирларни тактик тайёргарлик ҳаракатларининг жуда кўп усулларига ўргатиш лозим. Шундай қилиш керакки, ўсмирлар ўзлари яхши кўриб қолган мураккаб ҳужум ҳаракатларини мустақил равишда яратиш имкониятига эга бўлсинлар, бундан ташқари ўсмир турли рақибларга нисбатан танлаб-танлаб ишлатиш мумкин бўлган МҲҲ усулларини эгаллаб олиши керак.

Ҳужум ҳаракатлари тактикасига бундан кейинги ўргатиш машқлари турли кўринишдан ташкил топган комбинациялардан иборат ҳужум ҳаракатларини вужудга келтириши ва ўзлаштириш ёшли билан амалга оширилиши керак. Комбинациялар шундай тузилиши керакки, биринчи усулини қўллаб ҳужумга ўтилганлиги рақибнинг ҳимоя ҳаракатлари сабабли шундан кейинги мўлжаллангани усулини қўлланиб ҳужумга ўтиши учун қулай бўлган вазиятни вужудга келтирадиган бўлсиз. Комбинациялар уч, тўрт усуллардан иборат бўлиши ва ўзлуксиз тарзда бажарилishi мумкин. Бунда энг охирги ҳужумни амалга ошириши учун қулай вазиятни яратиши керак. Бундай комбинациялар билан амалга ошириладиган ҳужум намуналарини ўқитувчи кўрсатиб бериши ҳамда ўсмирларни ҳам мустақил равишда шундай комбинациялар яратишга ўргатиб бориши керак.

**Белашувларни ўтказиш тактикаси.** Спорт кураши тактикаси мусобақа техникаси, қоидаларининг ҳамда ҳакамлик системасининг ривожланиб боришига мувофиқ равишда узлуксиз такомиллашиб боради.

Ҳозирги вақтда полвон узлуксиз ҳужум қилиб турадиган тактиканга кўпроқ эътибор берилмоқда, бундай ҳолларда гарчи у ҳужум вақтида баҳо тарзида бериладиган битта баллни олмаган бўлса ҳам, унинг рақиби фақат ўзини ҳимоя қилиб турган бўлса, бундай полвонга афзаллик берилади, унинг рақиби эса сусткашлиги учун огоҳлантириш олади.

Муттасил ҳужум қилиш учун полвон тактик тайёргарликнииг жуда кўп ва хилма-хил усулларини энг оддий ҳужум қилиш ҳаракатларини ҳамда МҲҲни билиши керак. Бундан ташқари, шу хилдаги тактика маълум

даражада чидамлиликни талаб қиласы. Шу билан бирга ҳужумлар орасыда нисбатан сокинлик даврлари алмашының туриши ҳамда рақибни ҳужум қилишга даеват әтувчи даврлар юзага келтирилиши керак, бунда полвон рақиб ҳужумының қайтаришга тайёр ҳолда турмоғи кеңак. Кураш техникаси тактиканинг асосий воситаси ҳисобланади. Кураш техникаси қанчалик бой бүлса аниқ тактикани танлаш имконияты ҳам шунчалик күп бүләди. Бу полвоннинг жисмоний имкониятларига: унинг кучига, тезкорлигига, чаққонлигига, бардошлигига боғлиқ бүләди. Мана шу хусусиятлардан бирортаси нинг яхши ривожланганлыги тактикани аъло даражада (ҳал қилувчи ҳаракатлар билан) мана шу жисмоний хусусиятга таянган ҳолда ўтказиш имкониятини беради.

Беллашувни ўтказиш тактикаси, асосан, рақибининг тайёргарлик даражасига боғлиқ бүләди. Беллашувни түғри ўтказиш тактикасини амалга ошириш учун биринчи навбатда рақиб қандай ҳужум ҳаракатларини қўллаётганлигини, у ўзини қандай ҳимоя қилаётганлиги, унинг жисмоний тайёргарлиги қандайлигини билиш лозим.

Тактикани режалаштирилаётган вақтда ҳар бир полвон ўзининг қайси жиҳатдан кучли тайёргарлик кўрганлигини ҳамда беллашув чоғида рақибининг суст ривожланган, заиф томонларини аниқ билмоғи керак. Масалан, агар полвон катта кучга эга бўлса, у ҳолда куч ишлатиб бажариладиган усулларни қўллаб ҳал қилувчи ҳужумга ўтиши керак. Агар рақиб ўз ҳаракатларини **тез** ва чаққон бажараётган бўлса, унинг ҳаракатларини ҳамла қилиб куч ишлатиш йўли билан енгиб олиши керак. Агар у кучли бўлса, унинг ҳаракатларини мураккаб ҳужум ҳаракатлари билан енгиш зарур ва ҳоказо. Рақибининг ўзи қандай ҳужум усулларини яхши кўришини билиб олиб, унинг ҳужумига қарши ҳаракатларига тайёр бўлиб туриши керак. Полвон бўйи ўзидан баландроқ рақиб билан кураш тушаётган МҲҲ нинг ҳал қилувчи усуллардан бири оёқдан ушлаб тортиш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат бўлиши керак. Ўзидан кўра бўйи пастроқ полвон билан курашганда унинг ёғидан ушлаб тортиш қийин бўләди, шунинг учун ҳужум елкадан ушлаб силташ ва елкадан ошириб отиш, кўкракдан ошириб отиш ва силтаб партерга ўтказишлар ёрдамида, мувозанатдан чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Курашчи рақиб билан беллашувни амалга ошириш учун олдиндан муайян бир аниқ тактик режасини бел-

гилаб олиш керак. Бунда башарти рақибга нисбатан афзалликка эришиладиган бўлса, ўша мувозанатни беллашув охиригача сақлаб туриш зарур. Мабодо бундай тактика муваффақиятсиз чиқса, у ҳолда эҳтиёт тарзида тайёрлаб қўйилган вариантларни ишга солиб, янги имконият яратилади.

Тактик режа қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

**Беллашувдан мақсад ва унга эришиш йўллари.** Унинг рақиби имкониятларини ҳисобга олган ҳолда чамалаб чиқилади. Чунончи ўзига нисбатан заифроқ бўлган рақиб билан кураш тушаётган полвоннинг мақсади — тўла ғалабага эришиш, кучли рақиб билан кураш тушаётган полвоннинг мақсади эса — очколар бўйича ғалаба қозониш бўлади.

**Техник ҳаракатларни танлаш.** Полвон ўзининг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиб, шундай эпчил ҳаракатлар ва уларни тайёрлаш усуллари (**MХХ**) ни танлайдики, улар кўпроқ даражада белгиланган мақсадга мувофиқ келадиган ҳамда рақиб билан курашда яхши самара берадиган бўлади. Усуллар ва **MХХ** ни рақибнинг заниф томонларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Беллашувни ташкил этишининг умумий кўринишлари шунга олиб келиши керакки, бунда олишувнинг дастлабки давридаёқ полвон ғалабага эришиши ёхуд баллар бўйича афзалликни қўлга киритиши керак.

**Беллашув суръати.** Етарли даражада бардошли бўлмаган, лекин куч ва кураш техникасида ўзидан афзал бўлган рақиб билан кураш туширишни режалаштириши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу яхши тайёргарлик кўрган полвонга беллашувни юкори суръат билан ўtkазиш имконини беради. Бардошли рақиб билан беллашув чоғида полвон ўз куч-қувватини тежаб сарфламоги лозим. Рақибга беллашувни юкори даражада ўtkазиш имконини бермаслик учун унинг ҳаракатларини кийинлаштириши ва айни вақтда ўзи чаққон ҳаракат қилиши ҳамда қарши ҳужумга ўтиши учун пайдо бўлган озгина имкониятдан ҳам фойдаланиб қолишга тайёр бўлиб турмоғи керак.

**Туриш ҳолати ва рақибгача бўлган масофани танлаш.** Туриш ҳолатини ва рақибгача бўлган масофани танлаш чоғида бу нарсалар белгиланган ҳужум ҳаракатларини бажаришга қай даражада ёрдам бериши ҳамда рақиб томонидан унинг «севган» ҳужум усулини қўллашга қай даражада халал бериши мумкинлиги назарда тутилмоғи керак. Кураш даврлари ўртасидаги танаффуслар

вақтида беллашувнинг боришини танқидий кўз билан қараб баҳолаш ва тегишли тузатишлар киритиб бориш, яъни беллашувнинг боришига баҳо бериш, рақибнинг заиф жиҳатларини аниқлаш ҳамда рақибнинг қайси хусусиятларидан эҳтиёт бўлиш кераклигини билиб олиш, курашнинг қолган вақтини қандай ўтказиш зарурлигини белгилаб олиш лозим.

Масалан, курашда афзалликка эришилганидан кейин дарҳол беллашув якуни ҳал бўлади, деб ҳисобламаслик керак. Ҳакамнинг якуний ҳуштак овози эшитилмагунча курашни бўшаштириб юбормай, уни янада кучайтирган маъқул. Курашда енгилаётган рақиб ўзининг бор кучини ишга солиб курашиши ва ўйламасдан ҳужумга ўтиши мумкинлигини ҳисобга олиб, рақибнинг ҳужум ҳаракатларини диққат-эътибор билан кузатиб туриш ва бундай ҳужумга тайёр бўлиб туриш ҳам лозим. Бу вақтда манёвр ишлатиш керак, алдаш ҳаракатлари ва рақиб ҳаракатларини қийинлаштирувчи ушлаб олиш усусларини қўллаш керак. Полвон беллашувда ютказишга кўзи етганда ҳам ҳужум суръатини пасайтирмаслиги керак. У ўз ҳаракатлари билан гўё енгилишга рози бўлганга ўхшамай туриши керак. Сўнгра рақиб учун кутилмаганда «қўзғолиб кетиши» ҳамда мураккаб ҳужум ҳаракатларини амалга ошириши керак.. Бундай ҳаракат курашни унинг фойдасига ҳал бўлишига олиб келмоғи лозим.

Кўпгина мутахассислар спортчиларни фақат техник жиҳатдангина тайёрлашга ўргатиш билан чекланиб қўя қолиши зарур. Амалий фаолият чоғида тренерлар техник усусларни амалга ошириш тактикаси юзасидан тавсиялар бериш кифоядир деб таъкидлайдилар. Яккама-якка олишув тактикасига келганда шуни айтиш керакки, спортчиларни тайёрлашнинг бу бўлимидағи талабларга бевосита мусобақаларни ўтказиш чоғида эришилади. Мусобақалар вақтида тренер берадиган ўрсатмалар ва мусобақадан кейин олишув натижаларини таҳдил қилиш спортчиларнинг тактика соҳасидаги билим доирасини кенгайтиради. Айни маҳалда у фақат назарий материал беради, холос. Бундай услугуб аниқ ўқитиш, таълим бериш билан мустаҳкамланмаган бўлади. Шундай қилиб, мусобақаларда иштирок этиш бугungi кунда таълим беришнинг ҳамда тактик маҳоратни такомиллаштиришнинг ягона таъсирчан усули ҳисобланади.

Олиб борилган бир қанча тадқиқотлар натижасида (Р. А. Пилоян, В. Т. Жаъфаралиев, 1984) бириичи мар-

та полвонлар олишуви қурилишидан иборат тактик ҳаракатлар ажратиб кўрсатилди. Бу ҳаракатлар ёрдамида турли усуллар ва воситалар ёрдамида қўйидаги аниқ вазифаларни амалга ошириш мумкин:

— синов ўтказиш — бунда полвонларнинг катта «сохта» фаоллик кўрсатиб амалга оширадиган ҳаракатлари кўзга ташланади. Олишувнинг дастлабки дақиқалари дай бошлаб усул қўллаш, алдаш ҳаракатларини бажариш, силтаб тортиш, итариб ташлаш, курашга даъват этиш ҳисобига бундай синаш амалга оширилади. Шундан кейинги ҳаракатларни қай даражада амалга оширилишига (ҳаракат амалга оширилганлиги ёки оширилмаганилигига) қараб уларга сифат характеристикаси берилади;

— ҳужумни амалга ошириш — бунда ҳеч қандай олдиндан тайёргарлик кўрмасдан бирданига қўлланалидиган техник ҳужум қилиш усули яққол кўзга ташланниб туради ва у мазкур ҳаракатлар учун характерли хусусият ҳисобланади. Усул қўлланган вақт белгилаб қўйилади. Башарти, унга тайёргарлик кўриладиган бўлса тайёргарлик вақти ҳам белгилаб қўйилади. Ҳар икки ҳолда ҳам усулни тамомлаш вақти ёхуд аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракат усулини ўзгариш вақти белгилаб қўйилади;

— қарши ҳужумга ўтиш — бундай мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароит рақиб томонидан ҳужум ҳаракатлари амалга ошириб турилган пайтда ҳам, шунингдек маҳсус ҳаракатлар билан ҳосил қилинадиган вазиятларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда полвон дастлаб ҳимоя ҳаракатларини амалга оширади, шундан кейин қарши ҳужумга ўтади. Иккинчи ҳолатда эса полвон рақибни муайян усулни қўллашга даъват этувчи ҳаракатларни бажаради ва шундан кейин ҳужумга ўтади. Биринчи ҳолатда ҳимоя ҳаракатларини тугаллаш пайтидан бошлаб то қарши ҳужумга ўтиш техник усулини тугаллашгача бўлган даврда орадан қанча вақт ўтганлиги ҳисобга олинади, иккинчи ҳолатда эса рақибни муайян усул қўллашга даъват этилган дақиқадан бошлаб то усулни поёнига етказмагунича ёки аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат усулини алмаштирилган пайтга қадар ўтган вақт ҳисобга олинади;

— ҳимояни амалга ошириш — ҳимоя ҳаракатлари рақиб томонидан муайян ҳужум ҳаракатларини ўтказиш учун ҳамла қилинган пайтдан бошланади ҳамда ҳимоя ҳаракатларини амалга оширилиши билан, ё бўл-

маса рақиб томонидан ҳужум ҳаракатлари амалга оширилиши билан тугалланади;

— активликни намойиш қилиш — бундай ҳаракатларни бажаришға ахұд қилинган пайтнинг бошланиши тамом бўлиш вақтлари бир оз қоришиб кетган бўлиб, бунга полвоннинг ўзи томонидан аниқлик киритилиши талаб қилинади. Гарчи қунт билан амалга оширилган эксперт таҳлили натижасида бундай дақиқаларни аниқ белгилаб қўйиш мумкин бўлса-да, уни полвоннинг ўзи амалга оширгани маъқулдир. Активлик полвонлар ҳужум қилиш усулларининг дастлабки ҳаракатларини бажаришга киришган вақтдаги силташ, тортиш, алдаш ҳаракатларининг кўплиги билан характерланади. Одатда бундай вақтларда бошланган усулни охирига етказилмайди;

— полвон ўзининг ютиб олган баллари ҳисобига устуникка эришганидан кейин ана шу устуникни сақлаб туриш лозим. Бундай ҳаракат шу билан характерлики, унда курашчи ўз рақибининг ютқазиб қўйган балларни қайтариб олиш учун иложи борича кўпроқ вақт сарфлашга ҳаракат қиласи; Бундай ҳаракатни амалга ошириш чоғида пайт пойлаш ва ҳужум қилиш усулларидан кейин фойдаланилади. Бунда полвон асосан ҳамла қилиш усулини амалга оширади ҳамда рақибини иложсиз ҳолатга солиб то ҳакам курашни тўхтатмагунича ўша ҳолатни сақлаб қолади;

— куч-қувватни тиклаб олиш — бунинг учун полвон итариш, силкитиш, пайт пойлаб чап бериш, қисиб қўйиш сингари усуллардан фойдаланиб, ўз рақибини чекинишга мажбур қиласи ҳамда шу моментдан фойдаланиб чуқур нафас олишни тиклашга ҳамда мускулларни бўшаштириб, уларда қон айланишини кучайтириб олишга ҳаракат қиласи. Бундай ҳолларда рақибнинг ҳужум қилиб қолишидан эҳтиёт бўлиб, уни мумкин қадар ўзидан парироқда ушлаб туришга ҳаракат қилинади;

— ҳамлани кураш тушиладиган гиламнинг четида реализация қилинаётганда ҳужум усули амалга оширилади. Бунда усулни ўтказиш учунгина фақат ҳамла қилиш усули амалга оширилади ҳамда мана шу ҳамла қилиш чоғида спортчи ўз рақибини гиламнинг ўртасига итариб юборади. Бундай ҳаракат ўйин қоидаларига ўзгартишлар киритилиши туфайли мумкин бўлиб қолади. Мана шу ўзгаришларга мувофиқ ҳамлагага ўтган полвон ўз ҳаракатлари билан гиламдан ташқарига чиқиб кетса, унга ютуқ бали бериладиган бўлган, рақибни эса бундай вақтларда огоҳлантириб қўйилади. Мазкур ва-

зифани бажаришга аҳд қилингандан вақтнинг бошланиши усулни ўтказиш учун ҳамла қилиш вақтидан бошлаб то унинг поёнига етказилгунича ёки ҳакамнинг ҳуштаги чалингунича ўтган вақт ҳисобга олинади;

— Хавфли ҳолатни йўқотиш — ушбу ҳаракатнинг бошланиши ва олишув чоғида аниқ равшан кўзга ташланади. Унинг бошланиш пайти хавфли ҳолат вужудга келган пайтдан ҳисобланади ҳамда рақиб енгилиши ёхуд у ана шу хавфли ҳолатдан чиқиб кетиши билан якунланади;

Хавфли ҳолатни йўқотиш — бундай вазифанинг вақт жиҳатидан олинган параметрлари (яъни хавфли ҳолатни амалга оширилгунига қадар унинг йўқотилиши) бундан олдинги ҳаракатлар сингари осонлик билан ҳисобга олинади. Ҳеч қандай мақсадсиз, олишув мусобақаларининг умумий вақтига қўшиб ҳисобланмайдиган беҳуда ўтказилган вақтлар ҳамда муайян бир мақсадни амалга ошириши билан характерланмайдиган вақтлар ортиқча ҳаракатларни кўп миқдорда ишлатилган вақтда, пасивлик қилинганида ҳамда полвонлар бир-бирининг ҳужумга ўтишини пойлаб кутиш ҳолатига тушиб қолган кезларда яққол кўзга ташланади. Бундай вақтларда спортчилар ўз рақибларицинг актив ҳаракат бошлишини кутиб, техник жиҳатдан рақибига боғлиқ бўлиб қолади.

Бироқ, машгулот жараёни мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, полвонлар олишув тузилишини ташкил этган тактик ҳаракатларга етарли эътибор бермасалар, олдиларига кўйган мақсадларига эриша олмайдилар.

Хужум қилувчи, қарши ҳужумга ўтувчи ва ҳимоя ҳаракатларига машгулот вақтида катта қизиқиши бўлишига қарамасдан мусобақалар чоғида улар ғоят кам самара бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, спортчилар тренировкалар чоғида ҳужумга ўтиш, ҳимояланиш ва қарши ҳужумга ўтиш маҳоратини тактик тайёргарлик усуллари билан боғлаб олиб бормайдилар. Бошқача қилиб айтганда, улардан усул қўллангандан кейинги хавфли ҳолатни амалга ошириш ҳаракати сифатида фойдаланмайдилар.

Полвонлар томонидан амалга ошириладиган олишувнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгилар турли малакадаги спортчиларда турлича бўлиб, уларнинг олишув чоғидаги ҳар бир дақиқасини айрим-айрим олиб тадкиқ этилган маълумотлар кураш давомида спортчи ўз кучи ва имкониятларини қай даражада би-

лимдонлик билан тақсим қылгани түғрисида бир фикрга келиш имконини беради.

Анча юқори малакага эришган полвонлар ҳаракатида айрим ҳаракатларни дақиқаларға ажратыб бажаришда муайян бир қонуният мавжудлиги күзга ташланади. Чунончы, олишувнинг дастлабки рақибни синов қилиш, ҳужумга ўтиш, ҳимояланиш ҳаракатларини бажариш мақсадга мувофиқдир, иккинчи минутда — ҳужумга ўтиш, гиламнинг четидан ҳамла қилиш ҳаракатларини амалга ошириш, активликни намойиш қилиш лозим, үчинчи минутда — күч-құвватни тиклаб олишга ҳаракат қилиш, гилам четидаги ҳамла, ҳимояланиш, қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларини амалга ошириш зарур; түртінчи минутда ҳужумга ўтиш, қарши ҳужум қилиш, активликни намойиш қилиш, ҳимояланиш даркор, бешинчи минутда — ҳужумга ўтиш, қарши ҳужум қилиш, гилам четида туриб ҳамла қилиш ҳаракатларини тақрорлаб активликни намойиш қилиш, ҳимояланиш зарур, олтинчи минутда — рақиб устидан устунликка эришилган ҳолатни сақлаб туриб, қарши ҳужумга ўтиш керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, олишув давомида ҳаракатларни бу хилда тақсимлаб чиқилишини у ёки бу полвон эришган устунлик даражасининг ўзгаришига қараб бироз бошқачароқ тартибда амалга ошириш ҳам мүмкін.

Полвонларнинг мусобақалар чоғида олиб борилган тадқиқотлар шуни күрсатадыки, юқори малакали курашчилар учун ҳаракат усуулларининг ҳар хил турларидан фойдаланиш ҳам, бундай усуулларни кураш давомида бир-бири билан доимий тарзда алмаштириб қўлланиш ҳам характерли хусусиятдир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси полвонларни тактик жиҳатдан тайёрлашни индивидуаллаштириш проблемасига бироз бошқачароқ ёндошиш имконини беради. Спортчи томонида мавжуд ҳаракат усуулларининг ҳаммасини эгаллаб олиниши асосий негиз бўлади. Бу эса жисмоний ва маънавий кучларни нисбатан камроқ сарф қилиб курашда ғолибликка эришиш имконини беради. Яккана-якка олишув давомида санаб ўтилган ўнта ҳаракат турини моҳирлик билан ишга солиш ва уларни тақсимлаб чиқиши полвонларни индивидуал тарзда тайёрлаш базаси ҳисобланади. Шунинг учун тактик тайёр-гарликни тақомиллаштиришга доир ишларни уч йўналишда олиб бориш зарур:

— Полвонларни, улар илгари билмаган ҳаракатлар-үргатиш;

— Энг қуладай воситалар ва усуллардан танлаб фойдаланиш (харакат операциясининг таркиби), полвоннинг ўзига хос бўлган психологик, морфологик ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳар бир ҳаракатини тўғри тақсимланишига эришиш лозим;

— Рақибнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кураш давомида ҳийлали ҳаракатларниг турли комбинацияларини шакллантириб бориш керак.

Дастлабки икки вазифани ҳал қилиш учун қўйидаги амалий усуллардан фойдаланиш мумкин: дарснинг тайёргарлиқ қисмига умумий ривожлантирувчи машқлардан ташқари, яна ўйин тарзидаги яккама-якка олишувнинг тез ўзгариб турадиган шароитида полвонларни тактик вазифаларни ўз вақтида бажариш, муаммоларни ҳал қилишили қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган тиришқоқлик — тақлид қилиш ҳамда ўйин шаклидаги машқларни ҳам киритиш лозим.

**Курашчи кафтини ўз шеригининг товонига теккизиш учун курашиш ўйини.** Бу ўйинда полвонлар жуфт-жуфт бўлиб гилам устида саф тортадилар. Бунда улар ўз кафтларини рақибнинг товонига теккизишга ҳаракат қиласидилар ва айни маҳалда рақибга ўз товонларини узатмасликка интиладилар. Ўйин вақтида: машқ қилиш, қўрқитиши, чўчиши, иргаб сакраш, алдаш ҳаракатларини бажариш сингари барча усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу машқ диққатни бир нуқтага жамлаб ҳаракат қилиш вақтида мураккаб, тез ўзгарадиган кураш вазиятида тўғри мўлжал олиш қобилиятини ривожлантиради. Бу ўйиндан аниқлаш ўтказиш, куч-куватни тиклаб олиш, активликни намойиш қилиш вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

**«Бекинмачоқ» ўйини.** Бунда полвонлар ўз оёқларининг учини рақибнинг товонидан илдириш ва қоқма бернига ҳаракат қиласиди. Бунда у қўлларини белига қўйиб туриши керак. Бу машқ диққатни бир нуқтага қўйини маҳоратини оширишга ёрдам беради ҳамда полвонларда ўз рақибидан олдинроқ ҳаракат қилиш маҳоратини ўстиради.

**Рақиб қўлларини қисиб қўйиш учун кураш.** Бунда полвонлар жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирларига рӯпара бўлиб турадилар ҳамда рақибнинг бир ёки икки қўлинини ушлаб олишга ҳаракат қиласидилар. Ушлаб олгач, уни иложи борича узокроқ муддат ичидаги қўйиб юбормасликка интиладилар. Бу машқни бажариш чогида ир-

Ришлаб сакраш, ўнг ва чап томонларга энгашиб ҳарақат қилиш ҳамда рақибни мувозанат ҳолатидан чиқариб юбориш сингари ҳаракат усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу машқ полвонни муҳим масалани ҳал этишга, яъни ўзининг рақибдан афзаллик томонларини сақлаб қолиш ҳамда рақибнинг куч ишлатиб амалга оширадиган ҳаракатларига қарши бардош билан курашиш масаласини ҳал қилишга тайёрлади.

**Майдон устунлигига эришиш учун кураш.** Полвонлар кураш майдонининг маълум қисмида жойлашиб олиб, бир-бирини шу ажратилган жойнинг чегараларидан ташқарига итариб чиқаришга ҳаракат қиласилар. Бунда барча тактик усулларни қўллашга рухсат этилади. Бундай машғулот полвонларни рақибнинг турли алдаши ҳаракатларига қаршилик кўрсатишга ўргатади. У гилам чеккасида рақибни ушлаб олиш, активлик кўрсатиши каби мақсадларда қўлланиши мумкин.

Ўқув-амалда қўллаш машғулотининг асосий қисмida тактик масалани ҳал этиш воситаси ва усулларини ўргатиш ҳамда такомиллаштириш тавсия этилади. Бунда берилган топшириқни қандай бажариш ҳолатлари қўлланилади. Шунингдек, жаҳондаги энг кучли полвонларнинг кураши ёзib олинган видеомагнитофонлардан кенг фойдаланиш маслаҳат берилади. Сўнгра томоша қилинган видеомагнитофон ёзувлари таҳлил этилади ҳамда аниқ вазифаларни ҳал қўлишида бу усуллардан фойдаланиш йўллари таҳлил этилади. Айни маҳалда полвонлар олишувини таҳлил қилиб, улар томонидан йўл қўйилган хатолар аниқланади ва йўқотилади. Полвонлар томонидан қанчалик кўп усуллар ва воситалар ўрганилса, мусобақа вақтида шунчалик кўпроқ билим-донлик билан тез ва самарали фойдаланадиган бўладилар. Полвонларнинг яккама-якка олишув мусобақаларини, турли малакадаги полвонлар олишувини таҳлил қила олиш қобилиятини ривожлантириб бориш натижасида спортчининг ўзи ҳар хил кутилмаган вазиятлардан тўғри йўл топиб чиқа оладиган бўлади.

Иккинчи масалани ҳал қилиш жараёнида полвонлар олдига шундай вазифа қўйиш керак: рақибнинг ўз олдига қўйган мақсадиди, аниқлаш, вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш усулларини қидириб топиш, олишув чоғида рақиб қандай йўл тутишини аниқлаш мақсадида синов ўтказилади. Синовни рақибнинг курашга даъват этиш, ёлғон ҳаракатларни бажариш, алдаш орқали амалга ошириш мумкин.

Гилам четида туриб полвонни ушлаб олиш усули

мукаммаллиги учун бериладиган баллни қўлга киритиш ва яхши уюштирилган қарши ҳужум ёки ҳимояни хавфхатарсиз олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Уни ҳамла қилиш, ҳийла қилиш, кескин ҳаракатлар билан рақибни ўзидан нари итариш орқали бажариши ҳам мумкин.

Қўлга киритилган устунлик ҳолатини сақлаб туриш, баллар жиҳатидан рақибдан ортиқ бўлишни иложи борича қўпроқ муддат ушлаб туришни, бу вақт ичida огоҳлантириш олмасликни ҳамда бирорта ҳам балл юғқазиб қўймасликни назарда тутади. Бу вазифа ҳамла қилиш ва ҳимояланиш ҳаракатлари орқали рақибни қисиб қўйиш, кучини чамалаш, уни гиламдан ташқарига итариб чиқариш орқали амалга оширилади.

Полвонлар ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш учун куч-гайрат сарфлайдилар. Шунинг учун ҳам улар рақибга ҳамда ҳакамга билдириласдан олишув давомида дам олишга мажбур бўлиб қоладилар. Бу вазифани ҳужум ҳаракатларини тўлиқ амалга ошириласдан, балки рақиб гавдасининг бирор жойидан ушлаб олиш учунгина усул қўллаши, ҳимоя ҳаракатларини бажариш ҳамда рақибни қисиб қўйиш, синовли ҳужум қилиш орқали бажариш мумкин.

Мусобақаларнинг янги қоидаларига биноан сусткашлиги учун огоҳлантириш олган полвон партер ҳолатига ўтказилади. Бу эса униг рақибига бироз устунликка эга бўлиш имконини беради. Айрим ҳолларда бунинг учун уни олишувдан ҳам маҳрум этилиши ва огоҳлантириш олган полвон курашда ютқазган деб топилиши ҳам мумкин. Устунликка ҳужум қилиш йўли билан, рақибни қисиб қўйиш ва довдиратиб қўйиш йўли билан эришини мумкин.

Полвон хавфли вазиятни амалга оширгач, мазкур вазифани такомиллашган тарзда эгаллаб олган полвонлар олишувни ҳатто муддатидан илгари тамомлаш имкониятига ҳам эга бўладилар. Бироқ қўпчилик полвонлар мазкур вазифани муваффақиятли равишда амалга оширилган ҳужум қилиш ва қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларини қўп ҳолларда ниҳоясига еткиза олмайдилар. Шунинг учун ҳам машғулотлар вақтида ҳамла қилиш усуллари қарши ҳужумга ўтиш ва рақибнинг тушкин ҳолатига тушиб қолгунига қадар ҳужум ҳамда ҳимояланиш комбинацияларини такомиллаштириб бориши лозим.

Юқоридаги таъкидга эътибор берилган ҳолдагина тасодифан ютқазиб қўйиш ҳодисаларининг олдини ола-

ди. Машқ жараёнларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдички, полвонлар мазкур ҳаракатнинг ўзини яхши бажариб кўрсатадилару, лекин мусобақалар чоғида уни қўллашда шошиб қоладилар ёки уни шу қадар кўп куч сарфлаб, зўриқиб бажарадиларки, натижада ҳолдан тойиз бундан буён курашишга кучлари қолмайди.

Ҳамла қилиш усулини унинг ҳужумга ўтиш, ҳимояланиш, қарши ҳужум қўллаш, кўприк ясад қаршилик кўрсатиш, синаб кўриш, ниқобланиш, тортиш-силташ, алдаш, кетма-кет алдаш, ёлғон ҳаракатлар қилиш сингари хилма-хил турларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Машқлар чоғида полвонларни ҳамла қилиш ҳаракатларига тайёрлаш ва уни ўтказиш усувларини такомиллаштириб бориш зарур. Жумладан, кўприк ясад қаршилик кўрсатиш ва кейин ҳамла ҳаракатларининг сўнгги қисмини такомиллаштириб бориш, бу ҳаракат муваффақиятсиз чиққан тақдирда эса, худди мана шу ушлаб олиш техник усулини бошқачароқ усулини қўллаб кўриш керак. Агар полвонларнинг ҳар иккаласи ҳам партер ҳолатига тушиб қолган ва мўлжалланган техник усулини тўла амалга ошириш мумкин бўлмай қолган ҳолларда эса дарҳол партер пайтида қўлланиши зарур бўлган усувларни бажаришга киришиш лозим.

Қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларнинг амалга оширилиши рақиб томонидан ушлаб олиш усулини қўллангач, унга қарши ҳужум қўллашга, рақиб томонидан тўла бўлмаган ҳужум қилиш усули қўлланган вақтда қарши ҳужумга ўтиб, рақиб томонидан ҳужум қилиш усулини муваффақиятли тарзда қўлланганидан кейин эса қарши ҳужумга ўтиш имконини беради.

Ҳимоя қилиш усулини амалга ошириш (бу усулининг ҳаракатларини мазкур ҳаракатлар то автоматизм даражасига етказилгунича такомиллаштирилиб борилиши) полвон ўзига қарши ҳужум қилиш эҳтимоли бўлмайдиган даражада қолиш ҳамда рақибнинг ҳужумига жавобан ҳимояни ташкил этиш, рақибни курашга даъват этиш, алдаш, кетма-кет алдаш ҳамда ҳимоя ва ҳужум қилишнинг техник услубларини қўллаган вақтда, унга жавобан ҳимоя усувларини ишга солиш, бунинг учун ҳавфли ҳолатни бартараф қилиш, қарши ҳужумга ўтиш, силтаб-тортиш, ёлғон ҳаракатлар қилиш, рақибни ўзидан итариш, уни қисиб қўйиш сингари усувларни ишга солиш имконини беради.

Яккама-якка олишув воситалари ва усувларини ўр-

Ганиш машғулотлари давомида такомиллаштириб бориши құйидаги күрсатма бүйіча үтказиш мүмкін: дастлаб аниқ ҳаракатни бартараф қилишдан кутилган мақсад изохлаб берилади, яккама-якка олишув воситалари ва усулларини аниқлаб олиш учун ҳамда полвонлар йўл қўйган хатоларни йўқотиш учун СССР даги энг кучли полвонлар билан үтказилган кураш тұғрисидаги видеомагнитофон ёзувларини кўриб таҳлил қилинади, ҳар бир аниқ вазифани ҳал қилишинг воситалари ва усуллари ўрганиб такомиллаштириб борилади, ўқув-чиңишиш машғулотлари жараёнида ҳаракат кўникмалари такомиллаштириб борилади.

Ўқув-ўрганиш олишувларини таълим олаётган кишиларнинг малакасига мувофиқ келадиган тарзда ташкил этиш керак. Бунга мисол келтирамиз.

*Биринчи топшириқ.* Мақсад ва воситани аниқлаб олиш, бунга эришиш учун рақиб томонидан қўлланадиган усулларни аниқлаш лозим (бунда икки баллдан кўп ютқазиш мүмкін эмас, деб мўлжал олинади). Иккинчи полвонга курашда фақат ютиб чиқиш топшириги берилади.

Воситалар: чўчитиш, курашга даъват этиш, мувозаиат ҳолатидан чиқарини, ҳимоя қилиш, қарши ҳужумга ўтиш.

Мақсад: разведка қилиш ҳаракатларини такомиллаштириш.

Олишув формуласи: олишувни икки даврга бўлиб, упинг ҳар бирига бир минутдан вақт берилади. Полвоннинг олишувдан кейинги берган ҳисоботи курашга баҳо берини учун бир мезон бўлади.

*Иккинчи топшириқ.* Биринчи полвон «соф» галабага эришмоғи ёхуд муайян баллар миқдорини қўлга киритиши лозим, иккинчи полвон эса бунга қарши усуллар қўллаши ёки ўзини-ўзи ҳимоя қилиши керак (бу қайси кураш ҳаракатини такомиллаштирилаётганлигига боғлиқ бўлади). Полвонларнинг олишув олдидан қандай ҳолатда туриши кераклиги кўрсатиб берилади. Масалан, биринчи полвон ўз рақибининг оёғидан ушлаб олиш усулини амалга ошираётган, бунда бошини баланд кўтариб турган ҳолатда бўлади. Эксперимент тажриба үтказаётган тренернинг кўрсатмаси бўйича ҳар бир полвон ўз олдига қўйилган вазифани бажаради. Мазкур олишувда ҳужумга ўтиш, ҳимояланиш ва қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатлари такомиллаштириб борилади.

Бундай машғулотлардан барча тактик ҳаракатларни

такомиллаштириш учун фойдаланиш мумкин. Бунда пайдо бўлган муаммоларни спортчининг жисмоний сифатларини (кучини, чаққонлигини, чидамлилигини, эпчилигини) ҳамда техник жиҳатдан қай даражада тайёргарлик кўрганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш воситалари ва усулларига, шунингдек тактик машғулотлар чоғида тажриба ва билимларни эгаллаш мақсадида аниқ шароитларда юқори малакали полвонлар фойдаланган усулларни ўрганишга асосий эътиборни қаратилиди.

Кўпчилик мутахассисларниң фикрига қараганда спортчининг тактик маҳорати кўп жиҳатдан унинг тез ўзгарамадиган шароитларда мўлжал ола билишига, мусобақалар вақтида ўзини тута билиш қобилиятига боғлик бўлади. Шунинг учун ҳам машғулотларга муайян вазиятларни ҳамда мусобақа шароитини вужудга келтирадиган машқларни киритиш ва уларни юқори суръат билан амалга ошириш керак.

Бундан ҳам муҳимроқ бўлган яна бир омил — бу спортчининг яққол кўзга ташланиб турган чарчаш ҳолатида таклиф этилган ҳар қандай вазифани ҳал қилишга тайёр бўлиб туриш қобилиятидир. Тренировкаларда ача шу масалага ҳам катта эътибор берилиши керак. Бундан ташқари бўйи турли хил бўлган рақиблар кураш тушаётган вақтда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қила олиш маҳоратига ҳам эътибор бериш зарур.

Хужум қилинаётган вақтдаги ҳаракатлар самарадорлигининг кўлами спортчининг тактик маҳоратига (унинг турли мусобақа воситаларида ёки яккана-якка олишув чоғида пайдо бўладиган муаммоларни муваффақиятли равишда ҳал қила олиш қобилияти) асосий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунончи, Н. М. Галковскийнинг маълумотлари бўйича, мусобақаларда муваффақиятга эришиш учун полвон ўзига ажратилган вақтнинг 60 процентини ҳужум қилиш ва ҳимояланиш усулларига сарф қилиши керак. Қолган бошқа тактик ҳаракатларни баҳолашда уларниң амалга оширилиш проценти мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига қараб шуни таъкидлаш мумкинки, спортчилар мусобақаларда голиб чиқиш учун 70 фоиз разведка ҳаракатларини, 60 фоиз рақиби ушлаб олиш ҳаракатларини, 60 фоиз активликни намойиш этиш ҳаракатларини, 100 фоиз хавфли ҳолатни амалга ошириш ҳаракатларини, 60 фоиз қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларини, 80 фоиз устунликни сақлаб қолиши

ҳаракатларини, 80 фоиз күч-қувватни тиклаб олиш ҳаракатларини, 100 фоиз хавфли ҳолатни йўқотиш ҳаракатларини амалга ошириши лозим.

Учинчи вазифани ҳал қилиш учун илгари фойдаланилган методик усуллардан ташқари яна машғулотнинг асосий қисмига ўтишдан олдин кучли полвонлар мусобақа чоғида ишлатган усулларни яна бир бор томоша қилиш ҳамда бу ҳаракатларни таҳлил этиб кўриш, бунда бир полвонни иккинчисидан ажратиб турадиган фарқларни ва характерли белгиларни алоҳида кўрсатиш ҳамда яккама-якка олишувни ўтказиш учун тактика режасини тузиб чиқилаётган вақтда ана шу тажрибага таяниш зарур. Шундан кейин полвонлар олишув режасини тузадилар ва уни тренерга маълум қиласидилар ҳамда турли хил усулда кураш тушиш усулларини қўлланган ҳолда ўқув-тренировка тарзидаги курашга киришадилар. Кураш тугагач, унинг натижаларини таҳлил қиласидилар. Шунингдек, тақдим этиладиган материални мумкин қадар тўлароқ идрок этишга ёрдам берадиган топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўқув-тренировка олишувларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим.

**Биринчи топшириқ.** Икки минут давомида тик туриб олишиши. Бунда ҳар иккала полвон ҳам мумкин қадар кўпроқ балл олишга ҳаракат қилишлари керак. Бир минут вақт — партерда турищ учун берилади. Бунда биринчи полвон юқорида, иккинчisi — пастида бўлади. Биринчи полвон қандайдир бир ҳужум ҳаракатини ёки ҳужум ҳаракатларида иборат комбинацияни бажарди, иккинчи полвон эса пастан юқорига чиқиб олишга ва курашни юқорида туриб давом эттиришга, ё бўлмаса, ўзи эришган устунликни сақлаб қолишга ҳаракат қиласиди. Сўнгра ҳар иккала полвон тик турган ҳолда кураш бошлайдилар: биринчи полвон икки минут давомида устунликни ўз қўлида сақлаб туриши керак, иккинчи полвон актив қаршилик кўрсатиши зарур. Шундан кейин полвонлар ўз ролларини алмаштирадилар (яъни иккинчи полвон партерда юқоридан, биринчи полвон эса пастан ҳаракат қиласиди), уларга бериладиган топшириқлар ҳам бажарилган биринчи топшириқларнинг тескариси, аксинча бўлади, яъни олишув формуласи қўйидаги тартибда ўтказилади: тик туриб олишувга икки минут партер ҳолатидаги олишувга эса бир минут вақт берилади; «кўприк» ҳолатини эгаллашга бир минут вақт берилади, партер ҳолатидаги олишувга бир минут, «кўприк» шаклида туриб олишувга бир минут вақт берилади.

*Иккинчи топшириқ.* Учта полвон ўртага чиқиб ўқув-тренировка машғулоти ўтказадилар. Биринчи, иккинчи полвонлар икки минут тик туриб олишадилар, биринчи, учинчи полвонлар «күпприк» шаклида бир минуг, учинчи, иккинчи полвонлар — тик туриш ҳолатида икки минут давомида олишадилар, иккинчи, биринчи полвонлар — «күпприк» шаклида бир минут, биринчи, учинчи полвонлар — партер тарзида бир минут давомида, учинчи ва иккинчи полвонлар икки минут давомида тик турган ҳолда олишадилар.

Топшириқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: синов ўтказиш тўрт балл ютиш, устунликни сақлаб туриш, фақат ҳимояланиш, ўзини ҳимоя қилиш ва қарши ҳужумга ўтиш, куч-қувватни тиклаб олиш, «күпприк»ни босиб тушириш, «күпприк» ҳолатидан чиқиб кетиш, активликни намойиш этиш, гилам чекасида рақибни ушлаб олиш усулини амалга ошириш.

Яккама-якка олишув жараёнида рақиблар алмаштириб туриладиган ўқув тренировка машғулотларига катта эътибор бериш зарур. Бу спортчиларда улар учун ғоят қимматли бўлган фазилатни — яккама-якка олишув чогида рақиб ўз тактикасини ўзгартирган ҳолларда, ўз кураш тактикасини қайта қура олиш маҳоратини ривожлантиришга ёрдам беради. Бунда, спортчи учун кутилмагандан, олишувнинг истаган бир дақиқасида рақибни алмаштириб қўйилиши мумкин. Масалан, биринчи ва иккинчи полвонлар ўқув-тренировка курашини ўтказадилар. Орадан бир минуту 20 секунд ўтганидан кейин, бу пайтда полвонлар қандай ҳолатни эгаллаб турганиклиаридан қатъи назар, олишув тўхтатилади ҳамда учинчи ва тўртинчи полвонлар курашга жалб этилади, яъни гиламда энди икки жуфт полвон бўлади: биринчи жуфт — биринчи ва учинчи полвон, иккинчи жуфт — иккинчи ва тўртинчи полвонлардан иборат бўлади. Орадан бир минут ўтганидан кейин полвонларнинг шериклари яна алмаштирилади. Тактик ҳаракатларни амалга ошириш чоғидаги самарадорлик ҳамда ўша ҳаракатларни олишувнинг ҳар бир минутига нисбатан тақсимлаб чиқилиши спортчилар томонидан кураш тушиш тактикаси қандай ўтказилаётганлигига бериладиган баҳо учун мезон бўлиши мумкин.

**Мусобақаларда қатнашиш тактикаси.** Умуман полвонларнинг вазни торозида тортилиб аниқланганидан кейин мусобақага қатнашиш учун рухсат берилган мусобақанинг ўтказиш тактикаси белгилаб чиқилади. Бу ишлар рақиблар состави аниқланганидан кейин ҳам

кўм-ким билан кураш тушиши аниқланиб, яқин орада беллашадиган жуфтликлар тузиб чиқилганидан кейин бажарилади. Шундан кейин ҳар бир учрашувнинг мақсади белгилаб чиқилади. Бундай мусобақаларда тахминан полвон кетма-кет икки марта ютқазиб қўйганидан кейин турнир жадвалида муайян бир ўринни эгаллаши (униг рақиблари бу олишувда қандай мавқеда турганлиги) белгилаб олинади. Бунда полвон қайси курашда соғ ғалабага эришиши кераклиги, қайси олишувда очколарни қўлга киритиши кифоя эканлигини ҳам белгилаб олинади. Тактик жиҳатдан тўғри ҳаракат қилиш учун ҳар бир беллашувдан кейин турнирдаги ўз ҳолатини ва рақиб қандай ўринда турганлигини баҳолаб бориши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир полвон ўз вазнидаги полвонлар билан ўтказиладиган мусобақалар жадвалини тузиб олиши ва уни тўлдириб бориши керак.

Иштирокчилар кўп (20 нафардан зиёд) бўлган мусобақаларда финалга илиниш учун спортчи кам деганда олти марта кураш тушмоғи керак. Турнирдаги ғоят катта зўриқиши ҳисобга олиб полвон беллашувлар орасидаги танаффусларда ўзининг жисмоний куч-кувватини ва психик қобилиятини яхшироқ тиклаб олиши, ҳаддан ташқари жисмоний ва асабий зўриқиши талаб қилинадиган ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши керак. Командалар бўйича мусобақаларда тренер ҳар бир учрашув учун алоҳида амалий режалар тузиб чиқади. Шунга мувофиқ у мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси олдига муайян бир вазифа — соғ ғалабага эришиш, яққол кўзга ташланниб турган устунликка эришиш ёки очколар бўйича ғолиб чиқиш вазифасини қўяди.

Ҳал қилувчи мусобақаларида полвон фақат бир марта беллашиш имкониятига эга бўлади ва у бутун техникавий ва амалий маҳоратидан фойдаланиб, психологик ва жисмоний тайёргарлигини ишга солиб, мусобақада ютиб чиқиши ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Полвонларнинг энг муҳим амалий воситаларидан бири синаш ҳисобланади. Синаш мусобақалар олдидан ўтказиладиган машқ машғулотларида ҳам, бевосита мусобақалар давомида ҳам ўтказиш мумкин. Мусобақалар олдидан ўтказиладиган сипаш учрашув тўғрисидаги қоидаларни, мусобақа мақсадини, миқёсини, характеристики (турнир ёки матч мусобақалари эканлигини), уни ўтказиш усулларини, мусобақани баҳолашнинг айrim ўзига хос хусусиятларини, мусобақа ўтказиладиган вақт ва жойни аниқлаб олишини назарда тутади. Полвон ўзи билан кураш тушадиган рақибининг аниқ курашга қай

даражада тайёргарлик күрганлиги түғрисида: унинг техник-тактик тайёргарлиги, үзи яхши күриб тез-тез қўллайдиган усуллари, қандай ҳолатда (тик туриб ёки партер ҳолатида) туриб курашишни маъқул кўришини, қайси усулларни қўллаганда ютиб чиқиши ва қайси усулларни қўллаб ютқазганлиги түғрисидаги маълумотларни олдиндан билиб олган бўлиши керак. Полвон ва тренер бундай маълумотларни матбуот хабарларидан, киносъёмкалар ва видеозапись ёзувларидан илгари шу полвон билан кураш тушган кишиларнинг маълумотларидан билиб оладилар. Тренер муайян рақиб учун картотека очиб, уни тўлдириб бориши керак. Картотекага бўлажак рақибнинг жисмоний ва техник тайёргарлиги түғрисидаги ҳамда унинг ривожланиш динамикаси ҳақидаги маълумотлар ёзив борилади. Ўша рақиб бошқа полвонлар билан кураш тушаётган вақтда қандай ҳаракатлар қилаётганлигини кузатиб туриш ҳам анчагина маълумот бериши мумкин.

Олишув давомида ўтказиладиган синаш вақтида ҳаммадан кўра кўпроқ, рақибнинг тайёргарлиги түғрисида анча аниқроқ маълумотлар олиш мумкин. Синаши асосан беллашув бошланган пайтда ўтказилади ва у рақибнинг қандай усуллардан фойдаланишини, қарши ҳужумга қандай ўтишини, унинг тактик тайёргарлик усулларини, тезлик суръатини, кучи ва чидамлилигини аниқлашга қаратилган бўлади. Буни аниқлаш учун рақибни курашга даъват этиш, рақиб у ёки бу приёмни қўллаб ҳужумга ўтиш учун унга атайн қулай шартшароитларни яратиб кўриш лозим. Рақибнинг жавоб реакцияси қандай бўлишини аниқлаш учун турли хил ёлғон ҳужум ҳаракатларини қилиб кўриш ва айни маҳалда рақибнинг қарши ҳужумга ўтишига тайёр турган ҳолда ҳимоя чораларини кўриб қўйиши керак. Рақибнинг ҳужумга ўтиш усулларини аниқлаш учун маневр қилиб кўриш (туриш ҳолатини ўзгартириш, рақибдан чекиниб нари кетиш ва унга яқинлашиб келиш, рақиб атрофида ҳаракат қилиш ва бошқа шу сингари ҳаракатларни амалга ошириб кўриш) мумкин.

Гилам устидаги ҳолатни ўзгартириш, унинг марказида ёки четида туриб курашиб кўриш ҳам синов мақсадларига хизмат қилиши мумкин. У рақибнинг қандай ҳолатда ва гиламнинг қаерида туриб курашишни афзал кўришини, уни қандай қилиб амалга оширилган ҳужум ҳаракатлари ёки ҳимоя қилиш усулларини қўллаб енгиз мумкинлигини аниклаб олиш имконини беради. Рақиб түғрисида ҳар сафар учрашганда у ҳақда янги-

дан маълумот тўплай бошлаш тўғри бўлмайди. Бунинг ўрнига ўша рақиб билан бундан олдинги учрашувларда у ҳақда тўпланган маълумотлардан фойдаланиш ва умуман ҳар бир полвон ўзи кураш тушиши эҳтимол тутилган рақиблар тўғрисида, унинг тайёргарлик дарајаси ҳақида маълумотларга эга бўлиш қерак.

Синашдан ташқари яна бир муҳим усул амалий ҳаракатни бекитиш ҳисобланади. Маҳоратини сир сақлаш — бу полвоннинг амалий ҳаракат усули бўлиб, ёш полвон курашда ўзининг асл мақсади нима эканлигини рақибдан яширади, рақибнинг синааб кўришига тўсқинлик қиласди. Моҳирлик билан ташкил этилган бекитишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан полвоннинг шахсий омилкорлигига боғлиқ бўлади. Чунопчи, полвон ўз рақибини алдаш мақсадида тез-тез халлослаб нафас олиб қаттиқ чарчаган киши ҳолатига тушиши ва ҳаракатларини ҳолдан тойган даражада зўрга бажариши мумкин. Айни маҳалда у «портлашга» — бирдан кескин ҳужум ҳаракатларини амалга оширишга тайёр бўлиб туриши керак. Ўзидан заифроқ рақиблар билан кураш тушганда полвон эҳтиёт қилиб асраб юрадиган «шоҳона» усулларини — энг зўр кураш усулларини ишлатмай, балки иккинчи даражали усулларни ишлатиб голиб чиқишиг ҳаракат қилмоғи керак.

## ПОЛВОННИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Ўсмирлик ёшида жисмоний тайёргарлик тўғри, хушбичим қоматни шакллантириш, ҳаракат малакалари ҳосил қилиш, ҳар томонлама жисмоний ривожланиши ҳамда курашдаги амалий ҳаракатларни эгаллаш учун зарур бўлган жисмоний фазилатларни ривожлантириш сингари тадбирларни ўз ичига олади. Ўсмирнинг 12—14 ёшлирида уни тез югуришга, чақонлик ва эпчиликка ўргатиш, 15—16 ёшлардан бошлаб эса кунч-қувватни ҳамда тезлик, кучлилик қобилиятларини ривожлантиришга киришиш мақсадга мувофиқдир. 16—18 ёшдан бошлаб куч ва тезликни кўпроқ талаб қиладиган машклар осонроқ ўзлаштирилади, чидамлиликни ривожлантириш учун имкониятлар яратилади. Ёш полвонларни жисмоний жиҳатдан тайёрлаш жараёнида мана шу ҳолатни ҳисобга олиш зарур.

Чидамлиликни бошқа жисмоний фазилатлар билан бирга ривожлантириб бориш қерак. Профессор В. П. Филин (1980) бундай деб таъкидлайди: «Бу ёнда узоқ муддат ва бир ёқлама тренировка билан шуғулланиб

Чидамлиликни оширишга ҳаракат қилиш шу ёшдаги ўсмирларга хос бўлган тезлик қўшимча ҳаракатларга яхши мослашиб кетиш имкониятини пасайтиради».

12—15 ёшлардаги ўсмирларда куч-қувватни ривожлантириш асосан уларнинг ўз гавдаси массасини мустаҳкамлаш машқлари ёрдамида, ичига ҳаво тўлдирилган коптолклар, гантеллар, гимнастика таёқчасини ўз рўпарасидаги (турли вазндан) шериги билан тортишиш машқлари, гимнастик қурилмаларда ўтказиладиган машқлар ёрдамида амалга оширилади. Оғир юкларни кўтариб бажариладиган машқлар учун турли катталикдаги тошлар ва щтангалардан фойдаланилади.

16—18 ёшдаги полвонлар бажариладиган куч-қувватни ривожлантириш машқлари маҳсус қурилмалари тошларнинг оғирлигини ошириш ҳисобига, дастлабки ҳолатни ўзгартириш, машқларни бажариш учун ажратилган вақтни кўпайтириш, машқларни бажариш вақтидаги дам олиш учун ажратилган танаффус вақтини камайтириш ҳисобига мураккаблаштириб борилади.

Кичикроқ ёшдаги ўсмирларни чиниқтириш машқларини айниқса эҳтиёткорлик билан ўзгартириш керак (машқларни ўртача зўриқиши даражасида ўтказиш, вазнни ҳам кичик-кичик дозаларда ошириб бориш ёхуд ўқув-тренировка машқлари чоғида дам олиш учун тез-тез танаффус эълон қилиб туриш лозим). Ўсмирлар тайинланган қўшимча топшириқларга ўрганиб борган сари дам олиш учун мўлжалланган танаффуслар сони қисқартириб борилади. Масалан, тик туриб бажариладиган 2+2 тартибидаги (хужум ва ҳимояни алмаштириб туриш тарзидаги) кураш чоғида бериладиган уч минутлик танаффус вақтини аста-секин бир минутга қадар қисқартирилади. 2+2 тартибидаги шерикларни алмаштириб, партер усулида ўтказиладиган машқ машғулотлари орасидаги бир минутлик танаффусдан кейин чиниқиши машқларининг вақти 3+3 га қадар оширилади.

Шундан кейин кураш суръатини яна ҳам тезлаштириш мумкин. Чидамлиликни ривожлантириш учун чегараланган кичик майдонда кураш ташкил этилиб полвонга бир томонлама қаршилик кўрсатилади (яъни бир полвон фақат ҳужум қиласи, иккинчиси эса фақат ҳимоя қиласи), шерикларининг бири партер ҳолатидан юқорига чиқиб олади ёки тик туриш ҳолатини эгаллайди. Бундай машқлар полвонларни оғир аҳволдан қутулиб чиқиши ҳолларини қидириб топишга ўргатади.

Професор В. П. Филин олиб борган тадқиқотлар

шуни күрсатдикі, ўсмир 13 ёшга тұлғанидан бошлаб, унинг бүгімларыда ҳаракатчанликка мойил бұлган хусусиятларнинг янги бир даври бошланади, 15 ёшга ет-ған болада бу хусусият әңг юқори күрсаткічға зға бұлади.., 16—17 ёшларға бориб ҳаракатчанликка хос күрсаткічлар камаяди, шу муносабат билан катта ўсмир ёшдаги болалар билан бүгімларда әтилувчанлик, букилувчанлик ва ҳаракатчанлик хусусиятларини ўстиралиған машқларни бажарыш шарт бұлади.

12—18 ёшда бүгімларни букилувчан ва ҳаракатчан қыладыған машқларни, предмет билан, предметларсиз фаол-пассив қарастырылғандағы машқларни бажарилади. Бу машқларни бажарғанда предметлер оғирлигини астасекин ошириб борилади (машқлар гимнастика таёқчаси, гантеллар ва түплар билан бажарилади) ё бұлмаса ҳаракатлар амплитудасини аста-секин ошириб борувчи шериклар ёрдамида бажарилади. Шунингдек, қоматни күпроқ даражада ҳұшбичим қыладыған машқлар ҳам катта ёшлиларға қараганда ўсмирлар билан күпроқ ўтказылади.

Шундай қилиб, жуда күп воситаларнинг құлланилиши ўсмирларнинг ұзындығын тағайындағанда жисмоний тайёрғарлық қүришини таъминлайды. Кичик ёшдаги ўсмирлар билан күпинча үйин методи билан ўтказыладыған машқлардан фойдаланыб, машғулотларни хилма-хил шаклда ва эмоционал тарзда ташкыл этилади. Барча машқлар машғулотнинг асосий шакли бұлған дарс пайтида бұлади. Еш полвонларни жисмоний жиҳатдан аник мақсадни құзлаған қолда тайёрлаб борищ учун кураш бүйіча үқув чиниқиши жарапында сафланиш машқлари (сафға туриш, күрсатмаларни бажарып, қадамлаб юриш ва ютуруп машқлары) бажарилади. Кураш бүйіча бундай машғулотларни ташкил этишдан кутилған мақсад ўсмирларда түғри ўсған қадді-қоматни шакллантириш, интизомни, ұзаро мұлоқотни ҳамда фаолияттегі тарбиялашдан иборатдир. Сафланиш машқларында дарснинг кириш қисміда, тайёрғарлық қисміда ҳамда якунловчы қисміда бажарилади. Бу машқларни группап ташкил этиш, уни сафға тишиш ва қайтадан сафлаш учун, шунингдек құшимча машғулотлардан кейин организмни тинчлантириш учун бажарилади.

Гимнастик ҳаракатдаги оддий машқлар (құллар, оёқлар билан ҳаракатланиш, гавданы оғир юқ күтаришта мажбур қилиб ва юқ күтартмасдан, предметлер билан ёки предметларсиз ҳаракатлантириш, шериклар билан биргаликда бажарыладыған машқларни амалға оши-

риш) ҳамда спортнинг оғир атлетика, эшкак әшиш, спорт ўйинлари ва бошқа шу сингари турларида зарур бўлган айрим машқлар умумий ривожланиш машқлари жумласига киради. Бу машқлар полвоннинг жисмоний ривожланишини яхшилайди, ҳаракат малакаси имкониятларини кенгайтиради, организмнинг функционал имкониятларини оширади, иш қобилиятини тиклашга ёрдам беради.

Шу билан бир вақтда умумий ривожлантириш машқлари қаторида, асаб мускул зўриқишига хос бўлган характеристидаги машқларни ҳамда ўсмири организмнинг иш режимини ҳисобга олиб тузилган машқларни ҳам бажарилади. Спортнинг турли кўринишидан иборат бўлган машқлар уларни бажарилиш шароити ва ҳаракатига қараб танланган вақтда жисмоний фазилатларни ривожлантириш соҳасидаги педагогик муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Қўпроқ куч-қувватни, чидамлиликни, чақонликни, тезлик ва эпчилликни тарбиялаш учун мўлжалланган машқлар бир-биридан фарқ қиласди. Чунончи, ҳар хил буюмларни (таёклар, гантеллар, коптоклар ва бошқаларни) кўтариб бажариладиган гимнастиқ машқларни кўп марта қайтариб такрор-такрор бажарилиши куч-қувватни ошириб, чидамлиликни тарбиялади. Худди мана шу машқларнинг ўзини катта тезлик билан қисқа муддат ичида бажарилиши, тезкорлик билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳар бир машқ муайян бир фазилатни ёхуд бир гурӯҳ фазилатларни ривожлантиради. Масалан, рақиб билан курашиш ёки штанга билан шугулланиш, турникда тортилиш ва ўз гавдасини қўлга тирагиб кўтариш машқлари куч-қувватни оширишга ёрдам беради. Узоқ масофаларга югуриш чидамлиликка, юқори тезликда бажариладиган гимнастик машқлар, кичик масофаларга югуриш эса курашдаги ҳаракатларни тезлаштиришга ўргатади. Баскетбол ўйнаш бир вақтнинг ўзида чақонлик, чидамлилик ва тезкорликка ўргатади.

Катта ҳис-ҳаяжон билан ҳамда бироз активлик билан бажариладиган умумий ривожланиш машқлари организмнинг ва айниқса, кучли зўриқиши талаб этиладиган машғулотлардан кейинги нерв системасининг иш қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Бундай машқлардан дарснинг биринчи ярмида (тайёргарлик кўришда) ҳамда асосий қисмнинг охирида амалга ошириладиган чиникиш машғулотларида ва эрталабки гимнастика машқларида фойдаланилади. Бундан ташқари ўрмонда,

далада, дарё бүйларида югуриш, сувда сузиш, эшкак эшиш ва копток үйнаш билан боғлиқ бўлган маҳсус жисмоний тайёргарлик машғулотларини ҳам ташкил этиб туриш керак.

Кураш бўйича ўтказилган машғулотлар чоғида жуда катта жисмоний зўриқишидан кейин организмни нисбатан тинчлантириб сокин ҳолга келтириш учун ўсмирларни мустақил равишда мускулларни бўшашибириш ва нафас олишни нормал ҳолга келтириш машқларини бажаришга ўргатиб бориш керак (буниг учун ҳаддак ташқари бўшашибириб шалпайтирилган оёқ ва қўлларни силкитиб ҳаракатлантириш машқлари, чуқур нафас олиш учун кўкрак қафасини кенгайтирувчи машқлар ва бошқа шунга ўхшаш машқлар бажарилади).

Мускулларни бўшашибиришга мўлжалланган машқлар ҳатто кураш пайтидаги олишув жараёнида ҳам ҳамла қилиш ва зўриқиши дақиқаларидан ҳоли қолган қисқа муддатли танаффуслар пайтида ҳам куч-қувватни тиклаш ва хийла қисқа вақт ичидан бироз дам олишга ёрдам беради.

## ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

### КУЧ-ҚУВВАТНИ ОШИРИШ МАШҚЛАРИ

**Қўллар учун мўлжалланган машқлар.** Қўлга тиралиб ерга қараб ётилган ҳолатда қўлни тирсакдан букиш ва ёзиш, (1) брусьеда қўлга таяниб туриб қўлларни тирсакдан букиш ва ёзиш, панжаларни деворга тираб туриб қўлларни тирсакдан букиш ва ёзиш машқларини бажариш (2). Қўлларни букиш ва ёзиш, секин ва тез ҳаракат қилиб, тўғри узатилган қўлларни юқорига кўтариш, қўлларни ён томонларга узатиш, бирорта оғирроқ нарсани кўтарган ҳолда қўлларни орқага узатиш (масалан, гантеллар, штангалар, тошларни кўтариб машкларни бажариш, резина амортизатор қаршилигини ёки маҳсус қурилмадаги юқ қаршилигини енгиб машқни бажариш ва ҳоказо). Турникда ёки ҳалқаларда осилиб туриб, қўлларни тирсакдан бukkan ҳолда ўз гавдасининг оғирлигини кўтариш — тортилиш машқини бажариш (3). Коптокни шерикка отиш ва отилган коптокни илиб олиш (4), бир қўл билан ва икки қўллаб коптокни узоққа ва юқорига қаратиб отиш. Гимнастика ҳалқаларида осилиб туриб куч билан кўтарилиш, фақат қўллар ёрдамида, оёқларни ишлатмасдан арқонга осилиб чиқиш машқини бажариш.

Штанга билан (қатъий индивидуал тарзда, ҳар бир спортчи вазнини ҳисобга олган ҳолда) бажарила-диган машқлар: тик турган ҳолатдан энгашиб унчалик оғир бўлмаган штангани бошдан юқорига кўтариш (5): қўл бўғимларини букиб пастдан ва юқоридан ушлаб кўтариш (6), ўргача оғирликдаги штангани полдан силтаб кўтариб кўкракка олиш. Унчалик оғир бўлма-ган тошни бир қўл билан ва иккала қўл билан кўта-риб, уни бош атрофидан (тик турган ҳолда) айланти-риш (7, 7a). Гимнастика скамейкасида чалқанча ёт-ган ҳолда штангани куч билан юқори кўтариш (8). Изометрик машқларни бажариш (яъни ҳаракат қил-масдан оғир юкларни кўтариб мувозанат сақлаб ту-риш).

**Оёқлар учун мўлжалланган машқлар.** Ҳар иккала оёқни букиб ва бир оёқни букиб, иккинчисини узатиб чўнқайиб ўтириш (9). Йккала оёқни кўтариб иргишлаб сакраш ва бир оёқни кўтариб иккинчи оёқда турган жойда ҳакқачоқлаб сакраш (10). Мана шу машқларни чўққайиб ўтирган ҳолатдан туриб, тиззалар билан чўк-каласиб ўтирган ҳолатда туриб бажариш ва яна қайтиб тизза билан ўтириш, юқоридан (столдан, гимнастика деворчасидан) пастга сакраш, қорда, қум устида югу-риш. Унчалик оғир бўлмаган тошни оёқ билан (тош тутқинини оёқ учларига илиб) кўтариш (11). Қўғирчоқ-одамни ёки ичига юк солинган қопни ётган жойда оёқ болдирлари билан юқори кўтариш (12). Изометрик машқларни бажариш (оғир юкни мувозанат сақлаб кўта-риб туриш). Шеригини елкада кўтарган ҳолда чўққа-йиб ўтириш (13a, 13б).

**Гавда учун мўлжалланган машқлар.** Елкада оғир юк кўтариб (штанга (14), қўғирчоқ-одам, шерикни кўта-риб) туриб гавдани олдинга энгаштириш (15). Қўлда тош ёки штангани кўтариб туриб, скамейка устида тик туриш ва гавдани энгаштириш (16). Белни ростлаб, қаддини кўтариш ҳисобига штангани полдан узиш. Оёқларни полга тираб туриб ётган ҳолда қўлларни бош орқасига ўтқазиб, гавдани оёқлар томони кўтариб эн-гаштириш, худди шу машқнинг ўзини оёқларга оғир юк осиб бажариш. Чалқанча ётиш холатидан оёқларни кўтариб бош томонга келтириш (17). Турникка осилиб турган ҳолда қўллар билан тортилиб, гавдани айлантириш; елкада штангани кўтариб турган ҳолатда гав-дани ўнг ва чап томонларга буриш. Ядрони ирғитиш вә илиб олиш, юмалоқ тошни улоқтириш.

**Тезкорликни оширишга мұлжалланган машқлар.** Бирдан бериладиган буйруққа биноан гавда ҳолатини тез ўзгартыриш (ұтириш, туриш, ётиш, туриш ва бошқалар). Машқларни ниҳоятда тезкорлик билан бажарилишига эришиш учун бир ҳаракатни бажариб улгурмасдан иккінчи ҳаракатни бажариш тұғрисида буйруқ беріб турилади. Щртала тұсиқлар қўйиб чиқилған 20—30 метрлик масофага оддий югуриш ва тұсиқлардан сакраб югуриш турлари киради.

**Чаққонликни оширадиган машқлар.** Чаққонликни ошириш учун акробатик машқлардан фойдаланилади: бошни ерга қўйиб ётган ҳолда олдинга ва орқага ўмболовоқ ошиш, чалқанча ётган ҳолатдан гавданы букиб туриб кетиш, бир қўл ва иккала қўлнинг ёрдамида олдинга ҳамда ён томонларга ўмболовоқ ошиб тушиш, бошни ерга қўйиб олдинга қараб ўмболовоқ ошиш, қўлларни ерга тираб туриб орқа томонга ўмболовоқ ошиш, бошни тепа қисмини ерга қўйиб туриб (гавданы кўпrik қилинған ҳолатдан) орқага томон ўмболовоқ ошиш. Бу машқларни бирор кишининг ёрдамида ёки қопга, қўғирчоқ-одамга ёхуд арқончага (белбоққа) таяниб туриб бажарилади. Қўкракдан ва белдан бир-бирини ушлаб туриб икки кишилашиб орқага ва олдинга ўмболовоқ ошиш (18а, 18б) бир-бирининг оёқларидан (болдириңг тиззага яқин қисмидан) ушлаган ҳолда икки кишилашиб олдинга ва орқага ўмболовоқ ошиш (19) ҳар хил усуллар билан унча баланд бўлмаган жойга сакраб чиқин, вазни енгил тошларни силтаб ирғитиш ва узоққа улоқтириш. Футбол, баскетбол, қўл тұпи сингари спорт ўйинлари билан шуғулланишдан иборат.

**Әпчилликни оширадиган машқлар.** Қўллар ва елкалар учун машқлар. Турган жойда ёки юриб туриб иккала қўлни бир вактда тұғрига узатиш ҳамда навбат-ма-навбат гоҳ ўнг қўлни, гоҳ чап қўлни юқорига кўтариб, пастга тушириш ва орқага узатиш, қўлларни пастга тушириб, орқага узатиш ҳамда ён томонларга — орқага узатиш, бармоқларни билак бўғимидан букиб айлантириш ҳамда таёқчанинг икки учидан ёки арқонча ва турли узунликдаги скакалканинг икки четидан ушлаб қўл бармоқларини айлантириш (20).

**Оёқлар учун машқлар.** Оёқларнинг ташқи чеккаси билан ҳамда ички чеккаси билан юришни машқ қилиш (21, 22), оёқларни қалиштирган ҳолда юриш, ярим чўққайиб (23) ва тұла чўққайиб ұтирган ҳолда юриш. Оёқларни кенг очиб тиззалаб ұтириш, аввал бир товонға (24), кейин иккінчи товонға ұтириш, икки болдирини

бир-бирига чалиштириб гиламда чордона қуриб ўтириш (25), шундай ўтирган ҳолатдан гавдани орқага ташлаб, бошни (энгашиб) гиламга теккизиш ва яна ростланиш (26) ўтирган ҳолда битта оёқни букиб, унинг тагини қоринга теккизиш (27), кейин худди шу машқнинг ўзини бажариб, оёқнинг тагини пешонага теккизиш (28), сўнгра болдири бошнинг орқасига ўтқазиб, бўйинга қўйишга уриниб кўриш, шпагат (29) (ярим шпагат) ҳолатида туриб, гавдани ўнг томонга ва чап томонга (30) то иккала қўл билан гиламга теккунча бурилиш, бир оёқда туриб иккинчи оёқ билан олдинга, орқага ва ён томонларга ҳаракат қилиш ҳамда ҳаракат ҳолатлари орасидаги масофани юқори даражага етказиш, олдинга ва ён томонларга «шпагат» машқини бажариш (31).

**Гавда эгидувчанлигини таъминлаш учун машқлар.** Оёқларни кенг очган ҳолда тўйк туриб олдинга энгashiш, кафтларни оёқлар орасидаги ерга текказиш, чапга ўнгга энгashiш, гавдани орқа томонга буриш, гавдани ўнг томонга буриб ўнг қўлни чап оёқ учларига теккизиш (32), кейин худди шундай ҳаракатлар билан чап томонга бурилиб чап қўлни ўнг оёқ учига текказиш (33). Гимнастика деворчасидан бир-икки қадам масофада туриб орқага энгashiш, деворча пояларини навбатмавбат ушлаб энгashiш (то ерга тушгунча гавдани энгаштириб бориш ва яна юқорига кўтарилиш) (34a, 34b).

**Мускулларни бўшаштириш учун машқлар.** Ҳаракат ва зўриқишида иштирок этмаётган ҳамда олишувлар орасидаги жуда қисқа муддат дам олишда иштирок этмаётган мускулларни бўшаштиришга ўрганиб олиш фоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга қуйидаги машқларни бажариш орқали эришин мумкин: қўкка қараб чалқанча ётиб, қўлларни олдинга-юқорига кўтариш, қўлларни силкитиш ҳамда шалпайтириб пастга, гилам устига тушириш (ташлаш). Худди шундай ҳаракатларни оёқлар билан ҳам навбатма-навбат бажариш (35, 36). Чалқанча ётган ҳолатда бутун гавда мускулларининг тўла бўшаштирилишига эришин. Оёқларни елка кенглигига қўйиб тик туриш, қўллар мускулини бўшаштириб туриб, юқоридан пастга тушириш, қўл, елка ва бўйин мускулларини бўшаштириб ва силкитиб туриб ритмик тарзда сакраб-сакраб туриш. Оёқларни елка кенглигига қўйиш, гавдани бироз олдинга энгаштириш ва қўлларни ён томонларга кўтариб узатиш, бунда оёқларни тиззадан букиб ва ёзиб пружинасимон ҳаракатлар қилиш, бўшаштириб шалпайтирилган қўлларни

пастга тушириш ва инерция кучи билан уларни яна жойига қайтариш. Оёқларни елка кенглигиде қўйиши, гавдани бўшаштириб, олдинга энгаштириш ҳамда айни маҳалда оёқларни тиззадан букиш, дастлабки ҳолатга қайтиш.

### · Махсус машқлар

Бу группадаги машқлар махсус — тайёрлов (яқинлаштирувчи) машқларга ҳамда имитацион машқларга бўлинади. Махсус — тайёрлов (яқинлаштирувчи) машқларга ўзининг техника-тактик ҳаракатлари билан бир-бирига характер ва тузилиш жиҳатдан ўхшайдиган, лекин рақибсиз бажариладиган машқлар киритилади. Шунингдек, турли хил кураш элементлари (уларнинг энг оддий шакллари) ҳам мана шу махсус машқлар группасига киритилади. Бу машқларни спорччи учун зарур бўлган жисмоний ва иродавий сифатларни ривожлантириш мақсадида, шунингдек мураккаб приёмлар техникасини яна ҳам муваффақиятлироқ эгаллаб олиш учун бажарилади. Бундай машқларни снарядлар ёрдамисиз бажарилиши ҳам, снарядлар билан (қўғир-choқ-одам, юқ тўлдирилган қоп, тошлиар, штанга ва бошқалар билан) ҳам ўтказилиши, ўз шериги билан машқтарзила курашини тартибида ҳам ўтказиш мумкин.

**Имитацион машқлар.** Отмасдан ёки елка, оёқ билан иргитиб отувчи курашчилар, одам-қўғирchoқ билан бажариладиган кураш усуллари ва уларнинг элементлари ўша усулларни ўзлаштириш ва уларни бажариш техникаси, амалийтини такомиллаштириб бориш имконини беради. Мураккаб бажариладиган машқларни полвон мазкур усулнинг тузилишини ўзлаштириб олгандан кейин, уни қўллашнинг барча икир-чикирлари билан тўғри ва аниқ тасаввур ҳосил қилганидан кейингина бажариш тавсия этилади.

Мураккаб отиш усули билан бажариладиган машқлар полвоннинг шериги томонидан бундай усуллар кўл марта такрор-такрор бажарилиши натижасида (масалан, тегирмон тошидек айлантириб отиш услуби, олд томондан оёқларни ушлаб йиқитиш усули, эгилиб туриб ўз устидан ошириб отиш ва бошқа шу сингари услублар) рўй берадиган қийинчилликлар чоғида айниқса кенг қўлланилади. Бироқ ҳадеб қўғирchoқ-одам билан кураш тушавёриш усулини қўллайвериш маслаҳат берилмайди, чунки қўғирchoқ-одам билан кураш тушиш билан ҳақиқий полвон билан курашиш ўртасида анча

фарқ бўлиб, уларда қўлланадиган усуллар тузилиши ҳам турлича бўлади. Імитацион машқларни қўғирчоқ-одам билан ва ичига юк солинган қоп билан ўтказиш машғулотларидан турли хил жисмоний фазилатларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин. Чунончи, полвон ўзига нисбатан анча оғир бўлган қўғирчоқ-одам билан унинг икки оёғидан маҳкам ушлаб ёки энгашиб туриб ўз устидан уни ошириб отиш усулини имитация қиласр экан, бу билан у айни маҳалда ўз оёқлари ва бел мускуллари кучини ривожлантириш техникасини такомиллаштириб борган бўлади.

Имитацион машқларни узоқ муддат доимий равишида бажариб борилиши полвоннинг чидамлилигини оширишда яхши самара беради. Агар полвон қўғирчоқ-одамни ўз устидан ошириб отса, уни яна тик туриш ҳолатига келтириб ўрнидан тургазиб қўйса, уни яна ўз устидан ошириб отса ва бу машқнинг давомийлигини ҳамда ошириб отиш суръатини аста-секин юксалтира борса, айниқса фойдали бўлади.

Ўсмирлар билан ўтиладиган машғулотлар махсус — тайёрлов (яқинлаштирувчи) ва имитацион машқлардан мураккаб усулларни ўзлаштириш учун машқларни бир бутунлиги сифатида фойдаланиш лозим. Бунда ҳаракатлар йўналишини бир-бирига қўшиб юборишга алоҳида эътибор бериш керак. Снарядсиз бажариладиган баъзи бир имитацион машқларни эрталабки машқ вақтида ҳам қўллаш мумкин.

### Яқинлаштирувчи ва имитацион машқлардан намуналар

**Белдан ошириб отиш усулига ўргатиш учун машқлар.** Елка оша олдинга ўмболов ошиш (37) тик турган ҳолда орқага бурилгац заҳоти олдинга энгашиб ўмболов ошиш. Тик турган ҳолатдан орқага бурилиш ва гавдани олдинга энгаштириб туриб, коптокни бошдан ошириб отиш (38, 39, 40). Гавдани олдинга энгаштириб, гимнастика деворчасига маҳкамлаб қўйилган резина арқончани ушлаб тортиш (41). Ўнг оёқда туриб орқага айланиб бурилиш ва унга чап оёқни жуфтлаб, гавдани олдинга энгаштириш. Иккала оёқни жуфтлаб туриб тиззани бироз буккан ҳолда орқага айланиш ва оёқларни текислаб тиклагач, гавдани олдинга энгаштириш. Қўғирчоқ-одамнинг ўнг қўлини чап қўл билан ушлаб ва ўнг қўл билан қўғирчоқнинг бўйнидан ушлаб туриб

(42), орқага айланиш, чапга бурилиш, олдинга — чаң томонга энгashiш (43) ва құғирчоқ-одамни ўз устидан ошириб отиб, у билан бирга йиқилиш (44). Оёқларни букиб турган ҳолда бир томонга бурилиш, бурилиш тамом. бўлганидан кейин құғирчоқ-одамни ерга ўтқазиб қўйиш, кейин унинг қўлидан ва бўйнидан ушлаб туриб, силтаб тортиш ҳамда йиқилмасдан құғирчоқ-одамни ўз белидан ошириб отиш (45).

**Энгashiб туриб ошириб отиш усулига ўргатиш учун машқлар.** Тик туриш ҳолатидан шерикнинг ёрдамида орқа билан йиқилиб кўприк ҳосил қилиш (46, 47, 48). Шу машқнинг ўзини бурилиб, кўкракни пастга қаратиб бажариш. Шу машқнинг ўзини ярим чўққайиб ўтириш ҳолатида туриб бажариш, оёқларни ростлаш ва құғирчоқ-одамни қорин билан олдинга итариб юбориш ва энгashiш (49, 50). Қурашчи оёғини рақибининг қорнига тираб рақибни ўз устидан ошириб отиш усулига ўргатиш учун машқлар. Ён томондан оёқни оёққа уриш приёмини юксиз имитация қилиш. Шу ҳаракатларнинг ўзини гантеллар билан, оёқ тагини тошга ёки қопга уриб бажариш. (51, 52, 53).

**Тегирмон тошидек айлантириб отиш усулига ўргатиш учун машқлар.** Чўққайиб ўтириш ва шерикни ёки бошқа бир оғир нарсани елкада кўтариш. Чўққайиб ўтириган ҳолатда олдинга юриш ва елкага юқ ортмасдан ҳамда юқ ортган ҳолда тизза билан чўқкаласб юриш. Құғирчоқ-одамни кўтариб уни тегирмон тоши сингари айлантириб отиш учун тезда чўққайиб ўтириш ва рақибни ушлаб олиш машқини бажариш (54, 55, 57, 58).

**Тез-тез юриб келиб, партерда рақибни ағдариб йиқитишига ўргатиш учун машқлар.** Қўл панжаларини тиралиб ётган ҳолатдан сакраб ўнг ва чап ёнбошга ағдарилиб олиш. Тез-тез юриб келиб рақибни ағдариш машқини бажариш. Бунинг учун ёнбошлаб тирсакка таяниб туриш ҳолатидан айланиб кўкрак билан ётиш ҳолатига ўтиш машқини коптокка таяниб туриб бажариш (59, 60, 61).

**Рақибни тўнкариб йиқитиши усулига ўргатиш учун машқлар.** Ўнг биқинга ёнбошлаб ётилган ҳолатдан иккала оёқни бел томонга узатиб, кўкракни ерга қилиб, тирсакларга таяниб ётиш ҳолатига ўтиш, яна сакраш ўйли билан ёнбошлаб ётиш ҳолатига ўтиш.

**Рақибни думалатиб иргитиши усулига ўргатиш учун машқлар.** Қўприк ясаш машқини мустаҳкамловчи барча ҳаракатларни бажариш. Қўприк ҳолатида туриб, ён томонда ётган тошни (бошдан ошириб) кўтариб кўк-

ракка олиб қўйиш. Гавда билан кўприк ясаб турилган ҳолатдан тошни қўтариб бир томондан иккинчи томонга олиб қўйиш (62, 63). Тиззаларда чўккалаб турилган ҳолатдан тўпни (ёки қўғирчоқ-одамни) қучоқлаб олиш, (ёки қўғирчоқ-одамни) кўкракка қўйиш (64). Коптокни (ёки қўғирчоқ-одамни) қўтариб олган ҳолда тиззалар билан чўккалаб ўтириш, кўприк ясаш машқини бажариб, коптокни (ёки қўғирчоқ-одамни) ўз кўкраги устидан ошириб бир томондан иккинчи томонга олиш ва яна орқага қайтариб ўз жойига қўйиш. Партер шаклида ётган ҳолда қўлларни бир-бири билан бирлаштириш, чап ёнбошга ётиш, оёқни тиззалардан букиб, товонни гиламга тираб туриш, кўприк ҳосил қилиш, юмалаб иккинчи биқинга ёнбошлаб ётиш ва яна партер ҳолатига ўтиб олиш. Ўнг тизза билан туриб, қўллар билан коптокни қучоқлаб олиш, кейин чап тизза билан гиламга тирадиб туриш ҳамда чап тизза томонга ёнбошлаб ётиш, ўнг оёқни чап оёқ устидан ошириб орқага ўтказиши, ўнг томонга бурилиб кўприк ясаш ҳолатига ўтиш ҳамда ўнг томондан гавдани айлантириб қоринни ерга қилиб ётиб олиш. Машқни кимнингдир ёрдамида ёки ёрдамисиз ҳам бажариб кўрилади. Иккала тиззани ерга тираб чўккалаб турилади, қўғирчоқ-одамни қаттиқ қушиб кўкракка босган ҳолда чап ёнбош билан ётиш. Сўнгра бошни гиламга тираб ва товонлар билан гиламга таяниб кўприк ҳосил қилиб туриш, қўғирчоқ-одамни ўз устига тортиб чиқариш ҳамда уни ўз устидан ошириб йиқитиб, унинг устига кўкрак билан босиб ётиб олиш.

**Букилиб туриб ағдариш усулига ўргатиш учун машқлар.** Гимнастика деворчасига кўкрак билан туриб, сўнгра ёнбошлаб ётиш. Оёқларни орқага узатиб резина арқончани чўзиб тортиш. Худди шу машқнинг ўзини иккинчи биқинга ағдарилиб бажариш. Скамейкага қорин билан ётиш (бунидча полвоннинг шериги оёғидан ушлаб туради) оёққа юқ ортмасдан ва юқ ортиб туриб гавдани орқага энгаштириш (65, 66, 67).

**Узатилган оёқни илиш йўли билан рақибни ағдаришга ўргатиш учун машқлар.** Штангани (унинг оғирлигини полвон категориясига мувофиқлаштириб туриб) полдан узиб қўтариш ва кўкракка қўйиш. Ерда ётган шерикни қўл ва оёқларидан ушлаб то кўкраккача бўлган баландликка қўтариш, шерикнинг қўлидан ва оёғидан тизза қисмидан тик турган ҳолда кўкракка қадар қўтариш (68, 69, 70).

**Рақибнинг белидан ёки гавдасининг бошқа жойидан**

**маҳкам ушлаб ағдариш усулига ўргатиш учун машқлар.** Құлни букишга хизмат қыладиган ва гавда әгилишига хизмат қыладиган мускуллар кучини ривожлантириш учун машқлар бажариш. Шерикни партер ҳолатидан чиқариб, уни гиламдан гавдаси ёки сонидан маҳкам ушлаб күтариб олиш. Худди шу машқнинг үзини тиззада чўккалаб турилган ҳолатдан тик туриш ҳолатига ўтиб бажариш, шериксиз рақиби ағдариш ва устидан ошириб отиш усуулларини имитация қилиб бажариш. Ушбу усулини қўғирчоқ-одамни ағдаришни имитация қилиб кўрсатиш (71, 72, 73).

**Кўпrik ясаш усулини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун мўлжалланган машқлар.** Чалқанча ётиш ҳолатидан кўпrik ҳолатига ўтиш, оёқларни тиззадан букиш ва уларни елка кенглигидан қўйиш. Кафтларни қулоқларга яқин жойга келтириб, уларга таяниб туриш. Бел, кўкрак ва умуртқа погонасининг бўйин қисмига таяниб туриб кўтарилиш ва букилиш, пешонани гиламга теккизиш (74, 75).

**Кўпrik ясаш ҳолатида бажариладиган машқлар.** Гавдани олдинга ва орқага ҳаракатлантириш. Гавда бош томонга қараб ҳаракат қилған вақтда бурунни гиламга теккизиш, гавда оёқ томон ҳаракат қилаётган вақтда бошининг энса қисми ва елка куракларини гиламга теккизиш. Дастроб бу машқларни қўлга тирагиб туриб бажарилади, бўйин мускуллари мустаҳкамланиб боргани сари қўлга таянимасдан бажарилади. Бу вақтда қўлии кўкракка ёки бош остидан гиламга қўйиб турилади. Сўнгра гавдани ҳаракатга келтираётган вақтда, бошини ўнг ва чап томонларга буриб турилади. Бошини буриш машқи гавдани оёқ томонга ҳаракатлантирилаётган вақтда бажарилади (76, 76а, 77).

**Қаршилик кўрсатишга мўлжалланган машқлар.**

Бундай машқларни шерик билан ҳам, группа бўлиб ҳам бажариш мумкин. Бундай машқлардан кутилган мақсад ўсмирни зўриқиб ишлаш маҳоратига ўргатиб борнидан, турли ҳолатларда куран бўйича чиниқиши маниқлари ўтказиляётган вақтда ўз рақибиға қаршилик кўрсата олнига ўргатишидан иборат.

**Оёқлар учун мўлжалланган машқлар.** Бир-бири билан юзма-юз тик турган ҳолда қўлларни рақибининг елкасига қўйиш, ўнг оёқни олдинга кўтариб тўғри узатиш ва рақиб болдири билан чалиштириш ҳамда шерикнинг оёғини ён томонга тортиб кетиш. Гиламда ўтириш (рақиблар бир-бирига қараб юзма-юз ўтирадилар). Қўлларни полга, гиламга тираб турилади, оёқ-

лар тұғрига узатилади, оёқларни болдирлар бир-бири билан қалиштирылғанда юқори күтарилади ҳамда шерикнинг оёғини ён томонға тортиб кетилади. Бир-бирига юзма-юз қараб ұтирган ҳолатда құлларни орқага узатыб, гиламга тираги туралади, полвонлар ярим букилган ҳолдаги чап оёқларини, товонларини бир-бирига тираги турадилар. Бундан мақсад шерикнинг оёғини күч билан итариб, уни букишга, үз оёғини эса ростлаб олишга ҳаракат қилишдан иборат. Худди шу машқнинг ўзини иккала оёқ билан бажариш (78, 79, 80, 81, 82).

Рақибнинг ёнида чап ён билан ёнбошлаб ётиб (бошларни қарама-қарши томонларга қўйиб), шерикнинг қўлидан маҳкам ушлаб тортиш. Чап оёқни күтариб, полвонларнинг ҳар бири үз шеригининг оёғини үз оёғига илаштириб олишга ҳамда уни боши билан энгашиб ўмболоқ ошишга мажбур этишга ҳаракат қиласиди (83, 84).

**Құллар учун мўлжалланган машқлар.** Ярим бурилиш ҳолатида полвонлар бир-бирларига қараб үнг оёқларини бироз олдинга чиқариб турадилар ва үнг құлларини бир-бирларига узатыб ушлаб, чап құлларини белга қўядилар. Полвонлардан бири шеригининг узатилган қўлини ўзидан нари итаради, иккинчи полвон эса қаршилик кўрсатади. Кейин эса полвонлар ролларини алмасиб, бунинг аксини бажарадилар (85, 86).

Полвонлар бир-бирларига юзма-юз тик турадилар, оёқлар елка кенғлигига бўлади, ҳар икки қўл билан үз шеригининг кафтига кафтини қўяди. Полвонлар навбатма-навбат бир-бирларини ўzlаридан нари итаришга ҳаракат қиласидилар: бунда бир қўл букилганда иккинчи қўл узатилиб шу йўл билан ҳар бир полвон үз шеригини ҳам шундай ҳаракатлар қила олишга йўл очади (87).

Чап оёқ тиззасида туриш (рақиблар бир-бирларига юзма-юз турадилар, иккинчи оёқ тиззалари бир-бири билан ёнма-ён тұғри бурчак ҳосил қилиб туради), үнг қўл тирсаги билан үз оёғининг тиззасига таяниб туриш ва шеригининг бармоқларини ушлаб туриш. Тирсакни тиззадан узмаган ҳолда үз шеригининг қўлини мумкин қадар кўпроқ четга суриш (88).

Қўлларга таяниб ётиш ҳолатини бажариш, оёқларни кериб туриш, шериклар үнг елкалари билан бир-бирларини сяyb турадилар ҳамда оёқ ва қўллар ёрдамида бир-бирларини муайян масофагача суриб боришга ҳаракат қиласидилар (89).

**Махсус таёқчалардан фойдаланган ҳолда бажариладиган қаршилик күрсатиш машқлари.** Шериклардан бирине эстафета таёқчасининг бир учидан ушлаб туради. Таёқчанинг иккинчи учидан ушлаб турган шерик ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам таёқчани куч билан тортиб олишга ҳаракат қиласди. Шериклар гилам устига ўтириб товоонларини бир-бирига тираб оладилар ва гимнастика таёқчасини икки қўллаб ушлаб шериклар бир-бирини бор куч билан тортиб, ўз томонига ўтказиз олишга ҳаракат қиласди.

Турган ва ўтирган ҳолатда полвонлар ҳар қандай йўллар билан шеригининг қўлидаги коптоткини тортиб олишга ҳаракат қиласдилар.


### Қаршилик кўрсатиш ўйинлари

**Отлиқлар жанги.** Икки команда гилам устида бир-бирига юзма-юз туриб саф тортадилар. Ҳар бир команда «отлиқлар»га ва «отлар»га бўлинади. Шундан кейин отлиқлар ўз отларига, яъни шерикларининг елкасига миниб оладилар, берилган сигнал бўйича бир команда «отлиқлари» иккинчи команданинг «отлиқлари»ни «отлар»дан тортиб туширишга ҳаракат қиласдилар.

**Доира ичидаги кураш.** Икки полвон диаметри 3—4 м бўлган доира ичидаги бир-бириларини итариб чиқаришга интиладилар (90).

**Хўрозлар жанги.** Шериклар бир оёқда бир-бириларининг рўпараларига юзма-юз туриб оладилар, иккинчи оёқларини орқага қайириб бир қўл билан ушлаб оладилар, иккинчи қўлларини эса белларига қўйиб турдилар. Шериклар бир оёқда ҳаккалаб сакраб, елкалари билан бир-бириларини уриб, шерикларини икки оёқлаб туриб қолишга мажбур қилмоқчи бўладилар (91).

**Ичига қум тўлдирилган копток билан регби ўйнаш.** Икки команда (ҳар бирида 5—8 киши (гинам устида Копток кўтариб босилган қадамлар сони чекланмайди. Коптокни — оғирлиги 5 кг) ўз шерикларига узатади. Иккинчи команданинг ўйинчилари коптокни олиб қўйишга ва уни гилам устидаги олдиндан белгилаб қўйилган муйайн бир жойга олиб бориб, уни босиб туришга ҳаракат қиласдилар. Бунда ҳар қандай йўллар билан коптокни тортиб олишга интилиш керак. Ҳатто рақибни ерга йиқитиши ва коптокни ётган кишидан тортиб олиш ҳам мумкин.



1




2



3



4



5




6



7A



7



8



9



10



11




12



13A




13B



14



15



16



17



18А



18Б



19



20



21



22



23



24



25



26



27



28



29



30



31




32



33



34A



34B



35



37



36



38



39



40



41




42



43



44



45



46



47



48



49



50



51



52



53



54



55



56



57



58



59



60



61



62



63




64



65



68



66



69



67



70



71



72



73



74



75



76 A



76




77




78




79



80



81



82



83



84



85



86



87



88



89



90



91

94

## РУҲАН ТАЙЁРГАРЛИҚ

Техник-технологик маҳоратни такомиллаштириш руҳан тайёргарлик билан ажралмас алоқада бўлади. Полвоннинг тактик ҳаракатларида барқарорлик ундаги эмоционал ҳис-туйғулар ва билиш жараёнлари орқали таъмин этилади. Техник-тактик ҳаракатларга ўрганиш тактик тафаккурни, координация қилишни, тезкорликни ҳамда ҳис-туйғуларни бошқара олиш маҳоратини ривожлантиради. Тактик жиҳатдан бир қарорга келиш — бу полвоннинг тафаккур фаолияти мевасидир. Бунда у тактик вазиятдаги образларга ҳамда «келишиш ва келиша олмаслик» принципи асосида қабул қилинган ўз аҳду-қарорига таянади.

Шундай қилиб, умумий тайёргарлик системасида руҳан тайёргарлик асосий қисмлардан бири ҳисобланади. Ҳолбуки, жисмоний тайёргарлик маҳоратини такомиллаштиришнинг ўзига хос пойдевори, техник-тактик тайёргарлик эса спортчининг жисмоний ва ҳолат имкониятларини ишга солиш воситаси ҳисобланади. Тўғри йўлни ташлай олиш ва қабул қилинган қарорни тезлик билан амалга ошириш маҳорати полвонларни руҳий жиҳатдан тайёрлашнинг ғоят муҳим бир томони ҳисобланади.

Руҳан тайёргарликда ёш полвоннинг спорт олишуви чоғида юз берадиган турли хил воситаларда тўғри бир қарорга кела олиш хусусиятини ҳисобга олмоқ зарур. Бундай ҳаракатларнинг тўрт хил варианти мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан фарқ қилинади.

Хулқ-авторнинг қаттиқ туриб амалга ошириладиган программасидаги ҳаракатлар: бунда спортчи ўз рақибини у муайян бир усулни бажараётган вақтида «қўлга тушириш»ни олдиндан мўлжаллаб қўяди. Бунинг учун у ҳудди ўша пайтнинг келишини пойлаб туради ҳамда ҳужумга ўтиш учун туғилган имкониятларнинг бошқа вариантларини тан олмай туради.

Иккинчи типга мойил бўлган спортчиларда тактик ҳаракатларнинг одатда олдиндан тайёрлаб қўйилган бир қанча «моддалари» мавжуд бўлади. У ҳужумга ўтишдан олдин бундай қарорга келган бўлиб, одатда ўз қарорини «ё унисини, ёки бунисини қўллайман» деган принцип асосида амалга оширади.

Учинчи типдаги спортчиларнинг хатти-ҳаракатлари хийла мулоҳазали бўлади: улар ҳал қилувчи йўл қандай бўлишини олдиндан белгилаб қўймасдан, балки пайдо бўлган вазиятга қараб, рақибнинг хатти-ҳара-

қатларидан келиб чиққан ҳолда мuloҳаза билан иш күрадилар.

Тўртингчи типдаги спортчилар рақибнинг хатти-ҳаракатлари боғланиб қолмаслик ҳамда унинг ҳал этувчи ҳужум ҳаракатлари учун тайёрланган пайтдан танаффусиз, дарҳол фойдаланиб қолиш учун ўша динамик вазиятни тайёрлайдиган, яъни ҳужум қилиш учун қулай вазиятни олдиндан амалга оширадиган ҳаракатларга ўргатиш зарур бўлади.

Шундай қилиб, ёш полвонларда актив ҳаракатларни амалга ошириш учун руҳий йўналиш хусусиятини тарбиялаб бориш зарур. Бу ишни ҳужум қилиш учун қулай динамик вазиятни вужудга келтириш ҳамда бу вазиятдан устунликка ва ғалабага эришиш учун фойдаланиш мақсадида амалга оширилади.

Олишув давомида вужудга келадиган техник ҳаракатларни ва ҳужум ҳаракатларини ўз вақтида бажаришга ва бундай ҳолатларни ўз вақтида илғаб олишга тайёр бўлиб туриш хусусияти бу психологик йўналишнинг фақат бир жиҳати, холос. Ҳозирги замон полвонини тарбиялаб, юқори малакали полвон даражасига кўтариш учун уни динамик жиҳатдан қулай бўлган вазиятни ҳозирлашга ва ундан фойдаланишга тайёр бўлиб туриш хусусиятини эгаллашга руҳий жиҳатдан йўналтириш тадбирлари ўша полвоннинг жисмоний ва техник жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган бўлишига асосланмоғи, яъни ёш полвон бутун олишув мобайнида муттасил актив ҳаракатлар қилишга тайёр бўлиб турмоғи керак.

Рақибнинг кучли ва заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда полвонни бўлғуси курашларга юксак кўтаринки руҳдаги кайфиятга тўғри ва ўз вақтида йўллай олиш қобилияти бўлғуси курашда ғалабага эришиш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Фоят улкан эмоционал кўтаринки руҳга эришилган тақдирдагина куч-гайратни юқори даражада ривожлантириш мумкин бўлади.

Спорт мусобақаларидаги тобора ортиб бораётган рақобатчилик кураши спортчилардан фақат жисмоний ва техник жиҳатдан тайёргарлик кўрилишига юксак талаблар қўйибгина қолмай, шу билан бирга масъулиятли мусобақалар шароитида ўз ҳис-туйғуларини, ўзининг эмоционал ҳолатини бошқара олиш маҳоратига эга бўлишни ҳам тақозо этади. Чемпионатдаги кескин вазиятлар: салбий эмоциялар, мусобақалар давомида вужудга келадиган кўпгина объектив ва субъектив тў.

сиқлар баъзи бир ёш полвонлар учун уларнинг техник-тактик маҳорати самарадорлигининг анча камайиб кетишига сабаб бўлувчи қудратли омилга айланади.

Олиб борилган тадқиқотлар мусобақаларнинг арафасида ва мусобақалар ўтказиладиган куни полвонларда содир бўладиган эмоционал ўзгаришлар қай даражада бўлишини, мусобақалар чофида юз берадиган эмоционал нагрузка миқдориний (қуръа ташлаш дамларини кутиш ва унинг натижалари, рақиб билан биринчи марта тушиладиган курашни кутиш дамлари ва бошқалар) кузатиб бориш имконини беради.

Қуръа ташлаш натижасида кутиш дақиқаларида полвонларда эмоционал қўзголиш анча кучайиб борганиги, қуръа ташлаш натижалари эълон қилинганидан кейин эса эмоционал қўзголиш даражаси анча пасайиб кетганлиги кузатилган. Бундай ҳолат мусобақанинг биринчи даврасида нисбатан кучсизроқ рақиблар билан курашишга тўғри келиб қолган полвонларда бундай ўзгаришлар айниқса яққол қўзга таинланган. Биринчи даврада асосий рақиблари билан учрашиши керак бўлган полвонларда эмоционал қўзголиш юқори даражага кўтарилиган. Полвонларда эмоционал қўзголиш даражаси психолог-мутахассислар томонидан термометрия, пульсометрия методларидан ҳамда ҳаракатдаги объектига реакция (ХОР) кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиб борилади. Мусобақалар чофида спортчиларнинг кураш тушаётган пайтда ўз эмоционал ҳолатини мувофиқлаштириб бориш маҳоратига эга бўлиш уларнинг жанговар руҳига салбий эмоциялар таъсирини камайтиради ҳамда юксак спорт натижаларига эришиш имконини беради.

Кўпчилик кучли полвонлар курашга тайёрланар эканлар, ўзларига ўзлари буйруқ бериш, ўзларини ўзлари ишонтириш сингари тушунчаларни тасаввур қилиш кўрсатмаларидан фойдаланадилар. Эмоционал қўзголичи даражасини тартибга солувчи, кураш олдидан полвоннинг ҳаракат қилиш қобилиятини ҳамда унинг организми фаолияти имкониятларини яхшилайдиган муҳим воситалардан бири чиниқиши машқи, деб аталадиган енгил машқулар группаси ҳисобланади.

Бизнинг етакчи полвонларимиз кураш майдонига тушишдан олдин қисқа муддатли чиниқиши билан шуғулланадилар. Бундай чиниқиши машқулари полвонларнинг ўзлари яхши кўрган усувларни, ўз-ўзини ишонтириш ва ўзига-ўзи буйруқ бериш методларини имитация қилишни ўз ичига олади. Бўлажак курашга шундай усул

билин тайёрланган полвонлар эмоционал құзғолиши даражасини оширадилар. Қозатышлар натижасыда техник ҳаракатларни имитация қилишни үз ичига олган узлуксиз эмоционал тайёргарлик полвоннинг эмоционал құзғолиши даражасини ошириши аниқланган. Вақт жиҳағдан анча давомли бўлган, лекин камроқ даражада узлусизлик билан ўз-ўзини ишонтириш методларини қўлланиб ўтказилган машқлар полвонларни тинчлантиради ҳамда уларнинг асаблари энергиясини сақлаб қолади. Сўз спортчининг нерв-руҳий ҳолатини тартибга солиб турадиган юксак бир маром ҳисобланади. Ҳар бир мураббий спортчи ҳолатини бошқара олиш қобилиятини етарли даражада эгаллаб олган киши кураш бошлаган дақиқаларда ёк қизишиб кетмаслиги, муддатидан олдин ҳаддан ташқари қўзғолиши ҳолатига тушиб қолмаслиги учун полвонни тинчлантирмоғи керак.

Сўз билан таъсир кўрсатишнинг ҳар хил кўринишлари қўлланиб (ишонтириш, тушунтириш, таъсир кўрсатиш) ҳаракат қилинган вақтда полвоннинг олий нерв фаолияти қандай ҳолга мансуб эканлигини ҳисобга олмоқ керак. Тафаккурга мойил типдаги спортчиларга кўпроқ мантиқий тушунтириш методи қўл келади. Бадиий таъсирга мойил бўлган типдаги полвонларга сўз билан ишонтириб бориш методи анча кучли таъсир кўрсатади. Ўз-ўзини кузатиб, мувофиқлаштириб боришнинг турли хил руҳий кечинмалари ичиде спорт амалиётида руҳаи чиниқишининг турли вариантиларини ва руҳий тетиклик, ўзини тайёрлаш, кайфият ва мускул чиниқтирилиши сингари ўқув манифулатларда чиниқиши усуллари кенг тарқалган.

Руҳий-мускул чиниқишининг ўзига хос хусусиятларидан бири уни ўтказишдаги одлийлик ҳамда бунда эришилган натижанинг самарадорлигидир. Бундан ташқари у кўп вақтни талаб қилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, ўн кун мобайнида (бир марта ўтказиладиган тренировка даврида) спортчилар ПМТнинг тинчлантирувчи қисмига доир машқларни муваффақият билан эгаллаб оладилар. Бу машқларни асосий вазифаси — спортчи ўзини тетиклаштириш учун белгиланган даражани пасайтиришдан уни ўзлаштириш (бўшаштириш)дан, спортчининг жисмоний ва маънавий куч-қувватини тиклаб олиш ҳамда сақлаб қолишдан иборатdir. ПМТнинг активлаштирувчи (сафарбар қилувчи) қисмининг вазифаси (кураш майдонига чиқишидан олдин) полвон гомонидан ўзи учун керак бўлган пайтда оптимал жан-

төвөр ҳолатни эгаллаб олинишига ёрдам беришдэй иборатдир.

Спортчи уйқуга ётишдан олдин, айниңса мусобақалар яқинлашиб қолган сүнгги кунларда тинчлантирувчи ва мусобақалардан чалғитиши характеридаги коллектив ба, алоҳида тарзда ўтказиладиган сүхбатлар яхши натижя беради. Агар мусобақаларга бевосита тайёргарлик күриш босқичига кирилган вақтда муддатидан олдин пайдо бўладиган ҳаддан ташқари эмоционал қўзғолиши ҳолатининг олдини олишга ҳамда сокин тренировка вазиятини вужудга келтиришга мұяссар бўлинса, у ҳолда руҳий ҳолати нуқтаи назардан спортчиларнинг муваффақияти таъмин этилган деб ишонтириш мумкин.

Спортчиларнинг ўз куҷи билан тайёргарланган бадиий ҳаваскорлик концертлари полвонларнинг руҳий чарчоғини босиша ва уларнинг хордигини чиқаришда катта роль ўйнаши мумкин.

Спортчиларнинг (икки-уч кишилик группаларга бўлиниб) қармоқ билан балиқ овига чиқишилари уларнинг толиқишини йўқотишда ҳамда дам олишини ташкил қилишда жуда яхши тинчлантирувчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган барча йўналишлар ўсмирларнинг қизғин иш олиб боришлиари, ишдан кейин яхши дам олишлари учун, айниңса масъулиятли мусобақаларга қатнишилари олдидан яхши хордик чиқаришлари учун қулай шароит яратишга ёрдам беради. Эмоционал ҳолатни кучайтириш эса полвонга фақат беллашув олдидангина зарур бўлади.

## СПОРТ КУРАШИДА МУСОБАҚАЛАШУВ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ

### УМУМИЙ ТУШУНЧА ВА ҚОИДАЛАР

Спорт кураши спорт фаолиятининг шундай бир турiga кирадики, бунда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан техник ҳаракатлар (ТХ) ни эгаллаб олиш ҳамда уларни қўллай билиш маҳоратига, қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажариладиган оптимал тактик ва стратегик вариантиларини танлаш ва уларни ишга солиш маҳоратига боғлиқ бўлади. Бунда тренер-педагог олдида, спортчи олдида техник-тактик тайёргарлик (ТТТ) ни самарали планлаштириш зарурати ҳамда спорт маҳорати ортиб бориш динамикасини назорат қилиш ва

таҳлил этиш мақсадида, шунингдек спорт тренировкаси-ни самарали равишда мувофиқлаштириб боришга тай-ёргарлик күриш зарурати пайдо бўлади.

Спорт кураши бўйича, бир қатор мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги вақтгача ТТТ масаласи ҳал этилмаган муаммо бўлиб келмоқда, чунки кўпчилик бу усулни тадбиқ этмайди, ТХ («технарий» деб ном олган)ни катта ҳажмда қўллайдиган полвонлар эса ҳозирги вақтда ҳам камдан-кам топилади.

ТТТни баҳолаш ҳамда қўйилган вазифани ҳал этиш учун уни қўллаш йўлларини ишлаб чиқилиши спортчиларнинг ТТТ даражасини миқдор жиҳатидан бир-бирига таққослаш ҳамда спорт тайёргарлигининг педагогик жараёнига муҳим тузатишлар киритиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда полвонларнинг тайёргарлигига баҳо бериш, асосан мусобақа фаолияти жараёнида ёхуд текшириб кўриш курашларнинг натижалари бўйича амалга оширилмоқда. Бунда полвонларнинг тайёргарлик даражасига қўпинча уларнинг мусобақаларда қандай ўрин олганликларига ёки уларнинг контрол олишувлар чоғида эришилган натижаларига қараб баҳо берилади.

Натижаларни олинганидан кейин тренер билан спортчи интенсив тарзда бўлгуси мусобақалар характеристини мужассамлаштирадилар ҳамда қандайдир даражада асосан, эвриотик усуслар билан кураш натижаларини олдиндан белгилаб прогноз қила бошлайдилар, яъни конкрет спортчиларнинг бўлгуси учрашувлари қандай натижа билан тугаши мумкинлигини олдиндан башорат қиласидилар, спорт тайёргарлигининг педагогик жараёнига шунга яраша тегишли тузатишлар киритадилар. Бунда улар асосан конкрет миқдорий кўрсаткичлар ва уларга берилган баҳоларсиз ёзма характеристидаги ахборотлардан фойдаланадилар.

Бундай маълумотларнинг характеристини кўрсатувчи бир мисол келтирамиз. Кураш тушиши мумкин бўлган икки рақибнинг мусобақалашув фаолиятларини ўз қўлланмалари бўйича баҳолаб чиқсан тренер-педагог шогирдига қўйидаги ахборотларни маълум қиласиди: полвон А. партерда турганида яхши ишлайди, букилиб туриб тўнкаришга ва рақибнинг узатилган оёқлари сонидан маҳкам ушлаб, уни тўнкариб афдаришга уста, рақибнинг икки оёғи орасига кириб олиб, уни кўтариб афдариш усулини ва айниқса курашнинг якунловчи даврига кирганда бу усулни жуда қаттиқ қўллаб, самарали равишда бажаради.

Рақибнинг қай даражада тайёргарлик кўрганлиги тўғрисидаги бундай ахборот унинг ана шу кучли томонларини нейтраллаштириш ва заиф томонларидан усталик билан фойдаланиш учун қарши чоралар кўриб қўйиш зарурлигини тақозо этади. Лекин ТТТ тўғрисида, унинг хусусиятлари миқдорий характер натижасининг мавжуд эмаслиги, ТТТ даражасига миқдорий баҳо бе-риб бўлмаслиги педагогик коррекция самарадорлигини анча пасайтиради ҳамда ҳар доим ҳам турли босқичларда спортчи полвонлар тайёрлаш лойиҳасини самара-ли тарзда режалаштириш ва назорат қилиб бориш им-конини бермайди.

Спорт тайёргарлиги амалиётига системали ёндошиш усулининг жорий этилиши полвонларни тайёрлашнинг турли босқичларида спорт курашининг ТТТ кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларга миқдорий баҳо бериш системасини қўлланиш усулларини ташкил этилишини тақозо этади. ТТТнинг айрим кўрсаткичлари кўпчилик мутахассислар томонидан баён этилган, уларнинг клас-сификацияси келтирилган (Б. Н. Шустин, 1983), уларни тадбиқ этишнинг турли хил йўналишлари белгилаб бе-рилган. Лекин ТТТнинг кўрсаткичлари системасини яратмай туриб, спорт чиниқишининг турли босқичларни самарали тарзда назорат қилиш, спорт ютуқларини прогноз қилиш методларини ишлаб чиқиш, спортчиларни лойиҳа бўйича тайёрлашнинг аниқ мақсадли вазифа-ларини ўртага қўйиш мумкин эмас.

ТТТ кўрсаткичларига спортчилар тактик-техник тай-ёргарлигининг хусусиятларига бериладиган миқдорий характеристика киради. Бу характеристика спортчининг қай даражада тайёргарлик кўрганлигини ифодаловчи умумлаштирилган баҳодан иборат бўлади. Бунда Олимпия ўйинларининг чемпионлари ва Жаҳон чемпио-ни бўлган foят кучли спортчиларнинг кўрсаткичлари идеал «чемпион модели» деб аталадиган қисмга кири-тилади.

Бундай баъзи бир миқдорий кўрсаткич белгиларини негиз сифатида қабул қилиб, спортчининг ёки команда-нинг тактик-техник тайёргарлик даражасига, шунингдек спорт тайёргарлигининг педагогик жараёни миқдори ва динамикасига баҳо бериш мумкин.

Мана шу негиз ўрнида қабул қилинган кўрсаткичларнинг тегишли йиғиндисини ТТТ кўрсаткичлари йиғиндиси билақ таққослашга асосланган нисбий характеристика тактик-техник тайёргарлик даражаси деб ата-лади.

## ТТТ КҮРСАТКИЧЛАРИ СИСТЕМАСИННИГ ТУЗИЛИШИ

ТТТ күрсаткичлари турли тадқиқот ишларидә ҳамда трёнер-педагогларнинг тажрибасида анча сезиларли даражада белгилаб берилган, лекин шунга қарамай ушбу күрсаткичларни турлича талқин қилиш ҳоллари мавжуд бўлиб, уларни тушунтиришда турли хил қўлланмалардан фойдаланилади. Спортчи тайёргарлик даражасининг турли томонларини уларнинг айрим олинган күрсаткичларига қараб ҳамда бир неча күрсаткичли комплекс тарзида баҳолаш мумкинлиги тўғрисида фактлар ТТТ күрсаткичларини классификация қилиш учун умумий йўл-йўриқ ҳисобланади. Комплекс күрсаткичларни вужудга келтиришда турли хил математик операциялардан фойдаланилади.

Спортчининг ТТТга хос бўлган битта конкрет хусусиятига тааллуқли бўлган жиҳати ТТТнинг якка күрсаткичи, деб аталади. ТТТнинг бир қанча хусусиятларига тааллуқли бўлган күрсаткичларининг қўшиб олиниши ТТТнинг комплекс күрсаткичи деб аталади (яъни бунда ўзаро бир-бирининг ўрнини қоплаши жиҳатидан мустаҳкам алоқада бўлган бир қанча якка күрсаткичлар системасига интегратив характеристерда баҳо бериш ҳоллари мавжуд бўлади).

ТТТ группа күрсаткичлари ТТТнинг хусусиятларига хос бўлган муайян бир группани қамраб олади. Бу группага бир нечта ТТТ якка күрсаткичлари ва комплекс күрсаткичлари уларга хос бўлган умумий характеристли белгилари билан бирга киритилади. Масалан, ТТТ ҳажмини ва хилма-хиллигини характеристерлаб берадиган, ҳужум қилиш ва қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларини күрсатувчи күрсаткичлар группаси ва бошқалар. Тадқиқотчилар ва тренер-педагоглар учун ТТТнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини боса оладиган күрсаткичларининг биргалашиб, жамланиб келишининг шакллантирилиши ҳамда функционал, психологик ва бошқа жиҳатлардан иборат күрсаткичлар группаси ҳамда бу күрсаткичларни ўзида мужассамлаштиргап полвонлар группаси муайян қизиқиши ўйфотиши мумкин.

ТТТнинг умумлаштирилган күрсаткичи спортчини тайёрлашнинг тадқиқ этилаётган турига хос бўлган барча хусусиятларини қамраб олади. Умумлаштирилган тарздаги модел характеристикаларининг асосий группаси турлари Б. Н. Шустин (1983) томонидан белгилаб

берилган. Спорт беллашувларида уларга құйидагилар киради:

- ҳужум қилиш ва ҳимояланиш ҳаракатларининг самарадорлиги;
- ҳимояланиш ва ҳужум қилиш ҳаракатларининг активлиги;
- ҳужум қилиш ва ҳимояланиш ҳаракатларининг ҳажми;
- ҳужум қилиш ва ҳимояланиш ҳаракатларининг хилма-хиллиги.

Спорт курашида ТТТнинг якка ва комплекс күрсаткичларини тадқиқ этиш учун күпроқ даражада фойдаланиладиган күрсаткичлар рўйхати 1-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган система ТТТ күрсаткичларини яна қайтадан ишлаб чиқиши имкониятларини чеклаб қўймоқда, чунки спортнинг мазкур турларида спортчининг тактик — техник жиҳатдан тайёргарлик дараҷаси бу ишни яна ҳам кенгроқ тадқиқ қилинишини тақозо этади. Буни ФИЛА қарорига биноан спорт курашини томошабинга яқинлаштириш мақсадида ёмалга оширади.

#### 1-жадвал

**Спорт курашида ТТТ нинг энг кўп қўлланадиган күрсаткичларининг рўйхати**

Якка күрсаткичлар	Белги-лар	Комплекс күрсаткич ва унинг математик формуласи	Белги-лар
-------------------	-----------	---	-----------

#### Ҳужум қилиш ҳаракатларига таалуқли күрсаткичлар

Техник ҳаракатларни амалга ошириш учун реал уринишлар сони	m	Ҳужумнинг ишончлилиги $H_a = \frac{n}{m}$	Ha
Техник ҳаракатларни ўтказиш учун баҳо қўйилган (муваффақиятли чиқсан) уринишларнинг сони	r	ўртача баҳо $\bar{a} = \frac{E}{n}$	a
Техник ҳаракатлар учун қўлга киритилган баллар йиғиндиси	E	Ҳужум даражаси $W_a = H_a \cdot a$	
Конкрет техник ҳаракатлар билан ҳужум қилишга бўлган уринишлар сони			

Якка кўрсаткичлар	Белги-лар	Комплекс кўрсаткич ва унинг математик формуласи	Белги-лар
-------------------	-----------	---	-----------

Ҳужумлар орасидаги интервал  
Муваффақиятли чиққан ҳужум интервали

ta

ty

c

### Ҳимояданиш ҳаракатларига тааллуқли бўлган кўрсаткичлар

Рақибнинг баҳоланган ҳужумлари сони.	N	Ҳимоянинг ишонч-лилиги	H <sub>3</sub>
Рақиб ҳужумининг умумий миқдори.	N <sub>1</sub>	Ютқазилган балларнинг ўртacha баҳоси.	C <sub>пр</sub>
Ютқазилган баллар йиғиндиси	L	Ҳимояланиш даражаси $K_3 = H_3 \cdot C_{пр}$ Ютқазилган усулларнинг зичлиги $P_1 = \frac{N}{t} \text{ (беллашув вақти)}$	K <sub>3</sub>

### Активликка тааллуқли бўлган кўрсаткичлар

Рақибдан огоҳлантиришлар ҳисобига ютиб олинган баллар сони	P <sub>р</sub> +	Ютиб олинган усуллар зичлиги $P = \frac{n}{t} \text{ (беллашув вақти)}$	P
Ютқазилган огоҳлантиришлар сони	P <sub>р</sub> -	Спортчи активлигига қўйилган баҳо $A = \frac{m}{t} \cdot \frac{P_p +}{P_p + P_p -}$ Техник жиҳатдан тайёрланганлик баҳоси $T_p = \frac{\Pi}{\Pi + N}$	A
		Унумдорлилик $C_1 = \frac{E}{L}$ Умумий фаоллик баҳоси $F = H_a \cdot C \cdot H_3$ Ҳужум активлигининг баҳоси $F_1 = H_a \cdot C$	C <sub>1</sub>

Якка кўрсаткичлар	Белги-лар	Комплекс кўрсаткич ва унинг математик формуласи	Белги-лар
-------------------	-----------	---	-----------

**Хилма-хилликка, ҳар томонламаликка тааллуқли бўлган кўрсаткичлар**

Полвон томонидан фойдаланилган техник ҳаракатлар сони

M Ҳар томонламалик баҳоси

R

$$R = \frac{M}{7}$$

(бу ерда 7-классифиқацион группалар миқдори)

Фойдаланилган техник ҳаракатлар вариантиларининг сони

M<sub>v</sub>

Фойдаланилган вариантларнинг хилма-хиллигинга қўйилган баҳо

$$d = P \cdot M_v$$

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар муайян педагогик маъно касб этади ҳамда ТТТнинг конкрет томонларини характерлаб беради. Бу кўрсаткичлардан ҳужум даражаси (Wa) сифатида қандай фойдаланиш мумкинлигини бир мисол орқали изоҳлаб берамиз. Тадқиқотчилар олдида: бир хил вазнга ва бир хил маҳоратга эга бўлган бир қанча спортчиларнинг ҳужум ҳаракатларига баҳо бериш вазифаси туради.

Полвон А

$$m=12$$

$$n=10$$

$$\bar{Ha}=0,83$$

$$\bar{a}=1$$

Полвон Б

$$m=10$$

$$n=4$$

$$\bar{Ha}=0,4$$

$$\bar{a}=4$$

Полвон В

$$m=15$$

$$n=9$$

$$\bar{Ha}=0,6$$

$$\bar{a}=3$$

Бунда m, n, Ha,  $\bar{a}$  белгилари 1-жадвалда кўрсатилган худди шундай белгилар маъносига мувофиқ келади.

Кўриниб турибдики, ТТТнинг ҳужум қилувчи ҳаракатлари полвонларнинг иккита комплекс ва иккита якка кўрсаткичлари орқали тақдим этилган. Улар орасида ҳаммадан кўра интегратив характерга эга бўлган бу ҳужумнинг ишончлилигини кўрсатувчи белги — Ha. Башарти, худди мана шу кўрсаткичнинг ўзнагигина қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, полвон А анча кўпроқ ютуққа эга бўлиб чиқади, чунки унинг ҳужум қилишидаги ишончлилик кўрсаткичи ҳаммадан кўра юқоридир. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, ҳужум қилиш ҳара-

катларига ҳужумнинг фақат ишончлилик кўрсаткичи юзасидан қараб унга якунловчи баҳо чиқариш ҳар доим ҳам тўғри ва етарли бўлавермас экан, чунки у комплекс кўрсаткичлар (ўртача баҳо) билан ўзаро бир-бира ни тўлдирувчи алоқада келади. Шунинг учун ҳужумнинг ишончлилик кўрсаткичини (ўртача баҳо) билан алоқада келишини ҳисобга олган ҳолда қуидаги кўрсатилганидек, ҳаракатларга баҳо беришда анча интегратив бўлган кўрсаткич  $Wa$  (ҳужум даражаси) орқали амалга оширишни таклиф қиласиз. Бу кўрсаткич қуидаги ифодалар билан белгиланади.

$$Wa = Ha \cdot a$$

(I)

Бинобарин, полвонларнинг ҳужум ҳаракатларига кўйилган баҳо қуидагича бўлади: полвон А.нинг баҳоси  $Wa = 0,83$ ; полвон Б.ни ки  $Wa = 1,6$ ; полвон В.ни ки  $Wa = 1,8$ .

Мазкур мисолда полвон В.нинг кўрсаткичи — ҳаммадан юқори кўрсаткичлардир ва у бошқа шароитларда бир хил бўлгани ҳолда шундай афзалликка эга бўлиб туради.

Ушбу полвонларнинг ҳужум қилиш даражасини бирбири билан таққослаб, педагог-тренерлар спорт тайёргарлигининг педагогик жараёнига тегишли тузатишлар киритишлари керак. Шундай қилиб:

— полвон А. ўзига қўйиладиган ўртача баҳони кўтариш имконини берадиган техник ҳаракатлар — приёмларни қўллашни ўзлаштириб олиши зарур;

— Полвон Б. ўзининг «шоҳ» усулларини шундай ўтказишини машқ қилиши керакки, унинг рақиби максимал даражада ўзини бошқара олмай қолсин. Ҳужум қилувчи ҳаракатларга келганда, полвон баҳо қўйиладиган ҳаракатларни усталик билан ишқоблар амалга ошириши керак (яъни ҳужумнинг ишончлилигини ошириш лозим);

— полвон В. ўзи таъланган спорт тайёргарлиги характеристикини сақлаб қолмоги зарур. Унга маслаҳат тарзида шуни айтиш мумкинки, у ўз тайёргарлигини яна ҳам яхшироқ такомиллаштириб бориш учун унчалик муваффақиятли чиқмаган. ТХ ларни биомеханик таҳлилини ўтказиш ҳамда уларни амалга оширишда ўз куч-ғайратини яна ҳам рационал тарзда тақсимлашни белгилаб олмоғи керак.

**Группа кўрсаткичлари ва умумлаштирилган кўрсаткичлар.**

Спортчиларнинг аниқ ТТТ даражасини баҳолаш вақтида бир полвоннинг жуда кўп миқдордаги кўрсаткичларини бошқа бир полвоннинг худди шунча миқдордаги кўрсаткичлари билан солиштириб, таққослаб чиқишига тўғри келади. Шунинг учун ТТТ нинг группа кўрсаткичларини ҳамда умумлаштирилган кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

Группа ёки умумлаштирилган кўрсаткичларининг шаклланиш принципи спортчиларнинг тайёргарлик характеристикасига бериладиган баҳо ва ўша характеристикалар рўйхатига боғлиқ бўлади. Баҳоланиши лозим бўлган ана шундай тайёргарлик даражасини белгиланиши керак. Группа кўрсаткичлари ва умумлаштирилган кўрсаткичларни шакллантириш принципи ана шу баҳога ҳам, яъни тадқиқотчилар ва тренер-педагоглар олдида турган вазифаларнинг тури ва характеристига ҳам боғлиқ бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, спортчи ёки команда қай даражада тайёрланганлигини баҳолаш мумкин-у, бироқ уни ўлчашнинг иложи йўқ. Гәп шундаки «ўлчаш» терминини биз катталиклар қаторига қўшамиз (масалан, спортнинг ўлчанадиган турлари соҳасида эришилган натижаларнинг катталиги), тайёргарлик даражаси термини эса, айниқса гап яккама-якка спорт беллашувлари тўғрисида бораётганида катталик ўлчови ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда фақат унга бериладиган баҳо тўғрисидагина гап кетиши мумкин. Мазкур тушунчаларнинг бундай аниқлаштириб олиниши спорт беллашувларидағи ТТТни тадқиқ этиш сифатини анча оширади.

Яккама-якка беллашувчи спортчиларнинг тайёргарлик даражасига бериладиган баҳо фақат ТТТ даражасини белгилаш билан чекланиб қолмайди. Бу соҳада группа кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, бунда якка ва комплекс тарздаги ТТТ кўрсаткичларидан фойдаланиш, бу кўрсаткичларни спортчининг функционал ва руҳий тайёргарлик даражаси, морфологик хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлар билан бирга жамланган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳам тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Спортчини тайёргарлик жиҳатларини тадқиқ этаётган тадқиқотчиларни кизиқтирувчи максимал даражадаги кўрсаткичлар сонини шакллантирадиган кўрсакчиликларни умумлаштирилган кўрсаткичлар қаторига киритиш керак.

Қўйида биз яккама-якка спорт беллашувлари учун

күпроқ мувофиқ келадиган группа күрсаткичлари ва умумлаштирилган күрсаткичларни шакллантиришнинг математик методларига мисол келтирамиз. Фараз қилайлик, яккама-якка олишув ва күрсаткичларнинг бир қатор белгилари мавжуд бўлсин —  $K_1, K_2, \dots, K_n$  — бу ерда  $P$  — тайёргарлик кўрганлик даражасининг баҳо бериладиган хусусиятлари, яъни умумий баҳо бериш учун танлаб олинган күрсаткичлар сонини ифода этади. Бундай ҳолларда умумлаштирилган күрсаткич ёки группа күрсаткичини қўйидаги формула бўйича топилади.

$$S_1 = B_1 K_1 + B_2 K_2 + \dots + B_n K_n \quad (2) \text{ бунда } B_1, B_2, \dots, B_n$$

Кўрсаткичлар салмоғининг коэффициенти бўлиб, одатда уни беш балли ёки ўн балли баҳолаш шкалалари ёрдамида эксперт қилиш йўли билан аниқланади. Буни мисол орқали тушунтирамиз: Полвон Д.нинг группа кўрсаткичларига қўйилган баҳо ТТТ кўрсаткичларини ўз ичига олади ҳамда у активлик ва хилма-хилликка тааллуқли бўлади. Унинг салмоқдорлик коэффициентлари беш балли шкала бўйича эксперт қилиш йўли билан қўйидаги тарзда аниқлаб чиқилган.

#### ТТТ кўрсаткичлари билан салмоқдорлик коэффициентларининг мувофиқ келиши

ТТТ кўрсаткичининг белгилари	$P$	$A$	$T_p$	$C_1$	$F$	$F_1$	$R$	$d$
Миқдорий характеристика	1,5	1,34	0,67	1,5	0,6	0,4	0,7	1,4
Салмоқдорлик коэффициенти	4	5	5	4	3	4	5	2

Фаоллик ва хилма-хилликнинг группа кўрсаткичи бу соҳадаги тайёргарлик даражаси сифатида қабул қилиниши мумкин. Унга бериладиган баҳо формула (1) дан келиб чиқсан ҳолда белгиланади:

$$S_1 = 4 \times 1,5 + 5 \times 1,34 + 5 \times 0,67 + 4 \times 1,5 + 3 \times 0,6 + 4 \times 0,4 + 5 \times 0,7 + 2 \times 1,4 = 31,79$$

Спортчининг кўрсаткичлари таркибидаги хусусиятлар бир хил шкала билан баҳоланган ҳолларда умумлаштирилган кўрсаткичини белгилашнинг ушбу усули кўпроқ мақбул бўлади.

Бошқа бир усул базага нисбатан, яъни база кўрсат-

кичига нисбатан аниқланадиган ҳеч қандай ўлчовга тушмайдыган нисбий күрсаткичлардан фойдаланишга асосланади. База күрсаткичи деб шундай күрсаткични айтиладыки, бундай даражага эришиш спорт тайёргарлигининг муайян босқичи якунига мұлжалланған бұлади. Ехуд бундан олдинги босқичларда құлға киритилған күрсаткичларни база күрсаткичи сифатида қабул қилиниши мумкин.

Спорт тайёргарлигини моделластириш вақтида база күрсаткичларининг киритилиши тадқиқотчиларга ва тренер-педагогларга спорт тайёргарлиги моделлари динамикасида (күрсаткичларнинг вақт жиҳатдан ўзгариши содир бұлғанида) мұлжални түғри ола билиц, спортчнинг маҳоратидаги айрим жиҳатларнинг қандай ривожланаётгандығын ва умуман спортчи маҳоратини түғри баҳолаш имконини беради.

Үртага қўйилған мақсадга қараб «чемпион модели»-нинг аниқ күрсаткичларидаги миқдорий белгиларни ёки спорт тайёргарлигининг муайян босқичида құлға киритилған ютуқлар күрсаткичини ёхуд динамиканы, планластирилған даража билан спорт тайёргарлиги дараҗасини бир-бирига қиёслаш учун қўлланиладиган аввалги босқичларда құлға киритилған ютуқлар күрсаткичини база күрсаткичи деб ҳисобланиши мумкин.

#### **ТТТ даражасига бериладиган баҳо мақсадидан келиб чиққан ҳолда база күрсаткичлари тузилишини танлаш**

ТТТ даражасини баҳолашдан мақсад  
Спорт тайёргарлиги жараёни-  
ни планластириш ва назорат  
қилиш

Энг юқори даражадаги спорт  
ютуқларини аниқлаб олиш

Спорт ютуқлари динамикаси  
ТТТ даражасининг таҳлили

База күрсаткичлари

Тайёргарликнинг ҳар бир босқичи ва умуман бутун циклга мұлжалланған ТТТ нинг олдиндан планластирилған (норматив) күрсаткичлари

«Чемпион модели» сингари идеал даражадаги ТТТ, яъни этalon си-  
фатида қабул қилинадиган күр-  
саткичлар  
Бундан олдинги босқичларда аниқ-  
ланған ТТТ күрсаткичлари

## КУРАШДА ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРНИ ЁЗИБ БОРИШ СИСТЕМАСИ

Мусобақалашув фаолиятини ёзив бориш ва кузатувлар олиб бориш вақтида полвонларнинг тайёргарлик даражасини миқдорий жиҳатдан (ТТТ кўрсаткичлари ёрдамида) аниқлаб олиш зарурати пайдо бўлади. Бу ишда турли рамзий ишоралар ва бошқалар ёрдамида стенография усулида ёзив олинган ҳужжатлар, кинога олинган ленталар, видеомагнитафон ёзувлари яхши ёрдам беради.

Кино лента ва видеомагнитафон ёзувлари қимматга тушадиган усул бўлганлиги учун ҳар доим ҳам улардан фойдаланишнинг иложи бўлавермайди. Шунинг учун беллашув муаммоларида турли хил техник-тактик ҳаракатлар тўғрисида ранг-баранг шартли белгилар (рамзий ишоралар)дан фойдаланган ҳолда турли хил ёзив бориш усулларидан фойдаланиш анча қўл келадиган йўл ҳисобланади.

Эркин кураш вақтида қўлланилайдиган қўйидаги рамзий белгилар тузилиши ишлаб чиқилган.

1. Усул қўлланилган ҳар сафарги уриниш полвон-рақиб шаклчаси орқали ифода этилади: тик турган ҳолатни ифодалаш учун вертикал ҳолатда, партерни ифодалаш учун эса шаклча горизонтал ҳолатда чизилади.

2. Ҳар бир шаклча белгилар билан тасвиirlанади. Айни маҳалда бу шаклча амалда мавжуд бўлган усуллар классификациясига мувофиқ равишда рақибга қарши ишлатилган ўсуллар групласини ҳам кўрсатади.

3. Рақиб гавдасидан ушлаб олинган жойлар кичик-кичик доирачалар чизиб белгилаб қўйилади.

4. Оёқлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳар хил белгилар қўйиш орқали кўрсатилади.

5. Ўнг ва чап қўл-оёқлар полвон рўпарасидаги рақиб гавдасида қандай ҳолатда турган бўлса, шундай ҳолатда (яъни чап қўл-оёқлар ўнг томонда, ўнг қўл-оёқлар — чап томонда) тасвиirlанади. Шаклчалар ва ҳаракатларни ифодалаш, уларни қўшимча тарзда изоҳлаш учун яна ҳарфлар орқали ифодаланган белгилардан ҳам фойдаланилади: Б — ошириб отиш, З — орқа томондан қилинган ҳужум, б — ён томондан — биқиндан қилинган ҳужум ва бошқалар.

Эркин ва классик курашдаги ТТТ ни ёзив бориш учун, шунингдек дзюдо ва самбо кураши учун қабул қилинган рамзий белгилар 2—4-жадвалларда келтирилган. Полвонлар ва тренерлар томонидан бундай ёзув

системаларининг яхшилаб ўрганиб олиниши беллашув чоғида ҳар иккала полвон томонидан бажарилаётган барча ҳаракатларни эркин ва тез ёзib олиш имконини беради. Бундай қўлга киритилган балларни кўрсатиб, ҳаракатларнинг ёзib олиниши кейинги ишларни енгилаштиради, улар ёрдамида ТТТнинг миқдорий кўрсатичларини аниқлаш, ёзib олинган маълумотларни осонлик билан ишлаб чиқиб, маълум бир, хуносага келиш мумкин.

Юлвон ва унинг рақиби қай даражада тайёргарлик курганлигини аниқлаш учун маълумотнома тузиш мақсадида улар томонидан бажарилган техник ҳаракатлардан ташқари яна полвонлар тайёргарлигининг бошқа жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу жиҳатлар осонлик билан аниқ ёзib олиш мумкин бўлган сифатлардан иборат бўлмоғи керак. Масалан, паст бўйли, миқти, кенг елкали, кучли, баланд бўйли, тез ҳаракат қиласиган, сусткаш, чидамли ва бошқа кўринишли полвонлар.

### ТТТ ДАРАЖАСИ ДИНАМИКАСИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Тадқиқ этилаётган масалаларнинг характеристига қараб, тайёргарлик даражаси динамикасига бериладиган баҳонинг дифференциал, комплекс ва аралаш методлари қўлланилади.

**Эркин ва классик курашда техник-тактик ҳаракатларни ёзиб бориш учун рамзий белгилар**

Асосий усуллар	Ушлаб олниш	Оёклар билан қилинадын ҳаракаттар
		Үнд оёқни ички томонидан оёқни илинтириш
		Чап оёқни устки томонидан илинтириш
		Гавдани күчоклаш,
		Чап соининг устки томонидан
		Үнд болдиринг ички томонидан ён томондан ўнд оёқни чаалиш

2-ЖАДВАЛНИНГ ДАВОМІР


Ассоней усулдар	Ушлаб олиш	Ушлаб олиш	Оёклар билан кишинадиган харакаттар
Ардариб отиши	Үнг тиззанинг ички томондан оёкларни чалиштириб	ОЛД ТОМОНДАН ЧАЛИШ	ОЛД ТОМОНДАН ЧАЛИШ
Эңгашыб	Елқадан башыриб	БҮЙИННИНГ ЕЛҚАГА ЯҚИҢ КИСМІДАН	ОРҚА ТОМОНДАН ЧАП ОЁҚНИ ЧАП ОЁҚНИ ИЧКАРИДАН
	Белдан ошириб	Риңағ шаклида ушлаш	ОЛД ТОМОНДАН ЎНГ ОЁҚНИ УРИБ ИТАРИШ
	Енбосхга олиб	БИЛАКЛАРНИ ИЧКИ ТОМОНДАН УШЛАШ	ЕН ТОМОНДАН ЎНГ ОЁҚНИ УРИБ ИТАРИШ
	Ийіритиш		
	Итарыб		

2-жадвалнинг давоми


Асосий усуллар	Ушлаб олиш	Оёқтар билан қолинадиган харакатлар
X	X	еңкадан ошириб
Tүнкариши	○○	даҳан остидан ушлаш
Қайнириб,	○○○	чалиштирилган боллирдан ушлаш
3	○	тез юриб келиб
ракиб томонга ўтиб	○○	узатилган оёқ сонидан ушлаш
думалатиб туриб,	○○○	гавдани орқа томондан ушлаш
букиб туриб,	○○○	оёқларни қайчи қилиб ташқири томондан қисиш

## 2-жадвалнинг давомири


Асосий усуллар		Ушлаб олиш	Оёклар билан қылнадиган харакатлар	
	ётқазиб турғыб <i>Парттерда ағдарыб отши</i>		оёқларни қайчи қылтиб ичкік томондан қисиши	
	энгашиб <i>Парттерда ағдарыб отши</i>		ёнбошга олиб	
	белдан ошириб <i>Парттерда ағдарыб отши</i>	<b>Күшимиңча белгилар</b>		
	ётқазиб турғыб <i>Күшимиңча белгилар</i>	 +  комбинация		
	уриниш <i>Күшимиңча белгилар</i>			



бахоли приём



карши усул



гавда билан босиш




тиламдан ташқарига ошириб олиш




тиламдан ташқарига чиқиб кетиш



приёмлар баҳоси



Ф. С.—Фронтал, яъни юзмаз-юз ўртacha туриш



огоҳлантиришлар

Дээдэл курашида техник-тактик ҳаракатларни ёзиг бориши учун рамзий белгилар

Белги ва усул номи

Белги ва усул номи

 — олд томондан чалиши

 — сон орқали ошириб отиш

 — орқа томондан чалиши

 — ўнг кўл билан чап оёқни, чап кўл билан ўнг осекни тиззанинг букилган жойидан ушлаб кўтариб отиш

 — тиззадан ушлаб, белдан ошириб отиш

 — шунинг ўзини бир хил аталадиган кўллар билан бажариш

 — тик туриб, белдан ошириб отиш

 — товондан ушлаб, кўтариб отиш

 — бир хил аталадиган оёқларнинг боддири билан ичкари томондан ишитириш

 — товондан ушлаб, кўтариб отиш

З-ЖАДВАЛНИНГ ДАВОМИ

Белги ва усул номи

Белги ва усул номи

↓ — ён томондан өзлиш

↙ — ён томондан күтариб түнкариш

↘ — товонга тазянниб туриб бошдан ошириб отиш

↗ — қўлларни қўлтиқдан ўтказиб ушлаб отиш

↔ — «тегирмон» — тик турган ҳолатда елкадан ошириб отиш

↔ — чўккалашиб туриб «тегирмон» — қилиш

↑ — оёқдан ушлаб кўтариш

↑° — кўйракдан ошириб отиш

✗ — оёқлар орасидан ушлаш

✗ — иккала обекни орасидак ушлаш

3 — товонни устки томондан илинтириш

3из — товонни ички томондан илинтириш

X-M — хансоку-маке

Белги ва усул номи

Белги ва усул номи

Λ∨ — ёнбошлаб ёткизиш

B — мувозанатдан чиқариш

↙ — ўтираётгандан олд томондан чалиш

A — оස්кларни «кайчи» қилиб иккى фәќнин қисиб  
олиш

↖ — чўккалаоб турганда олдиндан чалиш

○ — ётиб курашилаётган пайтда ағдарини

I — усул билан аниқ ҳужум қилиши

K — «коқа» баҳоси

KO — «юко» баҳоси

B — «ваздари» баҳоси

W — «иппон» баҳоси

Λ — усулии ўнгга ишлатиш

V — усулии чапга ишлатиш

1

♂ — ён томондан суяш

♂ — биш томондан суяш

♂ — күндалаңг суяш

♂ — юқоридан суяш

♂ — пастдан бүгіб ушлаш

♂ — юқоридан бүгіб ушлаш

♂ — тик турған ҳолда бүгіб ушлаш


2.


→ ♂ — «турыш-ётыш» боғлами  
(орқадан чалиш — суюб қолиши),


→ ♂ — орқадан ўнг томонга чалиш, ўнг томонга  
оддиндан чалиш амаллари

1

 — тирсакдаги оғриқ ричаги

 — күлларнинг қисилаб қолиши

 — татадан чиқиши

 — оғзаки огоҳлантириш

 — шидо

 — чуй

**K-K** — кейкоку


2.



 **(K)**



2.

 — орқадан чалингдан ўнг оёқ сони билан  
ёнибашлаб кўлланган карши усул  
чап томонга «кока» қилиш

4-ЖАДВАЛ

Самбо курашида техник-тактик харақатларни өзүб бериш үчүн рамзий белгилар

Ассоций белгилар	Ассоций белгиларниң варианктары
↑ — оёкни ушлаш	↑ — иккى оёқдан ушлаш
↓ — товондан ушлаш	↓ — болдирадан ушлаш
↔ — сондан ушлаш	↔ — «тегирмөн»
♂ — мувозанатдан чыкариш	♂ — сильтаб тортиб

#### 4. ЖАДВАЛНИНГ ДАВОМИ

Асосий белгилар

Асосий белгиларнинг варианктари

Р — сийлаб итариб

/ — орқадан чалиш

< — олдиндан чалиш

↗ — олд томондан оёқни оёққа уриш

↙ — товондан чалиш

↓ — ён томонда оёқни оёққа уриш

↙ — ён томонда оёқни оёққа уриш

↔ — қадам тезкорлиги

— оёқни икки томондан ушлаш

↔ — иккала оёқдан ушлаш

— қайчи қилиш

✗ — қайчи қилиш

#### 4. ЖАДВАЛНИНГ ДАВОМИ

Асосий белгилар

Асосий белгиларнинг варианлари

S — илмитириш

XX — силтаниб чиқиши

\$ — кучоқлаш обёкни илмитириш

/ — товонларни илмитириб кўтариш

T — бошдан ошириб отиш

† — белбоғдан ушлаб юқори кўтариш

°T — бошдан ушлаб кўтариш


— белдан ошириб отиш

— сондан ушлаб кўтариб отиш


> — кўнгларни елкага кўйиб ушлаш

Асосий белгилар

Асосий белгиларниң вариантилари



— күлләрдан ушлаб күтариш




— бошдан ушлаб күтариш




— күлни құлтүрдән үтқазиб күтариш

Я — күкракдан ошириб отиш

2 — тиззаларда туриб күтариб отиш



— ўнға қадам ташлаш



— партерға үтқазиш

Я — чапта қадам ташлаш

Етиб курашиш усуллари

Ү — миқилишдан сакланыш

Үт — бөш томондан

#### 4-жадвалнинг давоми

Асосий белгилар

Асосий белгиларниң вариантилари

Ү<sub>6</sub> — ён томондан

Ү<sub>8</sub> — юкоридан

Ү<sub>14</sub> — оёқлар томондан

Ү — тик туриб ясалган тирсак ричаги

Ү — елка ричаги

Ү — қўлларни тирсакдан букиб чалиштириш

Ү — тизза ричаги

Ү — тос-сон бўғимлари ричаги

Асосий белгилар

Асосий белгиларнинг варианtlары

-  — оёқларни букиб бир-бирита چалиштириш
-  — тиzzа ортидаги пайларни қисиш
-  — болдыр мускуларини қисиш.

Күшимча (изохловчи) ишоралар

[1] — биринчи огохлантириш

- |           |                              |
|-----------|------------------------------|
| <b>Л</b>  | — усулни чап томондан құллаш |
| <b>Р</b>  | — усулни ўнг томондан құллаш |
| <b>ИЗ</b> | — ички томондан              |
| <b>СН</b> | — ташқи томондан             |
| <b>ОД</b> | — бир хил аталаған           |

[2]

Иккінчи огохлантириш

**K** — тиззаза (тиззадан)  
**B** — ён (ён томондан)  
**+** — усулларни комбинацияга құшиш  
**→** — қарши усулни ифодалаш үчүн

**→** — ракибни күтариб гилемдән ташқарыға  
 чиқарып юборылғанини белгиләш үчүн  
**↙** — ётиб курашаёттан пайтида ёки йиккىлиб  
 туриб ракибни үзидән ошириб отиш

### Усулларниң баҳолари

- |  |   |
|--|---|
| <p><b>①</b> — бир балл</p> <p><b>②</b> — икки балл</p> | <p><b>④</b> — түрг балл</p> <p><b>☒</b> — соғ ошириб отиш, соғ ғалаба</p> |
|--|---|

**Беллашув натижаларини баҳолаш**

0:4— соф галаба  
1:3— баллар бүйича галаба  
2:3— 2:5:3—сал афзалик билан ғомис чикиш  
3:3— дуранг

Самбо курашида ушлаб олиш усууларини ёзиб  
бориш учун белгилар

Тик туриш холаттарини ёзиб бориш учун белгилар



— ўнг күлнинг билагидан чап кўл билан  
ушлаб олиш

Тик туриш холаттарини ёзиб бориш учун белгилар




— ўнг томонга қараб тўғри туриш



— чап томонга қараб тўғри туриш



— рўпарага қараб тўғри туриш  
ушлаб олиш



— чап томонга қараб энганиброк туриш



— ўнг томонга қараб энганиброк туриш  
кўл билан ушлаш

**4-ЖАДВАЛНИНГ ДАВОМИ.**

Самбо курашида ушлаб олиш усулларини ёзиб бориш учун белгилар  
бориш учун бейнеллар

Символ	Текущий ходатарини ёзиб бориш учун белгилар
	— чап ўмиздинг кўнгракка яқин қисмидан чап кўл билан ушлаш
	— белбогнинг олд томонидан чап кўл билан ушлаш
	— ўнг ўмиздинг орқа томонидан чап кўл билан ушлаш
	— белбогнинг орқа томонидан чап кўл билан ушлаш
	— белбогнинг чап ёнидан чап кўл билан ушлаш
	— чап кўл билан ўнг кўлнинг билагидан ушлаш
	— чап кўл билан ўнг кўл билагидан ўнг кўлнинг чап томонидаги қисмидан ушлаш
	— чап кўл билан ўнг кўлнинг билагидан ўнг кўлнинг чап томонидаги қисмидан ушлаш

Самбо курашида ушлаб олиш усулларини ёзиб борниш учун белгилар

Тик туриш ҳолатларини ёзиб борниш учун белгилар

— чап қўлниң тирсагидан ўнг қўл билан  
ушлаш

— чап ўмизининг кўкракка яқин қисмидан  
ўнг қўл билан ушлаш

— белбонинг олдинги қисмидан ўнг қўл  
билан ушлаш

— чап ўмизининг орқа қисмидан ўнг қўл  
билан ушлаш

— белбонинг орқа қисмидан ўнг қўл билан  
ушлаш

ТТТ даражаси бу полвонларда доимий күрсаткич бўлмай, балки спорт чиниқишининг педагогик жараёнида турли хил (ижобий ва салбий) омилларнинг таъсири остида у гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради. Спортчиларнинг тайёргарлигидаги буидай ўзгаришлар вақтга боғлиқ бўлиб, ТТТ даражасининг динамикасини, характерлаб беради. Ҳатто полвоннинг ўзи «мен ҳозир формани сақлаб турибман» дея тан олаётган бўлса ҳам ўтган муайян вақт ичиде ТТТ нинг қайсирид кўрсаткичлари ўзгариб қолган бўлади.

Тренер-педагоглар ҳар бир чиниқиши машғулоти жараёнида спортчининг комплекс тайёргарлик даражасини назорат қилиб борадилар, машғулот режасига муайян тузатишлар киритиб, қўйилган вазифани тўла амалга оширилишига эришадилар. Бироқ, миқдорий баҳо берии системаси ва методларицинг мавжуд эмаслиги спорт чиниқишининг самарадорлигини тушириб юборади.

Спорт тайёргарлигининг педагогик жараёнида тайёрликнинг бир томонини баҳолаш зарурияти ҳам, бир неча томонини баҳолаш билан бир қаторда тайёргарлик даражасини баҳолаш зарурияти ҳам мавжуд бўлади.

ТТТ га баҳо берининг дифференциал методи, бир полвоннинг алоҳида олиниган муайян кўрсаткичларини иккичи полвоннинг худди шундай кўрсаткичлари билан таққослашидан ёки уни тегишли база кўрсаткичлари билан солиштиришдан иборат бўлади. Бунда қўйидаги саволларга жавоб олиш мумкин бўлади:

— Аниқ бир полвоннинг ҳар бир ТТТ кўрсаткичи бўйича планлаштирилган даражага (баллар бўйича кўрсаткич даражасига) эриша олиндими?

— агар эриша олинмаган бўлса, у ҳолда ТТТ нинг қандай кўрсаткичларига эришилди-ю, қандай кўрсаткичларига эришилмади;

— қайси бир кўрсаткичлар режалаштирилган (база) кўрсаткичлари даражасидан қанча кучлироқ фарқ қиласди;

— Аниқ кўрсаткичининг динамикаси (вақт жиҳатдан ўзгариб бориш тезлиги) қандай бўлади ва шунга ўхшашлар.

Қўйида ТТТ даражасига баҳо берининг дифференциал методи қандай қўлланишига бир мисол келтирамиз. Полвон А.нинг ҳимояланиш усуllibарининг ишончлилиги ҳар йил сайин ўтказилган спорт тайёргарлиги циклларидан кейин ойдан-ойга қўйидаги тартибда ўзгариб борган:

A <sub>3</sub>	Ойлар									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Амалдаги кўрсат- кич Режалаштирилган (база) кўрсатки- чи	0,32 0,4	0,42 0,45	0,5 0,5	0,5 0,55	0,6 0,57	0,6 0,6	0,62 0,6	0,7 0,65	0,7 0,7	0,7 0,7

Машғулотларнинг бошида полвон А.нинг ҳимоя ишончлилигини Н<sub>3</sub> планлаштирилган даражадан (тай-ёргарликнинг 5-микроциклга қадар) орқада қолаётган эди, кейин у планлаштирилган даражага етди ва ундан ортиб кетди. Бундай ҳол шу билан изоҳланадики, тай-ёргарликнинг бошида ўtkазилган оддий чиниқиш системаси талаб қилинган даражага эришиш имконини бермади. Ҳимоя ҳаракатлари даражасини оширишга тегишли тузатишлар киритилгандан кейин эса спортчи ҳимояланишнинг ишончлилик даражаси режалаштирилган даражага эришди.

TTT даражасига баҳо беришнинг комплекс методи қабул қилинадиган қарорларни асослаб бериш учун TTT кўрсаткичларини ягона тўғри кўрсаткич деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилган вақтда қўлланади. TTT кўрсаткичини бундай ҳолларда умумий кўрсаткич деб аталади, TTT даражасига берилган тегишли баҳони эса комплекс баҳо деб аталади.

TTT нинг умумлаштирилган кўрсаткичи TTT нинг барча хусусиятларини ёки муайян хусусиятлар группаси ни-қамраб олади. Бу хусусиятлар ҳужум ёки ҳимояланувчи ҳаракатлардан, ҳажм ёки хилма-хилликдан ва бошқа кўрсаткичлардан иборат бўлади.

Буни бир мисол орқали изоҳлаб берамиз.

Полвон Д.нинг ТХ ҳар томонламалилиги ва хилмачиллигини қамраб олган ҳамда 32,79≈31,8 га тенг бўлган. умумлаштирилган кўрсаткич S<sub>1</sub> формула (1) да TTT кўрсаткичларининг ўша формула тарқибига киритилган ўртача йиғиндиси сифатида чиқарилган.

Худди шундай усул билан яна бошқа полвон тадқик этилиб, уларнинг кўрсаткичларидан S<sub>1</sub> қиймати аниқланган: полвон А.—35,8, полвон Б.—44,6; полвон Г.—41,8, полвон Д.—31,8, полвон Е.—41,2 кўрсаткичига эса бўлган.

Бунда энг яхши умумлашган кўрсаткич S<sub>1</sub> полвон Б.ники бўлиб, бу унинг юксак даражада техник тайёр-

гарликка эга бўлганлигини кўрсатади ҳамда техник ҳаракатларнинг кўпгина усулларини етарли даражада яхши эгаллаб олганлигидан далолат беради. Башарти, биз унинг  $S_1$  кўрсаткичини база кўрсаткичи сифатида қабул қиласидан бўлсан, у ҳолда қолган барча полвонлар ўз педагогик жараёнига тегишли тузатишлар киритиши зарур бўлади.

Умумлаштирилган ТТТ кўрсаткичи чиниқиши жараёни режасини коррекция қилиш, яъни унга тегишли тузатишлар киритиш вақтида асос — негиз сифатида хизмат қиласиди. Бу кўрсаткичлар модель характеристикасидаги учинчи даража кўрсаткичларига киради.

**ТТТ даражасига баҳо беришнинг аралаш методи.** ТТТ даражасига баҳо берилаётган вақтда ўртага қўйиладиган масалалар ҳар доим ҳам қараб чиқилган бир ёки икки метод ёрдамида ҳал қилинавермайди. Масалан, ТТТ якка кўрсаткичларининг йифиндиси анча кенг имкониятга эга бўлса ва у база кўрсаткичлари йифиндиси билан қўшилиб кетса, ёхуд мавжуд комплекс кўрсаткич ТТТнинг муҳим жиҳатларини ҳисобга олмайдиган бўлса, у ҳолда дифференциал ва комплекс методларни маълум маънода бир-бири билан бирлаштиридан аралаш методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ТТТ даражасига аралаш метод билан баҳо бериш тадбири қўйидаги тартибда амалга оширилади:

— баҳо беришдан қўйилган мақсад ва характердан келиб чиқиб, ТТТ якка кўрсаткичлари группаларга бирлаштирилади ҳамда улар бир группа учун унга тегишли группа кўрсаткичи белгилаб қўйилади. Бунда ТТТнинг баъзи энг муҳим кўрсаткичлари бундан кейинги таҳлиллар учун якка кўрсаткич сифатида фойдаланилиши мумкин;

— группа кўрсаткичлари ва якка кўрсаткичларининг қўшилишидан ҳосил бўлган йифинди ТТТ даражасига дифференциал метод билан баҳо бериш учун фойдаланилади. Бундай таҳлил вақтида қараб чиқилаётган кўрсаткичларнинг сони анча қисқариб кетиши муҳимдир. Бунга мисол келтирамиз.

1. Энг яхши ҳужум қилиш ҳаракатларини эгаллаб олган полвонни тўрт нафар ана шундай ҳужум қилиш даражаси бир хил бўлган полвонлар орасидан танлаб олиш зарур:

$$\begin{aligned} \text{полвон Е} & - Wa = 1,4 \\ \text{полвон З} & - Wa = 1,4; \\ \text{полвон М} & - Wa = 1,4; \\ \text{полвон Л} & - Wa = 1,4; \end{aligned}$$

Бундай ҳолда комплекс кўрсаткичлар бўйича баҳо бериш масаласи шу жиҳатдан мураккаблашиб кетадики, бунда барча полвонлар бир хилда ҳужум даражасига эга бўладилар. Ҳужум қилувчи ҳаракатларга яна ҳам тўлароқ баҳо бериш учун  $W_a$  кўрсаткичини якка кўрсаткич билан муваффақиятли ҳужум интервали  $\tau_y$  билан биргаликда фойдаланиб кўрилди. Бунда қўйидаги натижалар олинади.

$$\begin{array}{ll} \text{полвон Е.} - W_a = 1,4 & \tau_y = 0,4 \text{ с}, \\ \text{полвон З.} - W_a = 1,4 & \tau_y = 0,35 \text{ с}, \\ \text{полвон М.} - W_a = 1,4; & \tau_y = 0,48 \text{ с}. \\ \text{полвон Л.} - W_a = 1,4; & \tau_y = 0,32 \text{ с}. \end{array}$$

Бунда полвон Л.нинг муваффақиятли ҳужуми энг яхши интервалга эга, бинобарин, уни бошқалардан кўра афзалроқ деб тан олиниши керак.

2. Ҳимоя ҳаракатларини ва ҳажмни ҳам ўз ичига олган группа кўрсаткичлари йиллик тайёрлик цикли тамом бўлганидан кейин полвон К. билан полвон Н.нинг ҳар иккаласида кўрсаткичлар тенг бўлиб чиқади ва бу кўрсаткичлар олдиндан режалаштириб қўйилган дараҷада бўлади. Энди масъулиятли мусобақаларда иштирок этиш учун ана шу икки полвондан бирини танлаб олиш керак. Бундай ҳолларда ТТТ кўрсаткичига баҳо беришнинг аралаш методидан фойдаланиб, улардан фоллика тааллуқли бўлган якка кўрсаткичларни (масалан, ютилган ва ютқазилган огоҳлантиришлар) бир-бира га таққослаб хулоса чиқарилади.

### ТТТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Спорт кураши бўйича ТТТ кўрсаткичи жадвали полвонларнинг ТТТга баҳо беришини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бироқ, уларнинг аҳамиятини белгилашда юзага келадиган номувофиқликларни ҳисобга олиш керак. Масалан, Ўзбекистон ССР терма командасидан полвонлар группаси ТТТ кўрсаткичлари республика ичида мусобақалар бўйича белгилаганда бир хил даражага эга бўлса, бундан кўра юқорироқ даражадаги мусобақаларда эса (СССР чемпионатида, йирик турнирларда ва бошқа шунга ўхшаш пайтларда) кўрсаткичлар даражаси бошқача бўлади.

Бундай ҳолларда спорт тайёргарлигининг мақсадга мувофиқ келадиган кўрсаткичлар даражасидан фойда-

ланиш лозим, яъни агар тренер ва полвонлар ўз олдиларига ЎзССР биринчилигида мұваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар ёки шу даражадаги бошқа мусобақаларда иштирок этмоқчи бўлсалар, у ҳолда худди шу даражадаги мусобақаларда беллашиб аниқланган кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур бўлади. Бунда ТТТ га баҳо бериш учун бир ҳил маҳоратга эга бўлган полвонлар беллашуви протоколларини таҳлил қилиб чиқиш керак.

Агар спортчиларни тайёрлашдан мақсад уларни ғоят йирик мусобақаларда (Олимпиада ўйинларида, жаҳон чемпионатларида, Европа, СССР биринчилигида ва бошқаларда) иштирок этишни таъминлашдан иборат бўлса, у ҳолда ТТТ кўрсаткичларини мана шу катта мусобақалар чогидаги беллашувлар протоколларини таҳлил этиш асосида белгилаб чиқилади. Бунда юқори малакали полвонлар беллашуви асосий эътиборни қаратиш керак. Шундай қилиб, спорт тайёргарлиги режасининг аниқ мақсадга қаратилган топшириқларини баҳо бериладиган кўрсаткичларини характеристиришни даражасига қараб белгиланади.

Ўзбекистон ССР биринчилигида ғолиб чиққан ўсмирлар эришган натижаларнинг ўртача кўрсаткичлари база кўрсаткичи ҳисобланади ва улар мусобақанинг даражасини белгилайди. Агар шу база кўрсаткичи даражасига чиқа олмаган полвонлар ўз режаларига бир қатор тегишли тузатишларни киритиб, ўша ғолиблар даражасига эришишни ўзлари учун яқин вақтлар ичida бажарилиши керак бўлган вазифа қилиб қўймоқлари керак.

ТТТнинг база кўрсаткичидан юқори бўлган кўрсаткини бундан кўра юқорироқ даражадаги мусобақалар натижаси бўйича баҳолаш лозим. Бундай полвонларнинг ўз олдига қўйган мақсади яна ҳам масъулиятлироқ мусобақаларда, мукофотли ўринларни қўлга киритишдан иборат бўлмоғи керак.

### ПЕДАГОГИК ТУЗАТИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

ТТТ ни баҳолашнинг турли томонларини база кўрсаткичлари билан таққослаб аниқ мақсадни қўллаб амалга оширилаётган ўқув ишларининг самарадорлигини ошириш учун педагогик тузатишлар ўtkазиш ўйларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш мумкин. ТТТ нинг ҳар бир жиҳатини тегишли тарзда баҳолаб (яъни унинг ҳужумга ўтиш, ҳимояланиш, ҳажм ва хилма-хиллик жиҳатла-

рига баҳо бериб, бу жиҳатларни яхшилаш учун куч-ғайратни сафарбар қилиш ҳамда мусобақа фаолияти яна ҳам чуқурроқ таҳлилини амалга ошириш зарур бўлади.

Масалан, полвон А.нинг ҳужум ҳаракатларига баҳо берилаётган вақтда ундаги ҳужум қилиш ишончи юқори даражада ( $Na=0,8$ ) эканлиги кўрсаткич даражаси эса етарли ғасаллиги ( $Wa=0,8$ ) аниқланган, яъни полвон асосан рақибни партерга ўтказиш усулида муваффақиятга эришган ҳамда беллашув прётоколларидан ҳам кўриниб турганидек, кўпроқ ана шу усулдан фойдаланар экан. Партерда эса полвон А. усуllibарни ишга солмас экан. Бундай ҳолларда партерда қурашиш йўлларини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш зарур бўлади (рақибни ағдариб партер ҳолатига тушириб қўйилганидан кейин ўша заҳоти думалатиш ёки букиб ағдариш ёхуд гавдасидан, ё бўлмаса узатилган оёқ сонидан ушлаб кўтариб ошириб отиш усулини амалга ошириш зарур). Коррекция қилиб тузатишни бошқа бир тури бу ТХ ни ўрганиш усули бўлиши мумкин. Бу усул ҳам анча юқори баллар олиб берадиган усул бўлиб, энгашиб туриб рақибни кўтариб отиш, белидан ошириб отиш, елкасидан ошириб отиш, орқа томондан ҷалиб йиқитиш ва бошқа усуllibарни ўз ичига олади. Бундай ҳолларда полвон томонидан яхшироқ ўзлаштириб олинидиган усуllibарни танлаб олиш, полвоннинг индивидуал хусусиятларини, унинг қобилиятини ҳисобга олиш керак.

Агар полвоннинг ҳимояланиш усули етарли даражада ишончли бўлмаса, у ҳолда мусобақалар протоколларини таҳлил қилиб чиқиши лозим. Полвон ўз рақибига ютқазиб қўядиган ТХ ларни аниқлаб олиш, полвон хавфли ҳолатларга тушиб қолганда ўзини қандай ҳимоя қилишига, хавфли ҳолатлардан қайси йўллар билан чиқиб кетишига, шунингдек, у амалга оширадиган қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларининг қандай характерда бўлишига эътиборни қаратиши керак.

Педагогик тузатишлар киритиш учун бериладиган тавсияларга рақиб томонидан фойдаланилган техник ҳаракатлардан ҳимояланиш воситаларини ўрганиш, уларни қайта-қайта тақрорлаш ва такомиллаштириш, хавфли ҳолатларда ҳимояланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қарши ҳужумга ўтиш ҳаракатларини ўрганиб чиқиши тадбирлари асос бўлиши мумкин. Бундай тавсияларнинг танлаб берилиши тренерлар ва спорчичи-

ларнинг ТТТ умумий даражасини оширишга қаратилган ижодий планларига асло монелик қилмайди.

## ЧИНИҚИШДАГИ ҚҰШИМЧА ҲОЛЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Чиниқишиң машқлари жараёнини бошқариш вақтида чиниқишиң машқларидан құшимчалық ҳолларни назорат қилиб бориш ва таҳлил этиш катта ақамиятга әгадир. Чиниқишиң жараёнини бошқариш уч босқични ўз ичига олади (М. А. Годик, 1980):

- бошқариш обьекти ҳамда ўша обьект шаклланадиган ташқи мұхит түғрисида ахборот түплаш;
- олинган ахборотни таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш ва ишни режалаштириш.

Кураш бүйіча қозирги замон чиниқишида құшимчалық амалга оширадиган усуллари даражасини доимий рационалданауда таҳлил қилиб бориш ҳақида олинган натижаларни мусобақа фаолиятининг күрсаткичлари билан таққослаган чиқиши ва спортчининг қарастырылғанлығын тақомиллаштиришга құшимчаниң қайси бир тури күпроқ таъсир күрсатишини аниқлаб олиши, масъулиятни мөхияти етарли даражада белгиланғанлығини, катталиктарнинг миқдорий ақамиятини белгилаб олиш зарур:

- ихтисослашганлық, яғни мазкур чиниқишиң машқларини мусобақа машқларига үхшашлик даражаси;
- чиниқишиң машқлары таъсириининг у ёки бу ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йұналтирилғанлығы;
- чиниқишиң машқларининг самараасы салмоғига таъсир күрсатувчи координацион мураккаблик;
- машқларнинг спортчи организмінде таъсириининг миқдорий даражасини күрсатишида катталиктарнің мөхияти.

Мазкур классификацияни спорт кураши учун тадбиқ этилишини қараб чиқамиз.

**Құшимчалық үхшашлик.** Спорт курашида барча чиниқишиң машқлары специфик (яғни полвоннинг махсус машқлари, шерік билан

биргаликда үтказиладиган машқлар техникаси ва тактикасини такомиллаштириш, беллашувлар чогидаги маҳоратни мукаммаллаштириш) машқларга ҳамда носпецифик (спорт үйинлари, оғир ва енгил атлетика, акробатика ва гимнастика, кросс бўйича тайёргарлик) машқларига бўлинади. Чиниқиш машқларини режалашибтирилаётган вақтда мана шу специфик ва носпецифик машқлар нисбатини ҳам ҳисобга олиш керак. Носпецифик машқларни кўпроқ миқдорда режалашибтирилиши ёш полвонларни ҳар томонлама стук спортчилар қилиб тарбиялашга ёрдам беради. Махсус машқларнинг салмоғи эса спортчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик чиниқиш машқлари жараёнида аста-секин ошириб борилади.

Тренер томонидан специфик ва носпецифик чиниқиш воситалари сонининг доимий равищда ёзиб бориш жараёнини аниқ мақсадга эришишга ёрдам беради.

**Қўшимча машқларнинг мақсадга йўналтирилганлиги.** Маълумки, спорт курашидаги мусобақалашув фаолиятнинг спецификаси спортчиларни тезкорлик куч-қувватни ошириш бўйича тайёргарлигига ҳамда уларнинг махсус чидамлилик сифатларини ўтириш бўйича үтказиладиган машқларга нисбатан оширилган талаблар қўйилиши билан характерланади. Шунинг учун чиниқиш машқларида қўшимча талаблар полвонларда ана шундай ҳаракат сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлиши керак. Одатда чиниқиш машқлари вақтидаги оширилган талаблар тўртта группага бўлинади: аэроб-алактат (яъни тезлик-куч қўшимчалари); аэроб-гликолитик (яъни тезлик соҳасидаги чидамлиликни ошириш қўшимчалари) аралаш қўшимча талаблар, аэробик (яъни умумий чидамлиликни оширувчи) қўшимчалардан иборат.

Чиниқиш жараёнида ҳар хил йўналишдаги машқлар изчиллик билан бажарилиб борилишини ҳисобга олиш зарур. Чунончи Н. И. Волков (1975) чиниқиш машғулотларида машқларни бажаришнинг қўйидаги изчиллигини рационал, яъни мақбул изчиллик, деб ҳисблайди:

— аввал алактат-анаэробик (тезлик-куч), — кейин апаэроб-гликолитик (яъни тезлик ва чидамлиликни оширувчи) машқлар бажарилади;

— дастлаб алактат-анаэробик машқлар, кейин эса аэробик (яъни умумий чидамлиликни оширувчи) машқлар бажарилади;

— аввал анаэроб-гликолитик машқлар (унчалик кат-

та бўлмаган ҳажмда), кейин эса аэробик машқлар бажарилади.

Автор машқларнинг бошқача тарзда бирлаштирилган вақтда уларнинг ўзаро боғланиш жиҳатдан ижобий натижага эришиш қийин ва кўпинча бундай ижобий натижага эришиб бўлмайди деб ҳисоблади.

Амалий фаолиятда тренернинг ўзи чиниқиши машқлари жараёнига қўйидаги компонентлар бўйича баҳо бермоғи керак: давомийлик ва интенсивлик, машқлар ўртасидаги оралиқлар ва дам олиш характеристи, такрорлар сони ва бажариладиган машқларнинг координацион жиҳатдан мураккаблиги. Тренер машғулотларда ортирилган топшириқларни ёзиб борар экан, уларни қўшимчалар классификацияси (6-жадвал) билан таққослаб кўриши керак.

Чиниқиши машқларининг йўналиши юрак зарбининг частотаси (ЮЗЧ) бўйича ҳам назорат қилиш мумкин. Максимал интенсивлик билан ва унча катта бўлмаган ҳажмда бажариладиган машқлар одатда тезлик-куч сифатларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Бундай машқлarda энергия билан таъминланиши ички за-паслардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади юрак-томир системасига эса унча катта юк тушмайди, шунинг учун бу ерда ЮЗЧ ни назорат қилиш шарт эмас. Худди шунга ўхшаган, лекин катта ҳажмда бажариладиган ёхуд анча зўр интенсивлик билан 30—120 с ичида бажариладиган машқлар тезлик соҳасидаги чидамлиликни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Бу машқларни бажариш вақтида ЮЗЧ минутига 160—190 марта гача етади. Камроқ интенсивлик билан узоқ вақт бажариладиган машқлар умумий чидамлиликни такомиллаштиришга таъсир кўрсатади. Бунда ЮЗЧ минутига 130—160 марта бўлади (М. А. Годик, 1987).

М. А. Годик (1987) маълумотларига кўра машқларнинг йўналишига ЮЗЧ бўйича ёзиб берилаётган вақтда уларнинг изчиллигини ҳисобга олиш зарур. Бундай изчиллик ЮЗЧ нинг кўтарилишига ёрдам беради. Масалан, бир хил машқни бажарилган машғулот бошидаги кўрсаткичга қараганда худди шу машқнинг ўзини бажарилган машғулотнинг охирида ЮЗЧ 20—30 фоиз кўтарилади. Унда биринчи ҳолдаги қўшимча машқлар умумий ривожланишга таъсир кўрсатса, иккинчи ҳолда у тезлик соҳасидаги чидамлиликка таъсир кўрсатади:

**Чиникиш машқларини ўналишлар бүйича группаларга ажратиш  
вактида күшимчә топшириклар компонентларининг ахамияти (Н. И. Волков, 1968)**

Күшимчә йўналиши	Күшимчә компонентлари			
	Машқларнинг дэвомийлиги	Машқларнинг интенсивлиги	Дай олиш вақти	Такрорлаш сони
анаэроб-алактик (тезлик-куч)	6 с гача	максимал	машқлар ўргасида 1—2 мин., сериялар ўргасида 3—5 ми.	Хар бир серида 6—7 такрорлаш, 5—6 серия
анаэроб-гликолитик (тезлик чидамлнлиги)	0,3—3 мин. бир сафарги ишда, 0,3—2 мин, тақрорий ишда	субмаксимал ёки катта	3—10 мин.	3—6 серия ичидаги 2— 4 марта 5—6 серия такрорланади.
аэроб-анаэробик (ҳаракат сифратлар- нинг барча турлари	0,2 мин.	катта	0,2—0,5 мин. машқлар орасида, 3 мин. гача сериялар орасида	10 ва ундан зиёд бир марта тақрорланади- ган ишда 5—6 серия чекланмаган, дам олиб бўлгунча
	0,5—1,5 мин.	катта	0,5—1,5 мин. машқлар орасида 6 мин. гача сериялар орасида	2—4 серияли ишларда
	3—10 мин.	катта	чекланмаган, дам олиб бўлгунча	2—6
30 мин.	мўътадилликдан максимал даража <sup>“”</sup> гача алмашиниб турди			

## 6-жадвалнинг давомири

Күшимча компонентлари

Күшимча йўналиши	Машқларниң давомийлиги	Машқларниң интенсивиги	Даҳ олиш вақти	Такрорлаш сони
аэробик (умумий чиdamлилик)	1—3 мин.	мўътадил	0,5—1,5 мин.	10 ва ундан зиёд такрорий ишларда 5—8 серияни ишлар.* да, 2—8 серия 6—8
	3—10 мин.	мўътадил	чеклашмаган ўз кучига караб тақрорий иш бажариш	—
30 мин. ва ундан ортиқ		кичикдан кattaгача ўзгарувчан ишдан		
1,5—2 мин.		Каттадан то 1,5—2 мин. субмаксимал- гача	1,5—2 мин.	5—6 машқдан ибора* серия 3—4 марта такрорланади 4—6
анаболик (куч-кувват ва куч-кувватнинг чиdamлилиги)	чарчагунча	катта	3—4 мин.	

**Ортирилган топшириқнинг координацион мураккаблиги.** Ушбу характеристика чиниқиши машқларини камида икки группага бўлиши назарда тутади: биринчиси оддий (яъни шерикнинг қаршилигисиз, кичик тезликдэ бажариладиган ва бошқа) машқлардан иборат бўлса, иккинчиси мураккаб (яъни мусобақа шароитига яқинлаштирилган) машқлардан иборат бўлади. Чиниқиши машғулотларида спорт курашининг мана шу оддий техник ҳаракатларини ҳам, мураккаб ҳаракатларини ҳам бирдек назорат қилиб туриш лозим.

Силтаб тортиш, силтаб итариш, маҳкам ушлаб олиш, ушлаб олган рақиб қўлидан чиқиб кетиш, оддий ҳужум ҳаракатлари (ОҲҲ, яъни бунда ҳужум дарҳол усул тузилишидан бошланади) булар бари оддий техник ҳаракатлар қаторига киради.

Мураккаб техник ҳаракатларга мураккаб ҳужум ҳаракатлари (МҲҲ, яъни бунда ҳужум қилиш ҳаракатлари тактик тайёргарлик ҳаракатлари билан ҳамда усуллар комбинациясини қўллаб бажарилган ҳужум ҳаракатлари билан бирга бажарилади), ҳимояланиш, қарши ҳужумлар, усулларни бир-бирига боғлаб, яъни икки усулни бир-бирига қўшиб бажарилиши киради. Икки усул бирга бажарилган бундай ҳолларда улардан биринчиси тик туриш (ёки партер) ҳолатида, иккинчиси кўриниш эса партер (ёки тик туриш) ҳолатида якунланади.

Спорт кураши бўйича ўтказилган йирик мусобақаларнинг таҳлили шу нарсани аниқладики, МҲҲ дан тез-тез фойдаланган полвонлар катта муваффақиятларга эришганлар. Бинобарин, чиниқиши машғулотларида мураккаб техник ҳаракатларнинг режалаштирилиши полвоннинг жисмоний имкониятларини оширишга ёрдам беради (М. А. Годик, Р. И. Нуримов, 1978).

**Ортирилган машқлар салмоғи.** Бу кўринишда, яъни унинг салмоғи деганда спортчилар томонидан бажариладиган машқлар унинг организмига қай даражада (максимал, катта, ўртacha, кичик) таъсир кўрсатиши назарда тутилади. Кўшимча топшириқ салмоғини, одатда ҳажм ва интенсивлик кўрсаткичлари орқали бажарилади. Бунинг учун минутларда ифодаланган ҳажмни шартли бирликлар орқали ифодаланган интенсивликка кўпайтирилади.

Полвонлар чиниқиши машқлари вақтида ҳаракат ҳажмини назорат қилиб борилар экан, бунда: чиниқиши ва мусобақалашув фаолиятига сарф қилинган вақт (созат, кун, ҳафта, ойлар)ни чиниқтириш машғулотлари

сони (цикллар, босқичлар, даврлар)ни ёзиб бориш зарур.

Спорт курашида В. А. Сорванов (1978) томонидан таклиф қилингани ортириб борилган машқлар интенсивлигининг классификацияси (7-жадвал)дан фойдаланилади.

Чиниқиши мешғулотларида құшимча топшириқ салмоғини аниқлаш учун бирор машқни бажарилғандан кейин ЮЗЧ нинг ўртаса күрсаткичи ҳисоблаб чиқилади. Сүнгра жадвалдан интенсивлик қандай бұлишини қидириб топилади, уни мазкур машқни бажарыш учун кетгән вақтга күпайтирилади. Құшимча салмоғини чиниқиши пайтида таъсир йўналиши бўйича ёзиб борилгани маъқул.

#### 7-жадвал

#### Чиниқиши мешғулотлари ва мусобақалар құшимча интенсивлигиник баҳолаш жадвали

Чиниқишининг таъсир йўналиши	ЮЗЧ		Баҳо, баллар
	10 с.ичида	бир минутда	
Кўпроқ аэробик йўналинидаги құшимча топшириқлар	19	144	1
	20	120	2
	21	126	3
	22	132	4
	23	138	5
	24	144	6
	25	150	7
Аралаш аэроб-анаэробик йўналинидаги құшимча машқлар	26	156	8
	27	162	10
	28	168	12
	29	174	14
	30	180	17
Аэроб-гликолитик йўналишидағи құшимчалар	31	188	21
	32	192	25
	33	198	33

Чиниқиши мешғулотлари программасини тузәётган тренер спортчининг бажарған ишлари тўғрисида тасаввурга эга бўлмоғи керак. Спортчининг салбий ва ижобий томонларини билиб олган тренер уни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тайёрлаб бориши, мешғулот жараёнини аниқ мақсадга қараб ташкил этиши мумкин.

**Кураш соҳасида кўп йилларга мўлжаллаб спорт ўринбосарлари тайёрлаш.** Спортнинг барча турларида амалда юксак шатижаларга эришиш одатда тайёргарлик

сифатининг оширилиши билан чиниқиш машқлари методларини яна ҳам такомиллаштириб бориш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини турмушга тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида» қабул қиласан (1981) қарорида спортнинг олимпия турларини янада ривожлантириши таъминлаш, спорт резервлари тайёрлаш юзасидан қилинаётган ишларни кучайтириш, спорт профилдаги маҳсус мактаб-интернатлар, олимпия резервларини тайёрлаш марказлари ишининг самарадорлигини ошириш зарурлиги айтилган.

Ёш спортчиларни мунтазам равишда тайёрлаб боришига мўлжалланган кўп йиллик ишлар режасини одамнинг ривожланишидаги ёш хусусиятлари қатъий ҳисобга олинган тақдирдагина, унинг тайёргарлик даражасини ўзи танлаган спорт турининг спецификасини эътиборга олинган тақдирдагина муваффақиятли равишида амалга ошириш мумкин. Кўп йиллик ўқув чиниқиш жараёнини тўғри ташкил қилиш учун спортчилар ўз имкониятидаги энг юксак ютуқларни қўлга киритиши мумкин бўлган оптимал ёш чегарасини ҳам назардан қочирмаслик керак (В. П. Филин, Н. А. Фомин, 1980). Масалан, Г. С. Туманян (1985) маълумотларига кўра зўр бериб машқ қиласан полвонлар 18—19 ёшида спорт мастери унвонини олишга сазовор бўладилар. Энг кучли полвонлар 20—22 ёшида СССР спорт мастери вилоятларни борауда классдаги спорт мастери нормативларини бажарадилар. Олимпия ўйинлари финалистларининг ўртача ёши 25—26 ёшдан иборат эди.

Бир қатор мутахассислар оптимал ёш чегараларини белгилашни таклиф қиласан. Уларнинг фикрича, муайян бир ёшда полвонлар энг юксак спорт кўрсаткичларини намойиш қиласадилар. Чунончи, В. Н. Платонов (1986) спортчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик жараёни учта ёш зонасига ажратишини таклиф қиласади: унинг фикрича бу зоналар дастлабки катта муваффақиятлар (19—21 ёш), оптимал имкониятларга эга бўлган давр (22—26) ҳамда эришилган юксак патижаларни сақлаб туриш даври (27—30 ёш)ни ўз ичига олади. Полвонлар ёшини бундай зоналарга ажратилиши чиниқиш машқлари жараёнини яхшироқ системалаштириш имконини беради. Бироқ, кишининг ёши кўп йиллик спорт тренировкасининг рационал системасини тузуб чиқиши ва уни айрим босқичларга ажратиш вақтида

ҳисобга олиниши керак бўлган ягона омил эмас. Бу ишни амалга оширилаётган вақтда полвоннинг индивидуал жисмоний қобилиятини, жисмоний сифатларни тарбиялаш учун энг қулай ҳисобланган даврларни, шунингдек техник-тактик ҳаракатларни сифатли тарзда эгаллаб олишга бўлган майиллигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур.

В. П. Филин ва Н. А. Фомин (1980) нинг фикрларига қараганда, ёш спортчиларнинг кўп йиллик тренировкаси жараёни қўйидаги асосий методик қоидалар асосидан амалга оширилмоғи керак.

— болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катта спортчилар чиниқиши маҳқларининг восита ва методлари, вазифаларидаги давомийлик;

— умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик воситалари ҳажмининг аста-секин ўсиб бориши, маълумки, булар ўртасидаги нисбат аста-секин ўзгариб боради (тренировка нагрузкасининг умумий ҳажмига нисбатан маҳсус жисмоний тайёргарлик салмоғи ортиб боради) ҳамда шунга мувоғиқ равишда умумий жисмоний тайёргарлик ҳажмининг салмоғи камайиб боради;

— спорт техникасини муттасил такомиллаштириб бориш. Ўқитишнинг биринчи босқичидаги асосий вазифа бу рационал спорт техникаси асосларини, спорт соҳасида камолатга эришиш босқичларини билиб олишдан — юксак даражада ҳаракатларни координация қила оладиган бўлишга эришишдан, спорт техникасининг айрим деталларига «сайқал бериб бориш»дан иборат бўлмоғи керак;

Чиниқиши маҳқлари ва мусобақа пайтида учрайдиган қўшимча ҳаракатларнинг тўғри режалаштиришга, ёш спортчиларнинг функционал имкониятларини режали равишда ошириб бориш ва кўп йиллик чиниқиши маҳқлар жараёнида уларнинг ҳаракат маҳорати ва малакаларини такомиллаштириб борилишига чиниқиши машғулоти ва мусобақалар туғдирган қўшимча куч ҳажмини ва интенсивлигини муттасил ошириб бориш йўли билан эришиллади. Бунда чиниқиши машғулоти пайтида ҳаракат ҳажмини ва интенсивлигини ошириб бориш жараёнида давомийликни таъминлаш, қўшимчалар миқдорини бутун кўп йиллик ўрганиш маҳқлар жараёнида муттасил ошириб бориш зарур;

— кўп йиллик чиниқиши машғулотлар жараёнида чиниқиши ва мусобақалар салмоғини аста-секин ошириб бориш принципига қатъий амал қилинади. Спортчилар-

ни тайёрлашнинг кўп йиллик жараёнидаги барча босқичларда спортчининг ёшига ва ўша спортчи организмидаги индивидуал функционал имкониятларига тўла мувофиқ келган тақдирдагина спортчиларни тайёрлашиши яхшиланади;


— кўп йиллик чиниқиши машқларининг барча босқичларидаги жисмоний сифатларнинг ривожланишини таъминлаш ва айни маҳалда ушбу сифатларни ўстириш учун қулай бўлган ёш давридаги айрим сифатларни кўпроқ даражада ривожлантиришга эришиш лозим.

Юқорида баён этилган асосий методик қоидалар ёш спорчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик жараёнларини бошқаришда оптималь усуулларни амалга ошириш имконини беради. Бундай бошқариш спорт машғулотларининг объектив қонуниятларини самарали тарзда амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишда ўз ифодасини топади. Ўрганиш машқини оптималь бошқариш — бу ўқув чиниқиши жараёнини илмий жиҳатдан асосланган тарзда ташкил этишнинг самарали системаси бўлиб, спортчими сифат жиҳатдан янги, олдиндан режалаштириб қўйилган ҳолатга тайёрлашнинг турли томонларига комплекс тарзда аста-секин ўтказиб боришга қаратилган бўлади.

Спортчининг кўп йиллик ўрганишини яна ҳам самаралироқ бошқаришни ташкил этиш учун баъзи бир мутахассислар уни турли босқичларга бўлишни тавсия этадилар. Масалан, Филин В. П., Фомин Н. А. (1980) тўрт босқичга бўлишни таклиф қиласидилар. Бу босқичлар: олдиндан тайёргарлик кўриш, бошланғич тарзда спортга ихтисослашиш, спортнинг танланган турида чуқур ўрганиш машқлари ўтказиш, ўз спорт маҳоратини такомиллаштириб боришдан иборат бўлади.

В. Н Платнов (1986) беш босқичга бўлишни таклиф қиласидилар. Улар: бошланғич тайёргарлик, дастлабки база тайёргарлиги, маҳсус база тайёргарлиги, индивидуал имкониятларни максимал даражада ишга солиш, қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолиш босқичларидан иборат бўлади.

Спортни ривожлантиришнинг ҳозирги замон тенденцияларини ҳисобга олиб Ватанимиздаги ва чет эллардаги ўрганиш машғулотларнинг илгор иш тажрибаларини умумлаштириб Г. С. Туманян (1985) кўп йиллик чиниқишида тўртта цикл (бошланғич, рекорд өлди, рекорд ва якунловчи цикл)лардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайди. Бу цикллар олти босқични ўз ичига



Еши	11-12	15-16	18-19	20-22	25-26	28-30
Циклдар баштасынан боскун- чар	Рекорд атты Махсус таңбергер бюзә	Рекорд атты Махсус чүкүр таңбергерлик пик	Рекорд Эң жосак тоук- лашын намоиш хисеп	Рекорд Эң жосак тоук- лашын намоиш хисеп	Рекорд Актив әзілдік мәши- гипотаксику оста- секиң жүйелеш	Рекорд Актив әзілдік мәши- гипотаксику оста- секиң жүйелеш

1-схема

Дәюдочилар күп қылмык тренировкасиннан намунаш структура-  
си (Г. С. Туманян фикрига күра).

олади: база босқичи, махсус тайёргарлик, чуқур махсус тайёргарлик, юксак ютуқларни намойиш қилиш, спорт ютуқларини стабиллаштириш, кураш машғулотларини аста-секин тұхтатиши босқичларидан иборат бұлади. Г. С. Туманян дзюдо мисолида үзи томонидан ишлаб чиқылған схемани — полвонлар күп йиллик чиниқиси машғулотининг схемасини таклиф қиласы (1-схема). Күп йиллик үрганишнинг турли классификацияларини таҳлил қилиш улар үртасида үнчалик мұхим фарқлар йүқлигini күрсатади. Бироқ, амалда күпинча В. П. Филин ва Н. А. Фомин классификациясидан фойдаланылади.

## ЁШ ПОЛВОНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ТУРЛИ ЖИХАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

### КУРАШНИНГ МУСОБАҚАЛАШУВ ФАОЛИЯТИ СПЕЦИФИКАСИ

Хозирги заман спорт кураши спортчидан жуда пишиқ жисмоний, техник-тактик, функционал ва рұхан тайёргарлик күришни талаб қиласы. Спорт турлари классификацияси бүйіча кураш учинчи группага кириллган (В. С. Фарфель, 1969, Ю. В. Верхшанский, 1985). Компенсатор тарздаги қаттың өзгерісінде кураштың көрінісінде күрделілік көрсеткіш болады. Спорт курашининг турлары (классик кураш, әркін кураш, самбо, дзюдо) ичіда уларни классификация қилишни ишлаб чиқып зарур эканлигини күрсатади. Спортнинг бошқа турлари бүйіча чиниқтириш машқлары методларини күр-күрона тәдбиқ этилиши үша спорт группасына тааллуқлы бүлгелерге салынады, баъзи қолларда эса спорт натижаларига тескары таъсир күрсатади (А. А. Новиков ва бошқалар, 1986).

Классик ва әркін кураш бүйіча мусобақа қоидалари умуман бир хил бүлса ҳам, лекин техник ҳаракатларга бағыт берішда улар бир-бираидан бирор фарқ қиласы. Мусобақалар уч күн мобайнида иккі кичик группага бүлинген қолда давра системаси тарзда үтказилади ва финал қисми билан яқунланади. Ғолиб-чиққан полвон кам деганда олти-етти беллашув үтказмоғи ва бу

беллашувларнинг ҳар бири олти минутдан давом этиши керак (бир кунда 2—3 беллашув ўтказилади). Бу спортчидан тезлик — куч жиҳатдан жуда яхши тайёргарлик кўришни ва махсус чидамлилик кўрсатишни талаб қиласди. Бундан ташқари, спортчидан янги-янги ҳаракатларни эгаллаб олиш, ҳаракат фаолияти жараённида импровизация ва комбинациялар қилиш, турли ҳаракат характеристикаларини дифференциялашни ва уларни бошқаришни билиш маҳоратига эга бўлишни талаб қиласди (В. Н. Платонов, 1986).

Самбо кураши бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг тузилиши эркин ва классик кураш қоидаларига яқин туради. Улардаги регламент голибларни ва вази категорияларини аниқлаш формулалари ягонадир. Бу эса ўз навбатида мусобақа фаолиятига, унинг спецификасига ҳамда ўрганиш жараёнларининг тузилиш хусусиятларига ягона талаблар қўйишни тақозо этади.

Дзюдо бўйича мусобақалар ўтказиш қоидалари ва системаси курашнинг бошқа турларидан кескин фарқ қиласди. Полвон бир кун мобайнида ҳар бири беш минутлик 6—7 беллашувни танаффусиз ўтказади. Беллашувларнинг ҳар бири ҳам ҳал қилувчи ҳисобланади, чунки ютқазиб қўйилган тақдирда полвон финалга чиқа олмайди. Спорт курашини бундай турида муваффақиятли қатнашни учун спортчи ўзида махсус чидамлилик хусусиятларини ривожлантирган бўлиши керак. Бу хусусиятлар ичida чидамлиликнинг тезлик-куч компонентлари алоҳида аҳамият касб этади (А. А. Новиков ва бошқалар, 1986).

Спорт курашида мусобақалашув фаолиятини таҳлил қилиш курашнинг барча турлари учун характерли бўлган тезлик куч тайёргарлиги ва махсус чидамлилик тайёргарлигига foят юқори талаблар қўйилишини аниқлаб кўрсатади. Шунинг учун ёш полвонларни кўп йиллик чиникиши машқларини режалаштирилаётган вақтда анишу хусусиятларини ҳисобга олмоқ зарур.

Спорт мусобақалари — полвонларни тайёрлаш пайтидаги ўқув-ўрганиш жараёнининг муҳим таркиби ҳисмидир. Полвонларнинг ёши ва тайёргарлик даражасига мувофиқ равишда мусобақа режалари ва оғирликларининг нормалари ишлаб чиқилган. Болаларни мусобақаларда иштирок этиши учун тайёргарлик вақти кураш машғулотларининг дастлабки босқичида бир йилдан иборат бўлади. Классик ва эркин кураш бўйича мусобақалар ўтказиш юзасидан методик тавсиялар 8-жадвалда келтирилган (Филин В. П., Фомин Н. А. 1980).

Мусобакаларга күйилдиган талаблар

14—15

12—13

16—18

Ололдан күриладиган дастлабки  
тәйбәрлеккүнг мудати

Базн категориялары, кт

Контрол нормативлар төр-  
шүркелган шарондада камиды  
4—5 ой

16 категория:

32—35, 35—38  
38—41, 41—44  
44—47, 47—50  
50—53, 53—56  
56—59, 59—62  
62—65, 65—68  
68—71, 71—74  
74—77, 77 дан зиёд.

Спорт разрядлари бериш учун күйилдиган нормалари

Контрол нормативлар төр-  
шүркелган шарондада камиды  
4—5 ой  
16 категория:  
32—35, 35—38  
38—41, 41—44  
44—47, 47—50  
50—53, 53—56  
56—59, 59—62  
62—65, 65—68  
68—71, 71—74  
74—77, 77 дан зиёд.

Камда иккى ой  
11 категория:  
42—45, 45—48  
48—52, 52—56  
56—60, 60—65  
66—70, 70—75  
75—81, 81—87  
87 дан зиёд

**8-жадвалнинг давоми**

	Год		
	12—13	14—15	16—18
<b>Мусобакаларга кўйиладиган талаблар</b>			
<b>Мусобакалар миқёсси</b>	<b>Мактабининг ўзиди</b>	Республика мусобакаларига қадар, республика мусоба- каларни	Хар кандай миқёсдаги мусобака
Бир йилда катнаниладиган хатъаро мусобакалар сони	—	—	1—2
Бир йил мобайнида кураш бўйича мусобакалар (турнир мусобакалари) сони	Икки марта гача	Тўрг марта гача	Олти марта гача
Турнир мусобакаларидаги кунчлар сони	Бир кундан ортиқ эмас	Икки кундан ортиқ эмас	3—4 кун
Бир йилда ўтказиладиган маълакали мусобакалар (очик гуламлар) сони	Хар ойда бир марта 4 мин	Хар ойда иккى марта 2 марта даган ортиқ эмас	Хар ойда 3—4 марта 5 мин.
Бир кунда ўтказиладиган беллашув- лар сони	Икки марта гача	4 мин	3 марта даган ортиқ эмас
Битта мусобака вақтидаги белла- шувлар сони	2—4	4—6	6—8
Бир йилда ўтказиладиган беллашув- ларининг тахминий сони	14—16	20—30	60—90
Турнир мусобакалари орасидаги танаффуслар	4 ойдан кам эмас	2 ойдан кам эмас	1 ойдан кам эмас
Маълакали мусобакалар орасидаги танаффуслар	Бир ойдан кам эмас	Икки ҳафтадан кам эмас	Бир ҳафтадан кам эмас

	Ешил		
	12—13	14—15	16—18
Мусобақаларга күйилдиган талаблар			

Үмүмий жисмоний тайёргарлик ва  
максус жисмоний тайёргарлик бүйи-  
ча күзгү баҳорги контрол мусобақа-  
лары

ГТО бүйича ўкув мусобақалари

Барча ёш группалари учун икки мусобақа

Бутун йил давомида барча ёш группалари учун


Эслатма: белашуулар орасидаги дам олиш — 30 мин, мусобақалар олдидан вазнни енгил қулиш учун ку-  
рам ман қалынали. Кичик, ұрта ва кatta мактаб ёшидеги үсминалар фәқат әши группалары бүйінде  
мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилади. Ушбу тавсиялар, ишги Бутуннитифоқ спорт классифи-  
кациясы (1986) ни жисобға олган қойда қайта ишлаб чиқтылган.

**Юқоридаги 8-жадвалдан күриниб турганидек ёш полвонлар учун мұлжалланған мусобақа нағрузкалары полвонларнинг ёшига ва кураш машғулотлари соҳасидаги стажига қараб аста-секин ортиб боради. Ёш полвонлар учун мусобақаларнинг оптимал миқдори қанча бўлиши кераклигини аниқлаб олиш кўп йиллик ўрганиш машқларини режалашибирининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.**

### **Пловонларни кўп йиллар мобайнида техник-тактик жиҳатдан тайёрлаб бориш.**

Пловоннинг кўп йиллик ўрганиш — бу мураккаб ва узоқ вақт давом этадиган педагогик жараён бўлиб, юқсак малакали спортчилар тайёрлашга мўлжалланғандир. Г. С. Туманян (1982) нинг фикрича, тренер кўп йиллик ўрганиш режасини тузиб чиқар экан, чиниқини ва мусобақа оғирликларининг салмоғи ва йўналиши йилдан-йилга қандай ўзгариб боришини, бу ўзгаришлар унинг шогирдларига, уларнинг маънавий иродавий, жисмоний, техник-тактик жиҳатдан ўсишига ҳамда назарий тайёргарлигига қандай таъсир кўрсатишини ҳамда бу спорти ютуқлари (ҳатто СССР спорт мастери ва халқаро класседаги спорт мастери узвонига қадар) нинг ёш динамикасида қандай ифодаланишини яққол тасаввур этишни зарур.

Кўп йиллик ўрганиш жараёнида ўша ўрганишларнинг мураккаблиги нимага йўналтирилганлиги ва улар салмогининг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Бошлиғич тайёргарлик босқичида умумий ва ёрдамчи тайёргарлик асосий ўрини эгаллади (бу босқичларнинг класификацияси В. П. Платонов фикри бўйича келтирилади). Дастлабки база тайёргарлиги босқичи ёрдамчи тайёргарлик ҳажмининг ортиб бориши билан характерланади (умумий тайёргарлик билан биргаликда жами чиниқини ишлари умумий ҳажмининг 80—90 процентини ташкил этади). Махсус тайёргарлик кўпинча 15 процентдан ошмайди. Ихтисослашибирилган база тайёргарлиги босқичида махсус тайёргарлик ҳиссаси ортиб, умумий тайёргарлик ҳиссаси камайиб боради. Спортчининг индивидуал имкониятларини максимал даражада ишга солиш босқичида махсус тайёргарлик умумий иш ҳажмининг 60 процентини ва ундан кўпроқ қисмини ташкил қилиши мумкин. Кўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолиш босқичида махсус тайёргарлик ҳиссаси ниҳоятда юқори даражада бўлиб, умумий тайёргарлик ҳиссаси минимум даражага қадар камайиб кетади (В. Н. Платонов, 1986). Тайёргарликнинг ҳар



2-схема

Күп күллүк тренировка жарайнда умумий (А), күштимчы (Б) чамда махсус (В) тайёргарликкінгі тахминний нисбеттари (Физз — % биљан).

хил турлари нисбатини кўрсатувчи бу схема спортнинг барча турлари учун умумий бўлса-да, лекин у кураш соҳасида ўрганиш жараёнинг йўналиши тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қиласди (2-схема).

Спорт курашида ютуқларга эришиш кўп жиҳатдан полвоннинг рационал техник-тактик тайёргарлигига боғлиқ бўлади.

Муқаммал техника — бу энг яхши ютуқларни қўлга киритиш мақсадида спорт машқларини бажаришнинг барча самарали усуслари йиғинидесидир. Техникини эгаллаб бориш даражаси ўқиши жараёнида ўзгариб боради (у ёш полвоннинг элементар техникасидан бошлаб, то ҳалқаро класедаги спорт мастерининг муқаммал техникасини эгаллаб олингунча ўзгаришда бўлади). Рационал техника спортчига ҳаракат ва ҳолатларни мумкин қадар ўз вақти ва кучини эҳтиёт қилиб, тежаб бажариш имконини беради (В. П. Филин, Н. А. Фомин, 1980).

Еш полвоннинг то ҳалқаро класедаги спорт мастери бўлиб етишгунича ўтган даврни шартли равища (Г. С. Туманин фикрига кўра) тўрт босқичга бўлиш мумкин:

I босқич — бу мактаб техникасининг шаклланиш босқичи, яъни профиллашадиган элементлар ва уларнинг комплекслари таркиб топади.


II босқич — бу база техникасининг шаклланиш босқичи (яъни тактик тайёргарликлар, усуслар, қарши ҳужумлар ва ҳимоялапиши усусларини қарор топтириш усуслари).

III босқич — бу комбинацион техникани шакллантириш босқичи (яъни техник-тактик комплекслар ўрганилади).

IV босқич — бу индивидуал ўрганиш машқлари бўйича индивидуал техникани такомиллаштириш босқичидир (3-схема).

Кўп йиллик техник-тактик тайёргарликнинг ҳар бир босқичида «ўсиши салмоғи»ни аниқлаш зарур. Бунинг учун мусобақалар чоғида ёзиб борилган ТТТ ни баҳолаш системасидан фойдаланиш зарур.

Спорт кураши бўйича маҳсус илмий-методик адабиётларни ҳар томонлама таҳлил қилиш профессор И. И. Алихоновга (1986) полвонларни техник-тактик тайёргарлигини кўп йилларга мўлжалланган режалаштиришини ишааб чиқиши имконини берди. 9-жадвалнинг таҳлили шунун кўрсатадики, кураш техникаси элементлари ва техник тайёргарлик усуслари асосан 10—15 ёшдан бошлаб ўрганилиши керак (И. И. Алихонов, 1986).



3-схема

Полвонларни күп йиллар давомыда техника-тактика жиһатдан тайёrlашнинг мәзмуны ва босқычлары (Г. С. Туманян фикрига күра).

Шундан кейинги техник-тактик маҳоратнинг такомиллаштирилиши ўсмирлик ва ёшлик даврига тўғри келади ҳамда шу ёшда амалга оширилади.

Пландаги машқлар интенсивлиги В. А. Андреев ва А. А. Новиков (1974) шкаласи бўйича баҳоланади. Ушбу шкалага кўра 1 балл ЮЗЧ — ҳар 10 с. да — 18—19, 2 балл — 20—21, 3 балл — 22—23, 4 балл — 24—25, 5 балл — 26—27, 6 балл — 28—29, 7 балл — 30—31, 8 балл — 32—33 мартаға тўғри келади. Полвон кучини ривожлантириш учун бажариладиган ишнинг ҳажми унинг ёшига ва вазнига боғлиқ бўлиб, йилига 100 тоннадан 200 тоннагача ўзгариб туриши мумкин.

Техник-тактик тайёргарликка сарф қилинадиган куч-куватнинг умумий миқдори полвонлар малакасининг ошиши билан ортиб борса-да, лекин ўрганиш машқлар умумий ҳажмига нисбатан процент хисобида олганда камайиб боради. Полвонларнинг атлетик тайёргарлиги ва тезлик соҳасидаги чидамлилиги даражасини кўтариш зарурлиги мана шундай нисбатни тақозо этади.

#### 9-жадвал

##### Полвонларни тайёрлашдаги ўқув-ўрганиш ишларининг йиллик тахминий режаси (И. И. Алихонов фикрига кўра, 1986)

Чинқитириш ишларининг тuri	Полвонлар сарф қилган вақт (соат билан)				
	10—13 ёш	14—15 ёш	16—17 ёш	18—19 ёш	Терма команда учун
Мусобақа беллашувлари	—	1	2	4	5
Эркин ва контрол кураш	—	3	6	12	15
Ўқув-чиниқиш беллашувлари	—	—	—	—	—
Моделлаштириш	2	6	9	14	20
Ўқув беллашувлари	—	—	—	—	—
Ўрганиш	16	20	25	35	45
Техник усулиларининг қисмларини ўрганиш	12	20	28	35	40
Чирмаштириш машқлари	30	30	30	30	35
усулилариниң тактик тайёргарлиги	—	—	—	—	—
Техника элементларини ўрганиш	40	40	30	10	10
Техник-тактик такомиллашув учун кетадиган вақтниң жами	100	120	130	140	170
Баскетбол, вақтни белгилаб югуриш, чангидаги югуриш (интенсивлик 6 — 7балл)	5	8	10	15	20

9-жадвалнинг давоми

Чиниқтириш түри	Полвонлар сарф қилған вақт (соат билан)				
	10—13 ёш	14—15 ёш	16—17 ёш	ёш	Термакоманда учун
Кросс, тоққа чиқиш (интенсивлик 4—5 балл)	15	20	25	40	50
Күч ошириш машқлари	5	12	25	40	50
Чаққонлик, теэзлик, эпчиликни оширувчи машқлар	10	10	10	10	10
ГТО нормаларини топширишига тайёрланиш ва топшириш	15	15	15	5	—
Тайёрланиш машқлари (такрорларсиз)	25	40	50	75	100
Эрталабки жисмоний машқлар (такрорларсиз)	—	10	25	65	90
Назарий машғулотлар	5	5	10	10	10
Умумий ва маҳсус жисмоний ривожланиш учун кетгап жами вақт	80	120	170	260	330
Йил давомида амалда сарфланадиган вақт	180	240	300	400	500
Режалаштирилган вақт	300	450	600	900	1125

### КҮП ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА МАШҚЛАРНИ ЎРГАНИШ МАШҒУЛОТИ

Полвонларнинг күп йиллик тайёргарлиги тўрт босқичга: дастлабки тайёргарлик; бошланғич спорт ихтисослашуви, танланган спорт туридаги кучли чиниқиши, спорт соҳасида мукаммалликка эришиш босқичларига бўлиниди.

Кўп йиллик чиниқиши машқларининг ҳар бир босқичи қанча вақт давом этиши полвоннинг индивидуал хусусиятларига ҳамда ўрганиш жараёнининг мазмунига боғлиқ бўлади. Ёш спортчиларни тайёрлаш чоғида дастлабки учта босқичга катта эътибор берилади.

**Дастлабки тайёргарлик босқичи.** Ушбу босқичнинг асосий вазифаси: ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик кўриш, ёш полвонларнинг саломатлигини мустаҳкамлашва чиниқтириш, спорт кураши техникасининг асосларини ва бошқа жисмоний машқларни ўрганиш, ҳар томонлама тайёргарлик кўриш асосида функционал даражасини ошириш, меҳнатсеварлик ва интизомни тарбиялаш, спорт кураши машғулотларига қизиқиши ўйғотишдан иборат. Чиниқиши машқларининг асосий методи: ўйинлар,

**бир текис, ўзгарувчан, давра бўлиб тақорорий машқ қилиш методлари**дир. Чиниқишиш воситалари: ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари, гимнастик ва акробатик машқлар, кросс усулида югуриш, полвонлар учун мўлжалланган маҳсус машқлар, ўзини ўзи страховка қилиш, ўкув-ўрганиш беллашувларидан иборатdir.

Дастлабки тайёргарлик босқичида полвонлар тақтиқ тайёргарлик усулларини кўлланиб асосий группасини ўрганиб чиқишлари зарур. Бироқ полвоннинг ҳаракат техникасини чеклаб, уни стабиллаштиришга уринмаслик керак. Бу даврда беллашув ўтказишнинг комбинацион услубини янада такомиллаштириш учун ҳар томонлама ҳаракатлар қилиш техникасига фақат пойдевор қўйилади, холос.

Болалар машқларийни тренер кўрсатиб ва тушунтириб берганидан кейин усулларни яхши ўзлаштириб оладилар. Шунинг учун ҳам тренернинг ўзи ҳам кураш сирларини яхши билиши керак. Болаларга усулларни намойиш қилиб кўрсатиш ёки уларнинг деталлари тўғрисида муфассал сўзлаб беришни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки тайёргарлик босқичида болаларни кураш усулларига ўргатилаётган вақтда яхлит методдан тез-тез фойдаланиб туриш лозим. Янги усулларга ўргатиш чоғида болалар ҳаракат техникасининг деталларини яхши тушуниб олишларига эришиш керак.

Бу давр чаққонликни ва ҳаракат тезлигини тарбиялаш учун қулайдир. Шунга яраша чиниқишиш воситалари ҳам мавжуд бўлиши керак. Чаққонлик ва эпчиликни тарбиялашга катта эътибор бериш керак. Чунки худди шу сифатлар мураккаб техник-тақтиқ ҳаракатларни яхши эгаллаб олиш учун пойдевор яратади. Ёш полвонлар гавдасининг ўсиши ва вазнининг ортиб бориши одатда улардаги куч-қувватнинг кўпайиш суръатидан илгарилаб кетади. Шу сабабли куч-қувватни ошириш учун кучаниб бажариладиган ва узоқ вақт зўриқишиш талаб қилинанидиган машқларни танламаслик керак. Бу давр эпчиликни тарбиялаш учун айниқса қулайдир, негаки ўн уч ёнга етган боланинг бўғимларида букилувчанлик ва ҳаракатчалик хусусиятлари бироз сусайиб қолган бўлади. Букилувчанликни тарбиялаш учун умумий ривожланиш машқларидан ва шерик билан бажариладиган маҳсус машқлардан, снаряд билан ва снарядсиз бажариладиган машқлардан фойдаланилади.

Ўрганиш жараёнини ташкил этиш вақтида куч-қувватни тиклаш тадбирларини ҳам назарда тутиш керак.

**Чиниқиши мешғулотларидан кейин үтказиладиган сұн мұолажалари, чиниқиши машқлари, сузиш, ҳаммомга тушиш ва очиқ ҳавода машғулотлар үтказиш мана шундай тадбирлар қаторига киради.**

**Бошланғыч спорт ихтисослашуви босқичи.** Полвонни ҳар томонлама жисмоний тайёрлаш, унинг соғлиғини мустақкамлаш умумий чидамлилигини ҳамда тезлик-күч сифатларини тарбиялаш беллашувдан үтказишнинг комбинацион усуллари негизини әгаллаш, маңсус чидамликини тарбиялаш, мусобақалашиш тажрибасини әгаллаш — бу босқичнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Чиниқиши машқларининг асосий методлари: үйинлар, мұйытадиллек, үзгарувлар, такрорий мусобақалашиш, давра бўлиб шуғулланиш.

Чиниқиши воситалари: спорт үйинлари, кросс усулида югуриш, полвон учун мұлжалланган маңсус машқлар, акробатик машқлар, бироз юк күтариб бажариладиган машқлар, ўқув-чиниқтириш беллашувлари, мусобақа характеристидаги беллашувлар.

Спорт курашининг үрганиш жараёнини планлаштириш вақтида техник-тактик тайёргарлик масалаларига күпроқ эътибор бериш керак ва дарҳол техник ҳаракатларнинг тўғри биодинамик структурасига үргатишига киришиш керак.

Техник тайёргарлик соҳасида муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан полвонларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш қай даражадаги оптимал нисбатларда ташкил этилишига боғлиқдир. Үрганиш жараёнинг ҳаракатли үйинларни ва спорт үйинларини киришиш, шунингдек спорт курашида мұхим роль үйнайдиган жисмоний сифатларни тарбиялашга қаратилган, полвон учун мұлжалланган маңсус машқларни киришиш йўли билан тезкорликни тарбиялаш давом эттирилади. Бу даврда ёш полвонларда тезлик-күч сифатларини ҳамда букилувчанликни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Тезлик-күч сифатлари полвоннинг техник ҳаракатлари чоғида реализация қилинмоғи керак, чузилиш машқлари эса букилувчанликни тарбиялашда асосий машқлар ҳисобланади. Югуриш, спорт үйинлари, сузиш — умумий чидамлиликни оширадиган воситалар қаторига киради.

В. П. Филин ва Н. А. Фомин (1980) спорт машғулотларida чаққонликни тарбиялаш, янги ҳаракат малакаларини әгаллашга, шароит үзгариб қолган вақтда ҳаракат фаолиятини самарали тарзда қайта қуриш маҳора-

тига ўргатиб, такомиллаштириб боришга катта эътибор беришни таклиф қиласидилар. Шунинг учун чаққонликни тарбиялаш координацион жиҳатдан мураккаб бўлган ҳаракатларни эгаллаб олиш маҳоратини такомиллаштириб боришни ҳамда тўсатдан ўзгариб қолган шароит талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат фаолиятини қайта қуриш зарурлигини назарда тутади.

Спорт ўйинлари, акробатик ва гимнастик машқлар полвонларда чаққонлик ва эпчилликни тарбиялашнинг асосий воситалари ҳисобланади.

Куч-қувватни тиклаш тадбирлари: ўсмирларнинг кундалик фаолиятида чиниқиши машғулотлари билан дам олишининг оптимал режимига риоя қилиш, массаж, бассейн-ховузларда сузиш, ҳафтада бир марта буғли ҳаммомга тушиш, оқсил ва витаминларга бой таомлар билан тўйиб овқатланиш зарур.

**Танланган спорт туридаги кучли ўрганиш босқичи.** Чиниқиши машқлари қўшимча топшириқларнинг ҳажми ва интенсивигини ошириб бориш, полвоннинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириб бориш, етакчи жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг юқори дараҷасига эришиш, мусобақалашиш тайёргарлигини такомиллаштириш, ўрганиш машқлари ва мусобақаларда учрайдиган қийинчиликларни енгиш жараёнида маънавий иродавий сифатларни тарбиялаш бу босқичнинг асосий вазифасидир.

Ўрганиш машқларининг асосий методлари: такрорлаш, давра қуриб машқ қилиш, машқ турларини ўзгариби туриш, ўйинлар ўтказиш, мусобақалашидан иборат.

Ўрганиш воситалари: ўқув-чиниқиши беллашувлари, полвонга мўлжалланган маҳсус машқлар, умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) ва маҳсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) воситалари, штанга кўтариб бажариладиган машқлар, резина амортизаторларда тортилиб-чўзилиб бажариладиган машқлар, акробатик ва гимнастик машқлар. Бу босқичга келиб ёш полвонлар техник-тактик маҳоратнинг асосларини эгаллаб олган бўладилар, шунинг учун полвоннинг асосий фаолияти ҳаракат ма-лакаларини такомиллаштиришга қаратилади. Курашнинг ўрганилган усулларини кетма-кет бир неча машғулотда ва ўқув-тренировка беллашувларида кўп мартааб такрорлаш зарур. Мазкур босқичда маҳсус топшириқ билан бўлган машқларни (масалан, фақат кўтариб отиш усулидан фойдаланиб ўтказиладиган ку-

раш), ўқув-ўрганиш беллашувларини режалаштириш мүмкин. Полвонларга беллашувни ўтказиш тактикаси тўғрисида маълумот бериш зарур.

Кучли чиниқиши машқлари босқичида жисмоний сифатларни тарбиялашга катта эътибор бериш лозим, чунки спорт курашидаги мусобақалари шафолияти соҳасида муваффақиятларга эришиш полвоннинг тезлик-куч сифатларини ва маҳсус чидамлиликни ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Машқларни такорий ўзгартириси, динамик уринишларни бошқачароқ бажариш, турли оғирликларда бўлган шериклар билан бажариладиган техник ҳаракатларни такорий тарзда бажариш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ёш полвонларда тезлик-куч сифатларини тарбиялаш учун ўзининг тузилиши жиҳатидан техник-тактик ҳаракатларга яқин бўлган жисмоний машқлардан фойдаланиш, ўрганишнинг аралаш методини қўллаб, танланган спорт тури техникасини такомиллаштиришни тезкорлик ва кучлиликни тарбиялаш билан бирга қўшиб олиб бориш лозим (В. М. Дьячков, 1972).

Полвоннинг умумий ва маҳсус чидамлилигини тарбиялаш-ўрганиш жараёнининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Полвоннинг умумий чидамлилигини тарбиялашнинг асосий воситалари: кросс усулида югуриш, спорт ўйинлари, сузиш ва бошқалардир. В. П. Филин ва Н. А. Фомин (1980)нинг фикрича, умумий чидамлиликни оширишга қаратилган машқларни бажариш вақтида қўшимчанинг қўйида беш компонентини: машқларнинг интенсивлиги (ҳаракат тезлиги), машқлар қанча давом этиши, дам олишнинг кўп ё камлиги, дам олиш характеристери, паузаларни фаолиятнинг бошқа турлари билан тўлдириш, такорланишлар сони қанча эканлигини назарда тутиш керак.

Полвоннинг маҳсус чидамлилигини ошириш мақсадида шериклар алмаштириб туриладиган ўқув-ўрганиш беллашувларидан, маҳсус режимда (бир даврнинг ўзида 2—3 усул билан машқ қилиб) беллашувлар ўтказиш методидан фойдаланилади.

Куч-қувватни тиклаш тадбирлари: ўқиш, чиниқиши машгулотлари ва дам олишнинг оптимал режимига риоя қилиш, шахсий гигиена қоидаларини бажариш, бадани чиниқтириш, массаж муолажалари, ҳовузда сузиш, буғли ҳаммол, витамин ва оқсилга бой таомлар билан овқатланиш лозим.

## ҮРГАНИШ ЖАРАЁНИИ ПЛАНЛАШТИРИШ

Спорт машғулотларини планлаштириш — бу спорт тайёргарлиги масалаларини ҳал қилиш шароитларини, восита ва методларини олдиндан күра билишдир, бу — спортчи эришиши керак бўлган спорт натижаларини олдиндан күра билишдир. Ёш спортчиларни тайёрлашни тўғри режалаштириш — бу спортчиларнинг мазкур контингентини (ёки бир спортчининг) ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, шундан келиб чиқсан ҳолда тайёргарлик жараёнидаги асосий кўрсаткичларини белгилаб чиқиш ҳамда уларни вақтларга ажратиб, тақсимлаб чиқиши деган сўздир (В. П. Филин, Н. А. Фомин, 1980).

Сўнгги вақтларда спорт кураши соҳасида ўргатиш жараёнии планлаштириш тўғрисидаги тасаввурлар анча ўзгарди. Бу энг аввало мусобақалар қоидасига баъзи бир ўзгартишлар киритилиши ва ҳалқаро кураш федерациясининг мусобақалашиш тарзидаги беллашувларни томошабинга маъқул бўладиган даражага кўтариш бўйича қўйган объектив талаблари билан боғлиқдир.

Хозирги вақтда жуда кўп экспериментал материал тўпланган, спортчиларни яна ҳам юқорироқ даражада тайёрлашни режалаштириш учун объектив шарт-шароитлар яратилган. Спортчилар тайёрлаш жараёнини муваффақиятли бошқариш учун икки мухим ҳолатни ҳисобга олиш керак. Биринчидан юқори даражали спорт кўрсаткичларига эришиш мўлжалланган ҳозирги замон спортининг нагрузкалари ҳажми ва интенсивлиги кескин ўсиб, биологик нормалар чегарасига келиб қолган ва иккинчидан, жаҳондаги етакчи спортчилар ўрганиш машқи уларнинг маҳорат даражаси миқдорий параметларида бараварлашиш ҳоллари содир бўлмоқда. Шу муносабат билан чиниқиши структурасини оптималлаштириш ҳамда режа тузиш масаласи биринчи даражали аҳамият касб этмоқда (Л. П. Матвеев, 1977).

Урганиш жараёнии планлаштириш — бу энг аввали, турли даврларга мўлжалланган режалар системасини яратишидир. Ўша белгиланган давр ичida бир-бiri билан боғлиқ бўлган бир қатор ният-мақсадлар комплекси амалга оширилмоғи керак. Дарс (машгулот) тренировка жараёни (структурасидаги) энг оддий бир қисмидир. Айрим машғулотлар бирлашиб ўргатиш машқи кунини ҳосил қиласди, бундай чиниқиши кунларидан микроцикл вужудга келади, бир қанча микроцикллар

бирлашганда эса янги, нисбатан мустақил ўрганиш жараёнининг қимматли бир қисми — мезоцикл яратилади. Бир қанча мезоцикллар қўшилиб, яна ҳам йирироқ ва нисбатан тугалланган структура макроциклни вужудга келтиради (Г. С. Туманян, 1984). Ўргатиш машқининг бундай микро-, мезо- ва макроциклларга ажратиб даврлаштирилишига биноан тайёргарлик салмофининг катталиги, ҳажми, интенсивлиги, восита ва методлари ҳам ўзгариб боради.

Спорт курашида ўқув-ўрганиш жараёнини планлаштириш қўйидагича шаклларда амалга оширилади.

— истиқбол режалари — босқичлар, даврлар, бир йил ва бир неча йилларга мўлжалланади;

— кундалик жорий режалар — ўрганиш машқлари тарзидаги микроцикллар шаклида ўtkазилади;

— оператив режалар — битта машғулот ўтказиш белгиланади.

Еш полвонларнинг кўп йиллик тайёргарлигига мўлжалланган перспектив режа тузиш вақтида спорт курашининг ривожланиш тенденциялари қай йўсинда бораётганлигини ҳамда мусобақа қоидаларида қандай ўзгаришлар бўлишини ҳисобга олиш ва бунга амал қилиш керак. Шу муносабат билан ўрганиш воситаларининг ҳажми ва интенсивлиги масалаларидаги ўзгаришларни ҳам кўзда тутиш зарур.

Олдинда тайёrlанган режа бутун ўқув группаси учун ҳам, ҳар бир полвон учун алоҳида тузилиши ҳам мумкин.

Спорт тренировкасининг умумий (группа) режаси қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади; группанинг қисқача характеристикаси, кўп йиллик чиниқишининг мақсади ва асосий вазифалари, тайёргарлик босқичлари ва ўрганиш жараёнининг босқичлари бўйича белгилаб чиқилган асосий йўналиши (асосий вазифалар, уларнинг ҳар бир босқичидаги салмофи), спорт-техника қўрсаткичлари ва спортчиларнинг қанчалик тайёргарлик қўрганигини белгиловчи контрол нормативлар, педагог ва врач назорати (В. П. Филин, Н. А. Фомин, 1980).

Ўрганиш машқининг перспектив режалаштириш йиллик режаларнинг албатта тушиб чиқилишини талаб килади. Бу режаларга қўлланадиган воситалар ҳамда ўргатиш вақтидаги қўшимча топшириқларнинг муфассал баёни киритилади. Кундалик режалаштиришда спорт формаси динамикасининг илмий қонуниятларидан фойдаланилади (спорт формасининг шаклланиши, стабил-

лашиши ва вақтингча пасайиши назарда тутилади). Жорий режалаштириш структурасига турли омиллар: ўқиш, меҳнат режими, машғулотларнинг мазмуни, миқдори ва орттириб борилган ҳаракатларнинг жамланган катталиги, қўшимча ўрганиш топшириқларига нисбатан бўладиган реакциянинг индивидуал хусусиятлари ҳамда полвонларнинг малакаси таъсир кўрсатади.

Оператив режалаштириш жорий режалаштириш асосида амалга оширилади. Режалаштиришнинг бу тури вазифаларнинг аниқлаштирилишини, воситалар, методлар, орттирилган машқ ҳажми ва интенсивлиги аниқ бўлишини назарда тутади. Чиникиш машғулотларининг структураси энг аввал чиникишнинг юқори самарасига ёришишга қаратилганлиги билан белгиланади. Оператив режага мувофиқ ўрганиш машғулотининг режаси тузилади. Бу режа тайёргарлик (разминка) машғулотнинг асосий ва якунловчи қисми такрорлашлар сони. пауза қанча вақт давом этиши ва дам олиш характеристикуларни мурасимлайди.

Ўрганиш жараёни уч даврга: тайёргарлик, мусобақалашиш, ўтиш даврларига ажратилади. Тайёргарлик давридаги чиникиш актив дам олиш ва маҳсус бир иш билан интенсив равишда машғул бўлишдан аста-секин жисмоний сифатларни янада ривожлантиришга, кураш техникаси ва тактикасини эгаллаш ва такомиллаштиришга ўтишни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу даврда спортчининг бўлажак мусобақалашиш даврида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун мустаҳкам замин яратилмоғи керак. Тайёргарлик даврининг асосий вазифаси организмнинг функционал имкониятини оширишдан, полвоннинг умумий жисмоний тайёргарлигини кўтаришдан ҳамда унга зарур бўлган жисмоний сифатларни ривожлантиришдан, техник-тактик ҳаракатларни ўзлаштириш ва такомиллаштиришдан, бу ҳаракатларни амалга ошириш чоғида юз берган камчиликларни тугаштишдан, полвоннинг маънавий ва иродавий фазилатларни тарбиялашдан иборатdir.

Чиникиш машқларининг мусобақалашиш давридаги мақсад-полвонларни мусобақага тайёrlаш ҳамда уларнинг бу мусобақаларда муваффақиятли равишда қатнашишини таъминлашдан иборат. Мазкур даврдаги асосий вазифа чиникишнинг юксак даражасига ёришишдан, техник-тактик ҳаракатларни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан, беллашувни тактикаси хусусидаги билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан, жисмоний иродавий ва маънавий сифатларни ривожланти-

ришнинг юксак даражасига эришишдан, назарий билимларни кенгайтиришдан иборат бўлади.

Бу босқичда спортчи масъул мусобақаларда ўзининг малакасига қараб иштирок этади.


Ўргатишнинг ўтиш даврига хос бўлган хусусияти — бу даврда қўшимча машқ топшириқларнинг камайишидир. Мазкур даврнинг асосий вазифаси: соғлиқни мустаҳкамлаш ва организмни чиниқтиришдан, умумий жисмоний тайёргарликни оширишдан иборат бўлади.

Асосий воситалар: спорт ўйинлари, сузиш ва бошқалардир. Тўғри ташкил этилган ўтиш даври организмнинг функционал имкониятларини яна ҳам ўстириш учун, полвоннинг маҳсус тайёргарлиги учун қулай бўлган шарт-шароитлар яратади.


### **ПОЛВОНЛАРНИНГ ТРЕНИРОВКА ЖАРАЁНИНИ ХОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ**

Бир йил мобаймида бир текис тақсимлаб чиқилгани масъулиятли спорт мусобақалари сонининг ортиб бориши 3—4 макроциклларнинг пайдо бўлишига олиб келали. Битта макроцикл асосида бир йиллик ўрганиш машқларини режасининг тузиб чиқилиши бир хил тақрорланадиган машғулот, иккита макроцикл асосидагиси икки циклли, учта макроцикл асосида тузилганлари — 3 циклли машғулот деб аталади. Ҳар битта макроциклда, шунингдек тайёргарлик, мусобақалашиш ва ўтиш даврлари мавжуд бўлади. Икки ва уч циклли чиниқиши жараёнларини ўtkазиш вақтида кўпинча «иккиланган» ва «учланган» цикллар деган ном олган вариантлардан фойдаланилади. Бундай ҳолларда биринчи ва иккинчи макроцикллар ҳамда иккинчи ва учинчи макроцикллар ўртасида ўтиш даврлари режалаштирилмайди, давом этаётган макроциклларнинг мусобақалашиш даври эса сокинлик билан бундан кейинги циклнинг тайёргарлик даврига ўтиб кетади (В. Н. Платонов, 1986) (4-схема).

Бир қатор мутахассислар кўп йиллик режалаштирилган машғулот вақтида қўлланиш мумкин бўлган йиллик циклларнинг тадбиқ этилиши учун ўз вариантларини таклиф қилмоқдалар (5-схема). Масалан, Р. Петров (1977) полвонларни чиниқтириш чоғидаги биринчи ва иккинчи йилларда улар билан бир циклли ўрганиш машқларини режалаштиришни, учинчи ва тўртинчи йилларда эса икки циклли ўқув машғулотлар ўtkазишни режалаштиришни таклиф қилади. Муаллиф ўргатишнинг оператив режасини тузиб чиқиш пайтида болалар



4-схема



5-схема

Түр<sup>к</sup> йилга мұлжалланған перспектив планнинг намунасынан схемаси (Р. Петров фикригінде күра).

ва ўсмирлар билан бир ҳафталик циклар ўтказиш бўйича ўз схемасини тавсия этади (10-жадвал).

Ўрганиш жараёнини рационал тарзда ташкил этиш спорtnинг ҳозирги замон амалиёти ва методикасида асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммони биологлар, физиологлар, биохимиклар ва педагоглар ҳамкорликда ҳал қилишлари керак. Ёш полвонлар чиниқиши машқларининг кўпигина масалалари, жумладаи ўрганишнинг барча босқичларида моделли характеристикаларни ишлаб чиқиши, жисмоний тайёргарликнинг зарур нормаларини тайёрлаш, кўп йиллик ўрганиш жараёнида машғулот ва мусобақалариш қўшимча оғирликларининг структурасини тайёрлаш, ўрганиш жараёнини режалаштириш шаклларини ишлаб чиқиши сингари масалалар ҳал қилиниши зарур.

Юқорида айтиб ўтилган йўл-йўриқ кўрсатмаларга амал қилиш, ёш полвонларни камолот чўққисини забг этишга кўмак беради.

#### 10-жадвал

##### Кичик ва ўрта ёшдаги болалар ва ўсмирлар учун намунавий бир ҳафталик циклар (Р. Петров фикрига кўра, 1977)

Ёш группаларни	Ҳафтанинг кунлари					
	лушанба	сешанба	чор- шанба	пяр- шанба	жума	шамба
<b>Тайёргарлик даври</b>						
Болалар	УЖТ	—	TTT	—	УЖТ	—
Кичик ёшдаги ўсмирлар	УЖТ	TTT	—	УЖТ	TTT	—
Катта ёшдаги ўсмирлар	УЖТ	TTT	УЖТ	МЖТ	УЖТ	TTT
				TT		
<b>Мусобақалашиш даври</b>						
Болалар	—	TTT	—	УЖТ	—	МЖТ
Кичик ёшдаги ўсмирлар	—	УЖТ	МЖТ	УЖТ	TTT	МЖТ
Катта ёшдаги ўсмирлар	МЖТ	УЖТ	МЖТ	УЖТ	TTT	МЖТ
	TT		TT			TT
<b>Утиш даври</b>						
Болалар	—	УЖТ	—	УЖТ	—	саёҳат
Кичик ёшдаги ўсмирлар	УЖТ	—	TTT	—	УЖТ	—
Катта ёшдаги ўсмирлар	—	УЖТ	TTT	—	УЖТ	УЖТ
						саёҳат

**Эслатма:** УЖТ — умумий жисмоний тайёргарлик,  
 ТТТ — техник-тактик тайёргарлик,  
 МЖТТТ — маҳсус жисмоний тактик-техник тайёр-  
 гарлик

## ТАБСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

- Алиханов И. И. Техника и тактика вольной борьбы. Изд. 2-е, перераб. и доп. — М.: Физкультура и спорт, 1986. — 304 с.
- Белякова Н. Т., Юрловский С. Ю. Дневник самоконтроля для юношей. — М.: Физкультура и спорт, 1984. — 40 с.
- Благуш П. К теории тестирования двигательных способностей. М.: Физкультура и спорт, 1982. — 165 с.
- Верхоянский Ю. В. Основы специальной силовой подготовки в спорте. Изд. 2-е, перераб. и доп. — М.: Физкультура и спорт, 1977. — 215 с.
- Верхоянский Ю. В. Программирование и организация тренировочного процесса. — М.: Физкультура и спорт, 1985. — 176 с.
- Возрастная и педагогическая психология. Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов /М. В. Матюхина, Т. С. Михальчик и др.; Под ред. М. В. Гамезо и др. — М.: Просвещение, 1984. — 256 с.
- Галковский Н. М., Керимов Ф. А. Вольная борьба. Ташкент. Медицина, 1987. — 223 с.
- Галочкин Г. П. Механические свойства борцовских ковров и техника спортивной борьбы. — Воронеж: Изд-во ВГЦ, 1987. — 160 с.
- Годик М. А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. — М., 1980. — 136 с.
- Гуков Л. К. Пособие по классической борьбе. 2-е изд., перераб. и доп. — Минск: Высшая школа, 1983. — 238 с.
- Гуревич И. А. 1500 упражнений для моделирования круговой тренировки. — 2-е изд., перераб. и доп. — Минск: Высшая школа, 1980. — 256 с.
- Деркач А. А., Исаев А. А. Педагогическое мастерство тренера/ Предисл. Н. В. Кузьминой, А. Ц. Пуни, А. В. Тарасова. — М.: Физкультура и спорт, 1981. — 375 с.
- Деркач А. А., Исаев А. А. Творчество тренера./Предисл. Я. А. Понамарева, В. П. Филина, С. М. Вайцеховского. — М.: Физкультура и спорт, 1982. — 239 с.
- Деркач А. А., Исаев А. А. Педагогика и психология деятельности организатора детского спорта: Учеб. пособие по спецкурсу для студентов пед. ин-тов. — М.: Просвещение, 1985. — 335 с.
- Дымов Я. М. И дружбой сильны богатыри. — Ташкент: Медицина, 1985. — 383 с.

- Иваницкий А. В. Решающий поединок. — М.: Физкультура и спорт, 1981. — 175 с.
- Иванов В. В. Комплексный контроль в подготовке спортсменов. — М.: Физкультура и спорт, 1987. — 256 с.
- Игуменов В. М. Схватка. 2-е изд. перераб. и доп. — Омск: Омское книжное издательство, 1982. — 192 с.
- Келлер В. С. Деятельность спортсмена в вариативных конфликтных ситуациях. — Киев: Здоровье, 1977. — 184 с.
- Кожарский В. П., Сорокин Н. Н. Техника классической борьбы. 2-е изд. — М.: Физкультура и спорт, 1978. — 280 с.
- Кочурко Е. И., Семкин А. А. Подготовка квалифицированных борцов. Метод. пособие. — Минск: Высшая школа, 1984. — 96 с.
- Ленц А. Н. Тактика в спортивной борьбе. — М.: Физкультура и спорт, 1967. — 152 с.
- Малиновский С. В. Программированное обучение и спорт. — М.: Физкультура и спорт, 1976. — 112 с.
- Малиновский С. В. Моделирование тактического мышления спортсмена. — М.: Физкультура и спорт, 1981. — 192 с.
- Матвеев Л. П. Проблемы периодизации спортивной тренировки. — М.: Физкультура и спорт, 1977. — 280 с.
- Медведь А. В., Кочурко Е. И. Совершенствование подготовки мастеров спортивной борьбы. — Минск: Полымя, 1985. — 144 с.
- Методики психодиагностики в спорте: Учебное пособие для студентов пед. ин-тов/В. Л. Марищук, Ю. М. Блудов, В. А. Плахтиенко, Л. К. Серова. — М.: Просвещение, 1984. — 191 с.
- Основы управления подготовкой юных спортсменов. Под ред. М. Я. Набатниковой. — М.: Физкультура и спорт, 1987. — 280 с.
- Пилойн Р. А. Мотивация спортивной деятельности. — М.: Физкультура и спорт, 1984. — 104 с.
- Платонов В. Н. Подготовка квалифицированных спортсменов. — М.: Физкультура и спорт, 1986. — 286 с.
- Преображенский С. А. В жарких схватках. Борьба на Олимпиадах. — М.: Советская Россия, 1979. — 192 с.
- Преображенский С. А. Борьба — занятие мужское. Изд. 2-е, перераб. и доп. — М.: Физкультура и спорт, 1983. — 280 с.
- Родионов А. В. Психоdiagностика спортивных способностей. — М.: Физкультура и спорт, 1973. — 216 с.
- Родионов А. В. Влияние психологических факторов на спортивный результат. — М.: Физкультура и спорт, 1983. — 112 с.
- Сауна. Использование сауны в лечебных и профилактических целях./Под ред. В. Н. Боголюбова, М. Матея. — М.: Медицина, 1985. — 212 с.
- Спортивная борьба. Ежегодник. — М.: Физкультура и спорт, 1971—1986.
- Станков А. Г., Климин В. П., Письменский И. А. Индивидуализация подготовки борцов. — М.: Физкультура и спорт, 1984. — 240 с.
- Тер-Ованесян А. А. Педагогические основы физического воспитания. — М.: Физкультура и спорт, 1978. — 206 с. Туманян Г. С.

- Спортивная борьба: отбор и планирование. — М.: Физкультура и спорт, 1984. — 144 с.
- Фарфель В. С. Управление движениями в спорте. 1975. — 208 с.
- Фидин В. П., Фомин Н. А. Основы юношеского спорта. — М.: Физкультура и спорт, 1980. — 255 с.
- Фомин Н. А., Фомин В. П. На пути к спортивному мастерству. — М.: Физкультура и спорт, 1986. — 159 с.
- Физиология развития ребенка./Под ред. В. И. Козлова, Д. А. Фарбер. — М.: Педагогика, 1983. — 296 с.
- Черневич Г. Л. Организация учебно-тренировочных сборов. — М.: Физкультура и спорт, 1977.
- Шапошникова В. И. Индивидуализация и прогноз в спорте. — М.: Физкультура и спорт, 1984. — 159 с.
- Шепилов А. А., Климин В. П. Выносливость борцов. — М.: Физкультура и спорт, 1979. — 128 с.

## МУНДАРИЖА

Жаҳондаги барча мамлакатларнинг тренерларига очиқ хат . . . . .	3
Муаллифдан . . . . .	9
Усмирилик ёшида кураш билан шуғулланишининг ўзига хослиги . . . . .	10
Усмирларнинг ёш хусусиятлари . . . . .	10
Спорт соҳасидаги таълим-тарбия проблемалари . . . . .	14
Спорт ҳаракатларига ўргатишнинг методологик асослари . . . . .	14
Ҳаракат қўнимкамаларини шакллантиришининг қоиниятлари . . . . .	16
Спорт ҳаракатларига ўргатишнинг педагогик асослари . . . . .	18
Спорт ҳаракатларига ўргатишнинг амалий асослари . . . . .	31
Спорт курашида таълим ва маҳоратни такомиллаштиришнинг асосий проблемалари . . . . .	37
Эркин кураш мисолида спорт кураши чогидаги ҳаракатларни таҳлил қилиш . . . . .	37
Техник тайёргарлик . . . . .	43
Спорт курашида техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш қўлланмаси . . . . .	43
Тактик тайёргарлик . . . . .	51
Полвоннинг жисмоний тайёргарлиги . . . . .	70
Жисмоний сифатларни тарбиялаш учун машқлар . . . . .	74
Куч-қувватни ошириш маниқлари . . . . .	74
Маҳсус машқлар . . . . .	78
Яқинлэштирувчи ва имитацион машқлардан намуналар . . . . .	79
Қаршилик кўрсатиш ўйинлари . . . . .	84
Рӯҳан тайёргарлик . . . . .	95
Спорт курашида мусобақалашув фаолиятини назорат қилиш ва таҳдил этиш . . . . .	99
Умумий тушунча ва қоидалар . . . . .	99
ТТТ кўрсаткичлари системасининг тузилиши . . . . .	102
Курашда техник-тактик ҳаракатларни ёзиб бориш системаси . . . . .	110
ТТТ даражаси динамикасини баҳолаш йўллари . . . . .	111
Педагогик тузатишларни ишлаб чиқиш юзасидан тавсиялар . . . . .	136
Чинницидаги қўшимча ҳолларни назорат қилиш . . . . .	138
Ёш полвонларни тайёrlашнинг турли жиҳатларини ташкил этиш ва режалаштириш . . . . .	149
Курашнинг мусобақалашув фаолияти спецификаси . . . . .	149
Кўп йиллик тайёргарликнинг турли босқичларида машқларни ўрганиш машғулоти . . . . .	159
Урганиш жараёнини планлаштириш . . . . .	164
Полвонларнинг тренировка жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида режалаштирилиши . . . . .	167
Тавсия этиладиган адабиётлар . . . . .	171

## *СПОРТИВНАЯ ЛИТЕРАТУРА*

ФИКРАТ АЗИЗОВИЧ КЕРИМОВ,  
кандидат педагогических наук

## *ТРЕНИРОВКА ЮНОГО БОРЦА*

Художник *B. A. Каҳистани*

Ташкент, 700129, издательство имени Ибн Сины, Навои, 30.

На узбекском языке

## *СПОРТ АДАБИЕТИ*

ФИКРАТ АЗИЗОВИЧ КЕРИМОВ,  
педагогика фанлари номзоди

## *ҚУРАШ ТУШАМАН*

Таржимон *Н. Умаров*  
Муҳаррир *M. Тошпӯлатов*  
Расмлар муҳаррири *A. Ҳудайбердиев*  
Техник муҳаррир *B. Мешчериқова*  
Мусахҳидлар *H. Абдуллаева, M. Раҳимова*

ИБ № 1646

Босмахонага 11.07.90. да берилди. Босишига 19.11.90. да рухсат этилди. Бичайми 84×108 $\frac{1}{3}$ . Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма табоқ 9,24. Нашр босма табоқ 8,35. Шартли бўёқ-оттиски 9,66. Жаъми 7,000 нусха. 1293 рақамили буюртма. Баҳоси 60 т. 266—87 рақамили шартнома.

Ибн Сино номидаги нашриёт, 700129, Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30.  
Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети Тошкент «Матбуот» матбасиши  
лаб чикарийш бирлашмасининг З-босмахонаси. Тошкент 700194, Юнусобод  
даҳаси, Муродов кӯчаси, 1.

Иби Сино номидаги нашриёт яқында *B. С. Лукъянов, М. Т. Турсуновнинг «Юзга киринг»* деган китобини босмадаи чиқаради.

Муаллифлар илмий маълумотлар асосида профилактик тадбирларнинг бугун бир комплекси — қисқача айтганда, соғлом турмуш тарзи аестари ҳақида ҳикоя қиласдилар. Иш қобилиятини сақлаб қолиш ва ошириш бўйича фойдали маслаҳатлар берадилар, совет кишисининг умрини узайтириш, унинг қариш жараёнларини секинлаштириш учун қандай улкан имкониятлар мавжудлигини мисолларда кўрсатадилар.

Китоб ақлий меҳнат ходимларига ҳамда ақлий фаолиятда тобора қатидашиб келаётган жисмоний меҳнат вакилларига мўлжалланган. Уидан ёшлиарнинг соглом турмуш тарзига доир фойдали маслаҳатларни ҳам олиш мумкин.